

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**«ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁНИ»
КАФЕДРАСИ**

**Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг
14 йиллигига бағишланган**

ОҚЮЛОВ ОМОНБОЙ

**ХЎЖАЛИК (ТАДБИРКОРЛИК) ҲУҚУҚИНИНГ ДОЛЗАРБ
МУАММОЛАРИ**

(ўқув қўлланма)

ТОШКЕНТ – 2006

Тошкент Давлат юридик институтининг илмий-методик кенгаши томонидан 2006 йил _____ да ____ - сонли баённома билан тасдиқланган ва тавсия этилган.

О.Оқюлов. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқининг долзарб муаммолари. Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир: ю.ф.н., доц Ф.Ҳ.Отахонов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. - 145 бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

МАСЪУЛ МУҲАРРИР: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори, юридик фанлар номзоди, доцент **Ф.Ҳ.Отахонов**

Тақризчилар: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори,
юридик фанлар доктори **Р.Рўзиев**

Катта ўқитувчи **Х.В.Бурханходжаева**

Юридик фанлар номзоди **У.Н.Дўстов**

Наишр учун масъул: Б.К.Ходжаев

Ўқув қўлланма ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитидаги хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқининг долзарб муаммоларга бағишланган бўлиб, унда хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи фанининг миллий ҳуқуқ тизимида тутган ўрни, иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий таъминлашда хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи муаммолари фанининг вазифалари, тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муаммолари, тадбиркорларнинг фуқаролик жамиятида фаоллигини оширишнинг ҳуқуқий муаммолари, тадбиркорнинг бемалол ва хотиржам ишлаши учун яратилган юридик кафолатлар, илмий-техника тараққиёти ва тадбиркорлик ҳуқуқи масалалари замонавий хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи нуқтаи назардан муаммоли тарзда илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилган. Шунингдек, ўқув қўлланмада юқоридаги масалалар юзасидан хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилган.

Ўқув қўлланма юриспруденция йўналишидаги олий ўқув юртлари ва факультетларнинг талабалари ҳамда магистрантлари, амалиётчи ходимлар, хўжалик ҳуқуқи ва жараёни йўналишида илмий изланиш олиб борувчи тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

© О.Оқюлов.

© Тошкент Давлат юридик институти, 2006 йил.

I БОБ. ХЎЖАЛИК (ТАДБИРКОРЛИК) ҲУҚУҚИ ФАНИНИНГ МИЛЛИЙ ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

1.1. § Иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий таъминлашда ҳуқуқ фанларининг вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йил 14-24 июнда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, тадбиркорлик соҳасида молиявий жавобгарликни эркинлаштириш бўйича 5 та фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. Ушбу норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ўз моҳиятига кўра бир бирлари билан узвий боғлиқ бўлиб, ягона пировард мақсад – мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожлантириш, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфатлари юридик кафолатларини янада мустақамлашга қаратилган. Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу ҳужжатлар иқтисодий ислохотларни янги босқичи бошланганлигидан далолат беради. Унинг моҳияти тадбиркорлар билан давлат органлари, мансабдор шахслар ўртасида ўзаро ишонч хайрихоҳлик ва ҳолисликка асосланган муносабатлар тартибини жорий этишда яққол кўринади. Албатта бундай тизим, тартиб бирданига шаклланмайди. Бунинг учун аниқ мақсадли давлат сиёсати, унинг пухта ишлаб чиқилган илмий асослари мавжуд бўлиши лозим. Бу вазифани амалга ошириш, ушбу мақсадга эришиш учун юридик фанлар олдида ҳам жуда катта вазифалар турибди. Кўп ҳолларда ҳуқуқий тартибот, миллий ҳуқуқ тизими ва улар билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ фанларига устқурмани таркибий қисми сифатида қараш қабул қилинган. Агар иқтисодий тизим базис бўлса, ижтимоий тузилмалар, сиёсий-ғоявий институтларга устқурма сифатида қараб келинган ва бунда ҳар доим базис бирламчи, устқурма эса иккиламчи, яъни ўзига ҳос ҳосила ҳисобланган. Албатта бунинг муайян мантиқий асослари мавжуд, бироқ ҳуқуқ тизими устқурма таркибида нисбий мустақилликка эга. Бошқача айтганда ҳуқуқ тизими жаmiятни иқтисодий ва ижтимоий тизимини тартибга солувчи, уни аниқ мақсадга йўналтирувчи ва муайян самарага, натижага эришишни таъминловчи фаол куч сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқ тизимидан фаол куч сифатида фойдаланиш учун ҳуқуқ тизимини, ҳуқуқ соҳаларини, ҳуқуқ институтларини жиддий ўрганиб таҳлил этиб бориш, бошқача айтганда ҳуқуқшунослик бўйича илмий

тадқиқотларни чуқур ва изчил асосда амалга ошириш талаб этилади. Худди шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентини 2005 йил июн ойида қабул қилган норматив ҳужжатлари ҳуқуқшунослик фанлари учун ўзига хос дастуриламал вазифасини ўтайди. Бу ўринда шунини ҳам таъкидлаш лозимки, юридик фанлар айниқса фуқаролик ҳуқуқи, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи каби фанлар бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида олинган илмий ишланмалар мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантириш, уни ҳуқуқий асосларини яратиш ва мустаҳкамлаш соҳасида жуда катта амалий натижалар берди. Бугунги кунда мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгариши, бозор тизимига асосланган инфратузилмаларни вужудга келиши ва фаолият юритиши, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий мақомини белгилаб қўйилишида ҳуқуқшунослик фани ютуқлари ўзига хос негиз бўлди деб айтиш мумкин. Бироқ эришилган натижалар яна ҳам салмоқлироқ бўлиши мумкин эди, агарда ҳуқуқшунослик фанлари бўйича тадқиқотларни ташкил этиш, фан ва амалиётни узвий боғлиқлигини таъминлаш ва фан ютуқларини амалиётга жорий этиш бўйича пухта ишланган оқилона ташкилий ҳуқуқий тизим йўлга қўйилганда. Ҳар қандай фан соҳаси каби ҳуқуқ фанлари ҳам ижтимоий воқеликни тушунтириб, изохлаб бериш, уни англаб етиш истиқболни башорат қилиш ва амалий муаммолар ечимини бериш билан шуғулланиш лозим. Шу маънода олганда бугунги кунда ҳуқуқшунослик фанлари иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш соҳасида жиддий ишлар қила олади. Афсуски ушбу соҳада барча ҳуқуқ соҳалари бир текисда ижобий самара бараётгани йўқ. Хозирча бу борада асосий оғирлик маркази фуқаролик ҳуқуқи фанига тушмоқда. Мамлакатимиз мутақилликга эришгандан буён амалга оширилган иқтисодиётни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ илмий тадқиқотларни, диссертацияларни жуда катта қисми цивилист олимлар томонидан амалга оширилди. Бунга мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, шартнома интизоми, юридик шахслар ҳуқуқий ҳолати, мулквий жавобгарлик бўйича амалга оширилган ўнлаб илмий тадқиқотларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу борада фуқаролик ҳуқуқи томонидан эришилган натижалар салмоқли эканлигини қайд этиш билан бирга, фуқаролик ҳуқуқий тадқиқотлар доираси чегаралангангини қайд этиш лозим. Гап шундаки фуқаролик

ҳуқуқи иштирокчиларни тенглиги, мулкӣ мустақиллиги ва эрк мухториятига асосланган муносабатларни тартибга солади. Бироқ иқтисодий тизимда ушбу муносабатлар доирасига кирмайдиган, бироқ иқтисодиётни ривожланишида, бошқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқача муносабатлар гуруҳи ҳам мавжуд. Бундай муносабатлар гуруҳига тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат контрол-назоратини амалга оширишда вужудга келадиган муносабатлар, тадбиркорлик субъектларини руйхатга олиш, ҳисобага қўйиш, лицензиялар бериш, турли имтиёз ва афзалликлар бериш, монополистик ҳаракатни чеклаш, корпоратив бошқаришни ташкил этиш, солиқ, божхона ва бошқа муносабатлар киради. Албатта бу муносабатларни қисман маъмурий ҳуқуқ, божхона ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи, молия ҳуқуқи ҳам ўрганиши мумкин. Бироқ мамлакатимиздаги ушбу соҳалар бўйича илмий тадқиқотлар иқтисодий ислоҳотлар билан боғлиқ равишда деярли ўрганилмаётганлигини эътироф этиш лозим. Солиқ ҳуқуқи, божхона ҳуқуқи миллий ҳуқуқ тизимида энди энди шаклланиб келмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш соҳасида хўжалик тадбиркорлик ҳуқуқи жуда улкан ишларни амалга ошириши мумкин эди. Бироқ ушбу соҳа деярли ривожланмаяпти, бунда бир нуқтада депсиниб туриш ҳолати мавжуд. Бундай вазиятни рўй бериши ушбу соҳа мутахассислари эътиборсизлиги ва уқувсизлиги натижаси эмас. Балки илмий тадқиқотларни ташкил этиш, уларни баҳолаш, илмий даражаларни бериш тартибидаги номукамалликлар билан боғлиқ. Маълумки хўжалик тадбиркорлик ҳуқуқи ҳуқуқ фанлари туркумида 12.00.04 тартиб рақамига эга. Бироқ ушбу ихтисослик соҳаси бўйича фан доктори илмий даражасига эга бўлган олимлар мамлакатимизда йўқ, фан номзодалари эса бармоқ билан санарли. Бундай ҳолатни вужудга келиши олимларни хўжалик тадбиркорлик ҳуқуқи билан шуғулланишга хоҳиши йўқлигидан далолат бермайди. Тошкент Давлат юридик институтида бир неча йилдан буён элликдан ортиқ ушбу ихтисослик бўйича магистрлар тайёрланди ва уларнинг ҳар бири магистрлик диссертациялари ёздилар. Бироқ уларнинг илмий тадқиқотларни давом эттирган қисми хўжалик тадбиркорлик ихтисослиги бўйича эмас, асосан фуқаролик ҳуқуқи ва қисман жиноят ҳуқуқи бўйича илмий изланишларни давом эттирдилар. Демак бунда асосий муаммо хўжалик тадбиркорлик ҳуқуқидан

диссертациялар химояси бўйича ихтисослаштирилган кенгашлар мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Ихтисослашган кенгашлар тузиш учун эса мутахассислар керак бўлади. Зохиран қараганда муаммо ёпиқ халқа доирасида қолгандай, ечими йўқдек бўлиб туюлади. Бироқ кўпгина МДХ мамлакатларида буни осонгина ечими бор. Маълумки фуқаролик ҳуқуқи ва хўжалик тадбиркорлик ҳуқуқи турдош тармоқлар ҳисобланди. Хўжалик тадбиркорлик ҳуқуқи аслида фуқаролик ҳуқуқи таркибидан ажралиб чиққан. Баъзи цивилист олимлар хатто хўжалик тадбиркорлик ҳуқуқини фуқаролик ҳуқуқини кичик соҳаси деб ҳисоблайдилар. Гап хўжалик тадбиркорлик ҳуқуқини мустақил тармоқлиги ёки ундай эмаслигида эмас, гап бу ўринда хўжалик тадбиркорлик ҳуқуқини ривожлантириш, уни иқтисодий ислоҳотлардан ҳуқуқий таъминлаш бўйича самарали илмий ишланмалар берувчи соҳага айлантириш устида бормоқда. Агар хўжалик тадбиркорлик ҳуқуқи-12.00.03. фуқаролик ҳуқуқи ихтисослигига қўшилса ва хўжалик процесси фуқаролик процесси 12.00.04. шифрида алоҳида илмий тадқиқотлар йўналишини ташкил этса муаммо мувафақиятли ҳал этилган бўлур эди. Юқорида кўрсатганимиздек баъзи МДХ мамлакатлари шундай йўл тутдилар. Мамлакатимизда ҳам бундай тажрибани қўллаш асосида цивилистика фани доирасида хўжалик тадбиркорлик ҳуқуқи бўйича олимларни, фуқаролик процесси ихтисослиги доирасида хўжалик процесси бўйича олимларни тайёрлашга имкон бўлур эди.

Иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш бўйича илмий ишланмалар самарадорлигини оширишда муайян захира имкониятлар талайгина. Биринчи гада диссертация мавзулари танлашда синчковлик ва истиқболни кўра билиш, долзарб, муҳим амалий назарий аҳамиятга эга бўлган муаммолар билан боғланган тадқиқотларга қўл уриш алоҳида аҳамиятга эга. Диссертация мавзулари нафақат тадқиқотчининг ўзини илмий раҳбарини, балки барча тегишли соҳа олимлари диққати эътиборида бўлиши, улар томонидан қизғин муҳокама қилинмоғи, тадқиқот режаси ҳар томонлама кўриб чиқилмоғи лозим. Мана шунда айрим диссертациядагилар каби ўрта миёналик, қуруқ баёнчилик ҳолатларига барҳам берилади. Диссертация дарслик эмас, илмий тадқиқот муайян илмий муаммони ечими ишлаб чиқилган эканини унутмаслик лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил июн ойида қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатларини амалга ошириш иқтисодий ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида ҳам, иқтисодий бошқариш соҳасида ҳам, тадбиркорларни ҳуқуқлари ва қонуний манфатларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳам янги тараққиёт йўналишларига асос солади. Бу эса ҳуқуқшунос олимлар олдида улкан вазифалар қўяди. Улар тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя тизимини ташкилий структураси, ҳимоя усуллари ва шакллари ҳуқуқий асослари, бу борада моддий ҳуқуқий ва процессуал ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро нисбати, тадбиркорлар ҳуқуқлари бузилишини олдини олиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, етказилган зарарларни ундириш, тадбиркорлик субъекти фаолияти устидан давлат назорати асослари, шакллари, текширувчи органлар ваколатлари, текширишлар тартиби, текширишларни қонунийлиги, ҳолислиги ва мақсадга мувофиқлигини таъминлашнинг юридик кафолатини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб боришлари талаб этилади. Албатта ушбу муаммолар алоҳида илмий тадқиқотлар учун мавзу сифатида олиниши ҳам мумкин. Бироқ фуқаролик ҳуқуқи бўйича, маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, фуқаролик процесси, солиқ ҳуқуқи, божхона ҳуқуқи бўйича тадқиқотлар олиб бораётган изланувчилар ҳам агар ўз тадқиқот мавзуларини иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш муаммолари билан боғлаш мумкин бўлса, бундай имкониятдан албатта фойдаланишлари шарт.

Иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш муаммоларини ўрганувчи тадқиқотчилар амалиётни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишлари лозим. Афсуски барча тадқиқотлар ҳам бунга амал қилади деб бўлмайди. Бунга асосий сабаб фақат тадқиқотчиларни амалиётга нописандлик билан қараши, назарий масалалар қобиғига ўралиб қолганлигида эмас, балки илм-фан ва амалиёт ўртасида боғланиш тизими заифлигидадир. Бугунги кунда аксарият кўпчилик тадбиркорлик субъектлари хусусий мулкка асосланади. Бинобарин маъмурий асосга кўра уларнинг фаолиятини ўрганиш социологик ва бошқа тадқиқотлар ўтказиш анча мураккаб масала. Кўпчилик тадбиркорлик субъектлари, тегишли давлат идоралари ва хизматчилари бунга ҳар доим ҳам қизиқиш билан қарайвермайдилар. Бинобарин ҳуқуқшунос олимлар томонидан иқтисодий ўрганиш, тегишли ахборотларни олиш тартибини белгилаб қўйиш ва бунда тижорат сирлари ва конфиденциал

ахборотларни сир сақланишини таъминлашга риоя қилиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Ҳуқуқшунос олимлар томонидан олинган илмий ишланмалар натижаларини амалиётда фойдаланиш тизими ҳам такомиллаштиришга муҳтож. Кўп ҳолларда диссертацияларда илгари сурилган таклиф ва хулосалар фақат қоғозларда қолиб кетмоқда. Эҳтимол илмий ишланмалар натижалари бўйича маълумотлар базаларини, мониторингларни ташкил этиш тўғрисида ўйлаб кўриш лозим бўлар эди. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, Олий Ҳўжалик Суди, Бош Прокуратураси, Адлия Вазирлиги ҳузурида илмий маслаҳат кенгашлари доимий фаолият юритадиган бўлиши лозим.

Иқтисодиётни тартибга солувчи қонунлар иқтисодий ислоҳотларни ҳар бир босқичда танқидий таҳлил этилиши, уларнинг муқобил вариантлари лойиҳалари яратилишини рағбатлантириш вақти келди. Турли олимларнинг қонунларнинг муқобил лойиҳалари илмий журналларда дадил эълон қилиниши, интернет саҳифаларига жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

1.2. § Иқтисодиёни ҳуқуқий тартибга солишнинг Конституциявий тамойиллари

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилган ва қабул қилинган шарт-шароитларда мамлакат иқтисодий ривожининг стратегик мақсади яъни бозор муносабатлари тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш аниқ ва равшан белгилаб қўйилган эди. Бироқ ушбу иқтисодий тизимни барпо этиш йўллари, давлат ва иқтисодиёт ўртасидаги ўзаро муносабатлар, давлатни иқтисодиётга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш шакллари ва воситалари хали мукамал ишлаб чиқилмаган эди. Мана шундай шароитда Конституциянинг XII-боби жамиятни иқтисодий негизи тўғрисида конституциявий нормаларни ўзида мужассам этди. Бугунги кунда ушбу нормалар мазмунини таҳлил этар эканмиз, уларни нихоятда заргарона аниқлик билан белгиланганлиги эътироф этиш лозим.

Энг аввало, Конституцияда Ўзбекистон иқтисодиётининг стратегик тараққиёти бозор муносабатларини ривожлантириш эканлиги ўз ифодаси топганлигини қайд этиш лозим. Демак, бозор муносабатлари тизими Ўзбекистон Республикасида легитим Конституциявий мақомга эгадир. Бинобарин хокимиятнинг барча бўғинлари қабул қиладиган чора-тадбирлар, барча қонунлар агар улар иқтисодиёт билан боғлиқ бўлса, албатта бозор муносабатлари тизимини ривожлантириш мақсадини кўзлаши лозим. Иқтисодий соҳада маъмурий буйруқбозлик усуллари ёки режага асосланган директив раҳбарликни ифодаловчи ҳар қандай чора тадбирлар албатта Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 53-моддасига зид келади.

Мулкчилик муносабатлари ҳар қандай жамият иқтисодий негизининг асосида ётади. Худди шу сабабли ҳам Асосий қонунимизда мулк муносабатларни тартибга солишга қаратилган қатор Конституциявий принциплар белгилаб қўйилган. Биринчи гада Ўзбекистон иқтисодиёти негизини хилма хил шакллардаги мулк ташкил этиши белгилаб қўйилган. Демак, бундан мамлакатимизда қандайдир мулк шаклини танҳо ҳукмрон мавқеъга эга бўлмаслиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Бу ўринда Конституцияда мулк шакллари санаб чиқилмайди, уларнинг рўйхати белгилаб қўйилмайди. Бу эса келгусида истиқболда вужудга келиши мумкин бўлган у ёки бу мулк шакллари тўсиқлар

қўйиш истисно этилишини англатади. Конституцияда шунингдек барча мулк шакллариининг тенглиги ва ҳуқуқий жихатдан баб-баравар химоя этилиши кафолатланиши тўғрисида Конституциявий принцип ўз ифодасини топган. Ушбу принцип шунчаки декларатив характерга эга бўлмасдан, кейинчалик фуқаролик қонунларида янада ривожлантирилди ва муайянлаштирилди. Давлат – мулкдор, давлат мулки яъни оммавий мулк мулкнинг алохида шакли хисобланади. Бироқ давлат на сиёсий хокимият субъекти сифатида, на қонун чиқариш хокимиятини сохиби сифатида ўз мавқеъидан фойдаланган холда оммавий мулк учун алохида имтиёзли холатни белгилаб бермайди. Аксинча барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жихатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолати сифатида намоён бўлади.

Конституцияда шунингдек мулк шакллари орасида хусусий мулк шакли тўғрисида алохида сўз юритилади. Бир қарашда Конституциянинг 53-моддасининг биринчи қисми ва 53-моддаси иккинчи қисми орасида зиддият бордек туюлади. Агар 53-модданинг биринчи қисмида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлиги расман баён этилса, 53-модданинг иккинчи қисмида эса мулк шакллари ичида хусусий мулкка алохида эътибор берилади. Аслини олганда бундай зиддият мавжуд эмас. Чунки гарчи хусусий мулк алохида таъкидлаб кўрсатилса ҳам, Конституциянинг 53-моддаси иккинчи қисми барча мулк шакллари учун таъсир кучига эга. Шу билан бирга хусусий мулкка алохида урғу берилгани бежиз эмас. Чунки Конституция қабул қилингунга қадар хусусий мулк амалда тўла қонли ҳуқуқий мақомга эга бўлмаган. Аксинча, нисбатан яқин ўтмишда у қораланиб, юридик жихатдан қонундан ташқари деб эълон қилинган. Бошқа жихатдан олганда эса, айнан хусусий мулк эркин рақобат ва шартномалар эркинлиги бозор муносабатларини ривожлантиришнинг асосий шартидир. Тадбиркорликни ривожлантириш учун тадбиркорлар ўз мол мулкларига эга бўлиши лозим. Давлат мулки, оммавий мулк ўзининг алохида тайинланиш мақсад-вазифаларига эга. Бу вазифалар давлатнинг ўзига хос функциялари, яъни мудофаа, хавфсизлик, социал функциялар, давлатни нормал фаолиятини ташкил этиш ва шу кабилар билан узвий боғлиқ. Бинбарин иқтисодиётда хусусий сектор субъектлари тадбиркорликни асосий субъектлари сифатида намоён бўлиши табиий. Бундан эса, хусусий мулкни жамият иқтисодий негизини ривожлантиришда, бозор

тизими ва тадбиркорликни тараққий этишида асосий моддий-мулкӣ манба бўлиши тўғрисида хулоса келиб чиқади. Демак, қонун чиқарувчи Конституциянинг 53-моддаси иккинчи қисмида хусусий мулкка урғу бериши ҳар жихатдан ўринли ва мақсадга мувофиқ бўлган. Навбатдаги Конституциявий принцип мулк дахлсизлиги билан боғлиқ. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин. Фуқаролик Кодексида ва бошқа қатор қонунларда мулк ҳуқуқини бекор бўлиш асослари ва тартиби батафсил белгилаб қўйилган. Мулкдор ҳар қандай ҳолатда эмас, балки ўзининг ғайриҳуқуқий ҳаракатлари ёки жамият манфаатлари тақозосига кўра, муайян чекланган ҳолатлардагина ўз мол мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Асосий қонунимизда мулк ҳуқуқини мазмуни ва мулкдор ваколатларини амалга ошириш чегараси белгилаб қўйилган. Мулкдор ваколатлари энг аввало ўз мол мулкига ўз хохишига кўра эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф қилишда намоён бўлади. Бироқ мулкдор ваколатлари мутлақо чегарасиз эмас. Мулкдор ўз мол мулкдан фойдаланиш жараёнида экологик муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа субъектларни ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Конституцияда жамият иқтисодий негизлари билан боғлиқ яна бир принцип бу - иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эканлиги принципи ҳисобланади. Иқтисодий фаолият эркинлигининг моҳияти шундан иборатки фуқаролар ва юридик шахслар қонунларда таъқиқланмаган ҳар қандай иқтисодий фаолият билан шуғулланишлари мумкин. Ушбу иқтисодий фаолиятни амалга оширувчиси томонидан фойда олиш мақсади кўзда тутилса тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Агарда бундай мақсадни кўзламаса хайрия, биргаликдаги фаолият ва шу каби кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги фуқаро ёки тижорат юридик шахсига қонунда таъқиқланмаган ҳар қандай фаолият соҳаси бўлса тадбиркорликни амалга ошириш имконини беради. Бироқ ҳар қандай иқтисодий фаолиятни, тадбиркорликни ва меҳнат фаолиятини амалга оширувчи ҳар бир субъект ўз фаолияти натижаларидан баҳраманд бўлувчи истеъмолчилар ҳуқуқи устунлигини унутмасликлари лозим. Бозор шароитида ҳар қандай меҳнат фаолияти, тадбиркорлик фаолияти ва иқтисодий фаолият пировард натижаси

истеъмолчиларнинг муайян эҳтиёжларини қаноатлантириш ҳисобланди. Бинобарин ушбу тамойилни давлатни иқтисодиётини тартибга солишда қатъий амалга ошириш шарт бўлган ўзига хос Конституциявий принцип сифатида эътироф этиш ўринли бўлур эди. Юқоридаги Конституциявий принциплар иқтисодиётни тартибга солувчи ҳар қандай қонунлар ва норматив ҳужжатлар мазмунида ётувчи асосий раҳбарий қоида бўлиб қолиши, уларни Конституцияга тўлиқ мувофиқлигини таъминловчи асосий юридик шарт ҳисобланади.

1.3.§ Иқтисодий ислохотлар ҳуқуқий асослари ривожининг янги босқичи

Маълумки иқтисодиётни ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоя тизимини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқарилган фармонлар ва қарорлар фавқулодда муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда ҳеч қандай муболағага йўл қўйилгани йўқ. Тўғри, ҳуқуқий демократик давлатда ҳуқуқ нормаси билан тартибга солинишга муҳтож бўлган ижтимоий муносабат олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат – қонунлар билан тартибга солинмоғи мақсадга мувофиқ, чунки қонунларда адолатли, ҳолис ва самарали ишлайдиган ечимлар ўз ифодасини топади деган фикр мулоҳаза кенг тарқалган. Унинг тарафдорлари қонун ости ҳужжатларида умуммиллий манфаатлардан кўра маҳкамавий манфаатлар устувор бўлиб қолиши мумкинлигидан хавотир билдирадилар. Вазирликлар ва бошқа идоралар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларда бундай хавотирлик баъзи ҳолларда муайян асосга эга. Бироқ қонун ости ҳужжатлари ичида Президент фармонлари ўзининг юқори савияси билан ажралиб туради. Гарчи Конституциянинг 94-м.га асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан фармонлар, қарорлар чиқариши белгилаб қўйилган ва бинобарин улар қонун ости ҳужжатларини бир тури бўлса ҳам, уларнинг моҳияти ва мазмуни алоҳида ўзгача аҳамият касб этишини эътироф этиш лозим.

Биринчидан, Президент томонидан қабул қилинадиган норматив ҳужжатлар ҳар қандай маҳкамавий манфаатлардан ҳоли, умуммиллий манфаатларни қатъий ва изчил ифодалайди ва уларни ҳимоя қилади;

Иккинчидан, ушбу норматив ҳужжатлар иқтисодиётдаги оғрик нуқталар, мушкул муаммоларни ҳал этишга қаратилади. Албатта ушбу муаммолар қонунлар орқали ҳам ҳал этилиш мумкин ва баъзан шундай бўлади ҳам. Бироқ қонунларни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш анчайин мураккаб жараён. Ушбу жараён бир неча ойлар давом этади. Иқтисодиётдаги вазият эса баъзан муаммони зудлик билан ҳал этишни, субъектларни муайян ҳаракатларини содир этишга йўналтиришни талаб этади. Мана шундай ҳолатда Президент норматив ҳужжатлари беқиёс аҳамиятга

эга бўлади. Бир вақтлар хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари энг юқори даражага кўтарилганда Президент фармони орқали олдиндан ҳақ тўлаш, харидорни тўловга лаёқатини текшириш тартиби белгилаб қўйилганлиги, векселлар билан ҳар хил суистеъмолликлар содир бўлиб, баъзи корхоналарда ҳатто иш ҳақи ҳам векселлар билан берилганда Президент фармони билан авал вексель жорий этилиши қандай ҳалоскорлик вазифасини бажарганлиги барчамизнинг ёдимизда. Ҳолбуки бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Учинчидан, Президент қабул қиладиган норматив ҳужжатлар мазмуни давлат раҳбарининг шахси, ақлий салоҳияти билан ҳам узвий боғлиқ эканлигини унутмаслик лозим. Мамлакатимиз раҳбари барча туб иқтисодий ислохатларнинг ташаббускори, унинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқувчиси бўлган Ўзбекистонда Президент норматив ҳужжатлари уларни амалий дастаклари сифатида намоён бўлмай иложи йўқ. Шу маънода Президент фармонлари иқтисодиётни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар тизимида ўзининг ижодий янги ечимга эгаллиги, юқори самарадорлиги, тараққиёт сарҳадларини доимий равишда кенгайтириб бориши билан ажралиб туради. Президент фармонида илк маротаба ўз ифодасини топган норматив ечимлар кейинчалик ҳуқуқ-тартибот тизимини, қонунларни таркибий қисмига айланиб қолганлиги бежиз эмас. Масалан, ерга нисбатан илк хусусий мулкчилик, фермер хўжалиқларини хусусий корхона сифатидаги моҳиятини очиб бериш, хорижий инвестициялар учун қулай шарт-шароитлар белгилаш, акциядорлар жамиятини йирик ишлаб чиқаришни ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида қўллаш лозимлигининг ҳуқуқий асослари дастлаб Президент фармонларида илгари сурилган эди. Президент норматив ҳужжатларнинг ўта юқори сифати ва юқсак самарадорлиги, иқтисодий ислохатларни янги йўналишларни, янги уфқларини очиб бориши юриспруденция фанида ўзига хос феномен сифатида тадқиқ этилмоғи лозим. Бу соҳадаги тажриба бошқа қонун ости ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш соҳаси учун муайян даражада фойдали бўлиши мумкин.

Президентимизнинг иқтисодий ислохатларни амалга оширишдаги етакчилик мавқеи у томонидан 2005 йил июн ойида чиқарилган норматив ҳужжатларда яна ҳам яққол намоён бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йил 14 июнда чиқарилган "Бозор ислохатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида" фармони, 2005 йил 14 июнда "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида" фармони чиқарилди, 2005 йил 15 июнда "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида" Қарори қабул қилинди. 2005 йил 21 июнда "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида" фармони, 2005 йил 24 июнда "Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарликни эркинлаштириш тўғрисида" фармони чиқарилди.

Хар бир ҳуқуқий ҳужжат ўз моҳиятига кўра бир-бирлари билан узвий боғлиқ ва ягона пировард мақсад – мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожлантириш, тадбиркорларни ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Юқори даражада ривожланган хар бир жамиятда хар бир инсон, хар қандай корхона, муасаса, ташкилот ўз фаолиятини ҳуқуқ нормалари асосида ташкил этади. Тадбиркорлик фаолияти ва тадбиркорлари ҳуқуқлари ва бурчлари оқилона қонуний асосларини яратиш мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Худди шу сабабли ҳам Президентимиз фармонида тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи барча ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, уларни иқтисодий ислохатларнинг мақсад, вазифа ва асосий устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш ва энг асосийси уларни шунчаки қуруқ баённома бўлмасдан ҳаётда амалда қўлланишини, ишлашини таъминлаш механизминини яратиш вазифалари қўйилган.

Маълумки, бозор муносабатларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш жараёнида давлат бош ислохатчи ролини ўйнайди. Давлат нафақат иқтисодиётни ҳуқуқий асосларини яратади, балки унинг ижросини таъминлайди. Тадбиркорлик субъектлари фаолияти иштирокчилари ўз мажбуриятларини бажаришлари устидан давлат идоралари назорати амалга оширилади. Бироқ

бундай назорат қонун доирасида ва қонун асосида бўлмоғи шарт. Айрим мансабдор шахслар бундан ўз ғаразли мақсадларида ёхуд суистеъмолликлар йўлида фойдаланмасликлари лозим. Худди шу сабабли назорат органларининг раҳбарлари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгарлиги белгилаб қўйилди. Эндиликда қандай давлат идораси бўлишидан қатъий назар тадбиркорлик субъектларини ҳуда-беҳудага текшириш ҳолатларига барҳам берилади. Айниқса бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари (прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик органлари) ваколатлари жиддий чегаралаб қўйилди. Тадбиркорлик субъекти фаолиятини режадан ташқари текширишга асос бўлиб:

ё ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорани қўзғатилган жиноят иши юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарори;

ёхуд шундай текширишларни ўтказиш тўғрисида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори ҳисобланади.

Кўп ҳолларда қўзғатилган жиноят иши тадбиркорлик субъектининг фаолияти билан бевосита боғланмаган, бошқа субъект фаолияти билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолда фаолияти юзасидан жиноят иши қўзғатилган субъект билан тадбиркорлик субъекти ўзаро муносабатда бўлган бўлсагина, юқоридаги асослардан бири мавжуд бўлса ва ўша ўзаро муносабатлар доирасидагина муқобил текширишга йўл қўйилади.

2005 йил июнь ойида Президентимиз томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар иқтисодий ислохатларни ҳуқуқий таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида ўзига хос янги босқични бошлаб берди. Ушбу босқичнинг моҳияти тадбиркорлар билан давлат органлари, мансабдор шахслар ўртасида ўзаро ишонч, хайрихоҳлик ва холисликка асосланган ўзаро муносабатлар тартибини, тизимини жорий этишда яққол кўринади. Албатта, бундай тизим, тартиб бирданига шаклланмайди. Бозор муносабатларига ўтишнинг илк босқичларида тадбиркорликни ҳуқуқий асослари заиф бўлгани, тадбиркорлар фаолияти бўйича давлат назорати йўлга қўйилмагани ҳеч кимга сир эмас. Ўша даврда асосий вазифа корхоналар ўртасида маъмурий асосда жорий этилган хўжалик алоқаларини издан чиқиши шароитларида истеъмол бозорини тўлдириш эди. Бозор муносабатларини

ривожлантириб борган сайин тадбиркорлик фаолиятини қонун асосида ташкил этиш, бунда давлат назорати тартиби жорий этишга зарурат туғилди. Гап шундаки тадбиркорлик фаолиятини амалга оширилишида тадбиркорлар билан давлат органлари, тадбиркорлар ва истеъмолчилар ўртасида ўзига хос муносабатлар туркуми вужудга келади.

Давлат идоралари тадбиркорлик субъектлари томонидан тегишли қонунларга риоя қилиниши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида ва тўғри ҳисоб-китоблар асосида тўланиши ва товарлар, ишлар, хизматлар юқори сифатли бўлиши устидан назоратни амалга оширадilar. Бозор муносабатларига ўтиш босқичларида тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назорати нисбатан доимий ва қаттиқ кўринишга эга бўлади. Бунинг сабаби шундаки хали доимий профессионал тадбиркорлар қатлами вужудга келмаган, демакки тадбиркорлик субъекти муайян фаолият билан узоқ муддат мунтазам шуғулланмаганлиги сабабли ўз фаолиятини мукамал, миридан сиригача эгаллаб олмаган, белгиланган тартиб қоидаларни ҳам пухта билмаслиги сабабли билиб-билмас ҳар хил қоидабузарликларга йўл қўйиши мумкин. бундай шароитда доимий ва қаттиқ назорат тадбиркорлик субъектларида маъсулият туйғусини оширади, қоидабузарликларни ўз вақтида бартараф этилишига хизмат қилади, тадбиркорлик мажбуриятларини ўз вақтида ва тегишли даражада бажарилишини таъминлайди. Муайян даврларда ушбу тартибни қаттиқроқ бўлиши талаб этилди. Бунда асосий мақсад тадбиркорларни қонун талабларига қатъий риоя қилиши, шериклар ва истеъмолчилар манфаатларини ҳурмат қилиш, ҳисобот ва молия интизомини тегишли даражада бажаришга ўргатиш, ҳар хил суистеъмолликлар ва ҳуқуқбузарликлардан сақланиш кўникмасини вужудга келтириш эди. Ушбу вазифа бугунги кунда деярли бажарилди. Худди шундай шароитда аввалги тартибни сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ эмас эди. Ушбу тартибни соддалаштириш, тадбиркорларни назорат-текширувчи органларга боғлиқлигини энг минимал даражага келтириш талаб этилар эди. Тадбиркорлик – бу энг аввало ташаббус кўрсатиб ишлаш ҳисобланади. Демак, тадбиркор ҳадеб давлат амалдорини қош-қовоғига қараши, унга ҳисоб бериши уни ҳам тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни бажариш, товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишидан чалғитади, ҳам ташаббус ва мустақилликни бўғади. Албатта бундай қаттиқ назорат ва

хисоботлар тартиби кичик бизнес субъектлари учун айниқса зарарлидир. Чунки кичик бизнесда тадбиркорлик ё якка тадбиркор ёхуд 15-20 кишидан иборат микрофирмаларда амалга оширилади. Бунда бир шахснинг ўзи ҳам директор, ҳам бухгалтер, ҳам ҳуқуқшунос, ҳам таъминотчи вазифаларини бажаради. Унинг иш вақтининг ҳар дақиқаси олтидан қиммат. Эндиликда кичик бизнес субъектлари ўз тадбиркорлик фаолиятини янада тўлақонли ва самарали ташкил этиш имконига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йил июль ойида қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг ҳар бири ўз таъсир доираси бўйича мамлакатимиз иқтисодиётини ва тадбиркорлик фаолиятини ривож учун жуда катта қулай имкониятларни яратиб беради. Уларнинг ҳар бири мазмуни, берадиган самараси ҳақида мутахасислар ва тадбиркорлар оммавий ахборот воситаларида тўла ва чуқур мазмунли чиқишлар қилдилар, фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Уларга тўлиқ қўшилган ҳолда ушбу норматив ҳужжатларни ахамиятини фақат шулар билангина чекланмаслигини қайд этиш лозим.

Энг аввало ушбу норматив ҳужжатлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни, иқтисодиётни эркинлаштиришни қатъий ва изчиллик билан амалга оширилишига бўлган ишончни мустаҳкамлади. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя тизимини самарали ишлашига ҳуқуқий қафолат яратди.

Ва ниҳоят иқтисодиётда ва тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда қонунларга аниқ ва оғишмай риоя қилиш жараёнини мустаҳкамлади. Масалан, агар илгари тадбиркорларга нисбатан молиявий санкциялар деб аталмиш чораларни кўп ҳолларда юридик маълумотга эга бўлмаган текширувчи органлар ходимлари қўллаган ва бунда баъзан билиб-билмай қонунларни қўллашда хатоликлар рўй берган бўлса, эндиликда уларни фақат суд қўллайди ва бу ҳолат эса қонунийлик, холислик ва адолатни таъминлашга хизмат қилади.

2005 йил 5 октябрда "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони чиқарилди. Ушбу фармон давлат раҳбари томонидан шу йил июнь ойида чиқарилган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни мантиқий давоми бўлди. Чунки бундай фармонни қабул қилиш тўғрисида норма Ўзбекистон

Республикаси Президентини 2005 йил 14 июнда чиқарган "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги" Фармонининг 4-5 бандларида назарда тутилган эди.

Эндиликда микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молиявий хўжалик фаолиятини хар 4 йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса хар 3 йилда кўпи билан бир марта режа асосида молиявий хўжалик фаолиятини текширишга йўл қўйилади. Илгариги тартибга кўра эса назорат қилувчи органлар томонидан режа асосида махсус ваколатли идора қарорига кўра бир йилда бир марта текшириш мумкин эди. (Агарда тадбиркорлик субъектлари солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаган бўлсалар, тегишли қоидаларга риоя қилган бўлсалар ва йиллик аудиторлик хулосалари мавжуд бўлса, икки йилда бир марта текшириш ўтказиш мумкин эди.)

Маълумки тадбиркорлик субъектини молиявий хўжалик фаолиятини текшириш тадбиркорни ўзининг асосий фаолиятидан чалғитади. У муайян вақт давомида (текшириш бир ойгача давом этиши мумкин.) текширувчиларга хужжатлар тақдим этиш, саволларига жавоблар ва изоҳлар бериш, уларни қош-қовоғига қараб туришга мажбур бўлади. Тадбиркорлик ташаббус кўрсатиб, таваккалчилик билан ишлаш демақдир. Хар хил текширишлар энг аввало ташаббусни ва таваккалчилик туйғуларини кескин сўндиради. Худди шу сабабли хам режали текширишларни кескин қисқартирилиши тадбиркорлик субъектлари учун эркинликлар доирасини кенгайтиради ва қулайликлар вужудга келтиради.

Фармонда кўрсатилишича янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молиявий хўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текширишга йўл қўйилмайди. Демак улар бемалол ва хотиржам равишда ўзларининг куч ғайрат ва эътиборларини хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятларига қаратиши мумкин.

Бир неча туманларда, турли худудларда ўзининг ишлаб чиқариш бинолари, савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларига эга бўлган бошқача айтганда, таркибий бўлинмалари турли худудларга сочилиб кетган хўжалик юритувчи субъектлар учун ўзига хам хос қулайликлар яратилди. Эндиликда худудий солиқ органлари

томонидан бошқа туманларда рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларини ишлаб чиқиш бинолари, савдо шохобчалари қаерда жойлашганидан ва хизматлар кўрсатиладиган жойдан қатъий назар уларнинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириш такрорланишга йўл қўйилмаган холда тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган жойдаги тегишли солиқ органлари билан бир вақтда амалга оширилади. Демак бунда бу туман худудидаги ишлаб чиқариш бўлинмасига бир куни, бошқа туман худудидаги ишлаб чиқариш бўлинмасига бошқа куни текширувчилар келиб текширишлар ўтказиш холлари истисно этилади.

Тадбиркорлик субъектини нафақат текширишларни ўтказиш жараёни, балки кўпроқ текширишларни якуни ташвишга солади. Илгари текширишлар бўйича аниқланган камчиликларни тузатиш мажбурияти тадбиркорга юкланган холда яна бунинг устига камчиликларга йўл қўйгани учун тадбиркорнинг ўзига нисбатан ҳам молиявий жазо чоралари қўлланилар эди. Бу эса бир ҳуқуқбузарлик учун икки жазо каби номақбул тартибни келтириб чиқаради. Эндиликда фармонда кўрсатилганидек тадбиркорлик субъектлари текшириш натижалари бўйича назорат органларининг тақдимномаларини бажарган, шунингдек етказилган зарарни белгиланган муддатда тўла хажмда қоплаган, шу жумладан пеняни тўлаган тақдирда уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмайди. Бундай норма тадбиркорлик субъекти томонидан камчиликларни яширишга ҳаракат қилиш ёки текширувчилар билан "ўзаро тил топиш"га уринишлари учун ҳеч қандай сабаб ва асос қолдирмайди.

Фармонда текширувчи органлар маъсулиятини кучайтириш бўйича ҳам қатор чоралар белгиланди. Назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари рухсатсиз текширилганлиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашганлиги учун етказилган иқтисодий зарарни ўрни қопланган холда интизомий, маъмурий ва ҳатто жиноий жавобгарликка тортиладилар. (масалан, ўз хизмат ваколатлардан ташқари чиқиб, суистеъмол қилганлик, ўз хизмат бурчига нисбатан совуққонлик қилганлик ва шу кабилар.)

Фармонга кўра Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасига назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг текширишларни тайинлаш ва ўтказиш борасида белгиланган тартибга қатъий риоя этиш, тадбиркорлик

субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш йўлидаги фаолияти устидан мунтазам назорат қилиш мажбурияти юклатилган.

Фармоннинг яна бир муҳим жихати шундан иборатки эндиликда режали текширишлар жадваллари ва муддатлари мансабдор шахсни ўз хоҳишига кўрса эмас, балки аниқ асосланган тамойиллар асосида тузилади. Бунда албатта тадбиркорлик субъектини фаолият тури, мулкчилик шакли, тузилмалар таркиби, бошқариш тартиби кабилар ҳисобга олинади. Масалан, қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолияти қизғин бўлган даврларда (баҳорги экиш, экинларни парвариш қилиш, ҳосилни йиғиб-териш ва шу каби) даврларда текширишга йўл қўйилмайди.

Ушбу фармонда режадан ташқари текширишлар ўтказишга руҳсат бериш фақат қонунда белгиланган асосларда, фавқулотда ҳолатларда йўл қўйилиши кўрсатилди. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги" қонуннинг 12-моддасига кўра режадан ташқари текширишлар қуйидаги ҳолларда ўтказилиши мумкин:

- агар текшириш ўтказиш зарурияти Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қароридан келиб чиқса;
- назорат қилувчи органга хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда (юмалоқ хатлар, аноним аризалар ҳисобга олинмайди.);
- фавқулотда вазиятлар юзага келишининг олди олинаётганда;
- санитария-эпидимология вазияти мураккаблашганда, шунингдек қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши эҳтимоли вужудга келганда. Бундан ташқари ҳеч қандай ҳолатда текширишга йўл қўйилмайди.

Юқоридаги чора тадбирлар тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва эркинликлар доирасини янада кенгайтирибгина қолмасдан, балки улар учун қулай шарт-шароитлар ҳам вужудга келтиради. Давлат-тадбиркор ўртасидаги муносабатларда тадбиркорга нисбатан ишонч ва хайрихоҳлик муносабатлари мустаҳкамланаётганлиги далолат беради.

Президент томонидан чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатлар тадбиркорликни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қайта

кўриб чиқиш, янгилаш жараёнини ҳам бошлаб берганини алоҳида қайд этмоқ лозим. Президент ҳуқуқий ҳужжатларида иқтисодиёт соҳасидаги қонунларни такомиллаштиришда дастуриламал бўлишига лойиқ концептуал ғоялар мавжуд. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунидан қуйидаги тамойилларни илғаб олиш мумкин:

- тадбиркорлик фаолиятини умумий ҳуқуқий асосларини белгилашда тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар белгилаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни давлат сиёсати даражасига кўтариш, мумкин қадар тадбиркорлар ҳуқуқ ва эркинликлари доирасини кенгайтириб бориш;

- тадбиркорлар устидан давлат назорати ва текшируви тартибини белгилаганда тадбиркорларга хайрихоҳлик, холислик ва фаолиятига халақит бермаслик мақсадини кўзлаган ҳолда муносабатда бўлиш;

- тадбиркорлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳолларида уларга нисбатан кечиримли бўлиш, ҳуқуқбузарлик оқибатларини тугатишга ёрдам бериш, етказилган зарарларни тўлаган ҳолларда жазони қўлламаслик молиявий санкциялар ҳажмини оқилона миқдорларда белгилаш уларни қўллаш асосларини аниқ белгилаб қўйиш;

- тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи қонун ости ҳужжатлари, айниқса маҳкамавий ҳужжатларни қисқартириб бориш, уларни тизимга солиш, улар ўртасида қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш;

- тадбиркорлар ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш тартибини мустаҳкамлаш, хўжалик судлари, умумий юрисдикцияли судлар билан бир қаторда маъмурий судлар ҳакамлик судларини жорий этиш ва улар фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш.

Қатъий ишонч билан таъкидлаш жоизки Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йил июн ойида қабул қилинган норматив ҳужжатларга аниқ ва қатъий риоя қилиш нафақат тадбиркорликни янада ривожлантириш ва тадбиркорлар ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамлашга имкон берибгина қолмасдан, балки иқтисодий ислохатларни туб мазмунини ўзгартирувчи ҳуқуқий асос, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириб сифат жихатдан янги босқичга кўтарувчи юридик замин хизмат қилади.

1.4.§ Давлат бош ислоҳотчи

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сўнг унинг олдида маъмурий буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатлари тизимига ўтиш учун иқтисодий-ҳуқуқий ислоҳотларни амалга ошириш вазифаси кўлдаланг бўлди. Бундай ислоҳотларни амалга ошириш стратегияси ва тактикаси президентимиз томонидан ишлаб чиқилди, унинг асосий ғояси иқтисодий ислоҳотларни давлатни бош ислоҳотчи сифатида таъсир кучидан фойдаланган ҳолда ҳуқуқий майдонда амалга ошириш эди. Агар маъмурий буйруқбозлик тизимида давлат ягона мулкдор барча корхоналарнинг эгаси сифатида маъмурий воситалар ва план орқали иқтисодиётга таъсир кўрсатиш имконияти мавжуд бўлса, бозор тизимига ўтиш даврида юқоридаги усуллар бозор тизимига зид бўлганилиги сабабли давлат юқоридаги воситалардан фойдалана олмаслиги аниқ равшан эди. Маълумки бозор тизими хусусий мулк, тадбиркорлик, эркин рақобат ва истеъмолчилар ҳуқуқларини устуворлигига асосланади. Бундай тизимни жорий этиш учун эса сиёсий ҳокимият соҳиби бўлган давлат ягона мулкдор сифатида иқтисодиётда ҳукмронлик мавқеидан воз кечиши талаб этилади. Бир қарашда бунда зиддиятли вазият вужудга келади. Бир томондан давлат иқтисодиёти бозор тизимини шакллантирувчи бош ислоҳотчи. Иккинчи томондан иқтисодиётда давлатни яқка ҳукмдорлигини чеклаб тадбиркорлик субъектларини эркин ва мустақил фаолият юритишини таъминловчи куч сифатида майдонга чиқиши талаб этилган. Давлат ушбу муаммони ҳал этишда қонун кучида бозор тизимига мос уни мақсадга мувофиқ йўналтирувчи ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, қабул қилиш, уни амалга ошириш ва ижросини назорат қилиш ваколатларидан ғоят маҳорат билан фойдаланди. Бозор тизими ҳуқуқий асослари энг аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган. Унда иқтисодий тизим бозор муносабатларига асосланиши белгилаб қўйилган. Кейинчалик бозор муносабатларини асосий омили бўлган Фуқаролик Кодекси қабул қилинган ва бу бозорнинг ҳуқуқий асосларини узил кесил таъминлаб берди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг илк босқичида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича чора тадбирлар амалга оширилди. Давлат изчиллик билан мулкни ўз эгаларига ҳақиқий тадбиркорларга бера бошлади. Бошқа МДХ

давлатларида бўлганидек, бунда бирданига ва бирваракайига қандайдир ваучерлар орқали хусусийлаштирилмасдан, аниқ мақсадли ва кўп босқичли хусусийлаштириш жараёни белгилаб чиқилди. Кичик хусусийлаштириш жараёнида илгари давлат турар жой фондида ижарага турган фуқаролар текин ёки рамзий ҳақ эвазига кўчмас мулк эгаларига айландилар. Аввал кичик ва ўрта корхоналар ишбилармон тадбиркорлар қўлига ўтди. Мамлакатда мулкчилик муносабатларини жиддий ўзгариши хусусий мулк мавқеини мустаҳкамланишига, мамлакатда мулкдорлар синфи қатламини вужудга келиши учун замин яратилиши учун асос бўлди. Хусусий мулкдорлар ҳуқуқлари кенгайтирилди ва уларни амалга ошириш учун юридик кафолатлар белгилаб қўйилди.

Давлат иқтисодий ислохотларни амалга оширар экан биринчи галда иқтисодиётга раҳбарлик қилиш усулларини ҳам ўзгартирди. Совет давридан мерос бўлиб ўтган иқтисодиётни ҳар хил тармоғига муайян вазирлик орқали идора қилиш принцидан воз кечилди. Жуда кўп вазирликлар, давлат қўмиталари тугатилди. Бу эса ўша тармоқдаги тадбиркорлик субъектларини эркинлиги ва мустақиллигини кенгайтирди, уларни бюрократик аппарат исканжасидан ҳалос қилди. Муайян тармоқ корхоналари ўз фаолиятларини ўзаро мувофиқлаштириш учун ассосациялар ва концернлар туздилар. Вазирликлардан фарқли равишда улар корхоналар эркинлиги ва мустақиллигини сақлаган ҳолда ўзаро бирлашиб фаолият юритишларига ҳам шароит яратиб берилди.

Маъмурий буйруқбозлик тизимида давлат моддий-техника, хом ашё, ёқилғи, энергетика ресурсларини тақсимловчи механизм вазифасини ҳам бажарар эди. Бунда аниқ белгилаб қўйилган баҳолар, лимитлар, фондлар орқали иш кўрилар ва бюрократик аппарат томонидан ҳар хил суистеъмолликлар содир бўлиш учун замин мавжуд эди. Иқтисодий ислохотлар жараёнида ушбу давлат тақсими механизмига барҳам берилди. Унинг ўрнига улгуржи савдо бозори вужудга келтирилди ва унга мувофиқ инфратузилмалар яратилди. Ушбу инфратузилмалар тизимида биржалар, ярмаркалар етакчи мавқени эгалладилар. Барча хўжалик юритувчи субъектлар биржалар ва ярмаркалар орқали мавжуд маблағларга эга бўлган ҳолда ўзларига зарур хом ашё, энергия, ёқилғи ва моддий техника воситаларини сотиб олиш имконига эга бўлдилар.

Иқтисодий ислоҳотлар жараёнида банк, молия, кредит соҳасида жудда катта ишлар амалга оширилди. Хусусий тижорат банклари вужудга келди. Улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилди. Тадбиркорлик субъектларига ҳам, аҳоли учун ҳам пул операцияларини амалга ошириш ўз эҳтиёжлари учун кредитлар олиш имкониятларини таъминлаб берди.

Иқтисодий ислоҳотлар ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида ҳам изчиллик билан амалга оширилди. Хар бир хўжалик юритувчи субъект хорижий шериклар билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш имконига эга бўлдилар, уларни дунё бозорига чиқиши, жаҳон бозоридаги конъюнктурани ўрганиши, рақобат мухитини ўрганиши тадбиркорлик субъектларимиз учун янги техника, технологиялар берадиган авфзалликларни англаб етишга имкон берди. Бу эса Ўзбекистонни яқин келажакда дунё бозорида хом ашё етказиб берувчи мамлакатлар, тайёр маҳсулот етказиб берувчи мамлакатга айланишига имкон беради.

Иқтисодий ислоҳотлар соҳасида энг катта ютуқ бу Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларини ҳукмдор мавқега эга бўлганлиги, тадбиркорлар синфини шакллантирилганлиги хисобланади. Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ташкилий ҳуқуқий шакллари ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилган. Бугунги кунда хусусий корхоналар хўжалик ширкатлари, маъсулияти чекланган жамиятлар ва акциядорлик жамиятлари, ишлаб чиқариш кооперативлари шаклида минг-минглаб корхоналар фаолият юритмоқдалар. Ушбу корхоналар бутун дунёда ўзини оқлаган корпаратив бошқарув асосида ушбу корхоналар мулкдорлари муассислари ва иштирокчилари томонидан самарали бошқариш механизми қарор топди. Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлар тадбиркорлик соҳасида ўз сайи ҳаракатларини ва капиталларини бирлаштирувчи улардан оқилона фойдаланиш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Ўзбекистон ҳудудида товарлар, капиталлар ва меҳнат ресурсларини эркин ҳаракат қилиш учун юридик асослар вужудга келтирилди.

Бозор тизимида ишлаб чиқариш, истеъмол ўртасидаги ўзаро алоқалар талаб ва таклиф асосида йўлга қўйилади. Маъмурий тизимда эса бундай муносабат юқоридан бериладиган дериктивалар, режалар асосида ташкил этилар эди. Бозор шароитида режа ва дериктивалар ўрнини босадиган, улардаги салбий иллатлардан холи бўлган хўжалик юритувчи субъектларни

эркинлиги, мустақиллиги ва мулкый жавобгарлиги таъминланган холда бир бирларини алоқаларни йўлга қўядиган иқтисодий ҳуқуқий механизм зарур эди. Мамлакатимиз президенти зукколик билан хўжалик шартномалари худди шундай механизм ролини ўташини кўрсатиб берди. Ўтиш даврини дастлабки даврларида корхоналар ўртасида мавжуд алоқалар издан чиққан шароитда хўжалик раҳбарларининг бошқа корхоналар билан ўз хўжалик муносабатларини шартнома асосида ташкил этиш кўникмасини ҳосил этиш жараёни анча қийин кечди. Дастлаб шартномани моҳиятини ундан ўз мақсадлари йўлида самарали фойдаланиш имкониятларини ҳамма ҳам тушуниб ета вермади. Шу сабабли ҳам қатор президент фармонларида ва қарорларида шартнома интизомини мустаҳкамлаш, шартнома шартларига қатъий риоя қилиш, тадбиркорларда шартнома ички маданиятини шакллантириш, шартномавий жавобгарликни такомиллаштириш бўйича қатъий нормалар белгилаб қўйилди. Натижада бугун шуни ишонч билан айтиш мумкинки шартнома бугунги кунда турли мулк шаклларида асосланган тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро иқтисодий алоқаларни тартибга солувчи, ўзаро мажбуриятларни аниқ оғишмай тегишли даражада бажарилишини таъминловчи юридик восита вазифасини бажармоқда. Хатто давлат ҳам социал организм сифатида ўз эҳтиёжларини таъминлаш учун тегишли хўжалик юритувчи субъектлар билан шартномавий муносабатларга киришмоқда. Бундай шартномавий муносабатларда давлат тенг ҳуқуқли оддий тараф сифатида иштирок этади. Ўзини сиёсий ҳокимият субъекти сифатидаги мавқеидан фойдаланмайди. Давлат муайян товарларга, ишларга, хизматларга ўз эҳтиёжини аниқлайди. Уни давлат буюртмаларида ифодалайди ва ушбу буюртмалар асосида тегишли корхоналар билан давлат контракти тузади. Бугунги кунда кўпгина давлат буюртмалари танловлар ва тендерлар асосида жойлаштирилганлиги тадбиркорлик субъектлари давлат буюртмаси бўйича контрактлар тузишга рағбатлантирилаётганлиги ва интилаётганлиги қувонарли холдир. Давлатни шартномавий муносабатларда оддий тараф сифатида иштирок этаётганлиги ҳақиқий бозор муносабатлари шаклланаётганлигидан гувоҳлик берувчи факт сифатида баҳоланиши мумкин.

Давлат иқтисодий ислохатларни амалга оширишда ўзининг контрол ва назорат функцияларидан ҳам моҳирлик билан

фойдаланган. Албатта давлатнинг бу функциялари муайян давлат идоралари ва давлат хизматчилари томонидан амалга оширилади. Бинобарин, контрол назорат ваколатларига эга бўлган давлат идоралари хизматчилари объектив ҳолис қонунларга риоя қилган ҳолда фаолият юритиши, таъмагирлик, суистеъмомликлар ошна оғайнигарчиликка йўл қўймаслик алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда иқтисодиётни тадбиркорлик субъекти фаолиятини назорат қилувчи давлат идоралари тизими уларни ваколат доираси маъсулияти ва улар маъсулияти аниқ белгилаб қўйилганлиги ва уларни хатти-харакатини устидан назорат қилиш меҳонизми яратилганлиги ҳам иқтисодий ислоҳотларни самарадорлигини таъминлашда муҳим омил бўлди.

Маълумки иқтисодиётни ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоя тизимини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқарилган фармонлар ва қарорлар фавқулодда муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда ҳеч қандай муболағага йўл қўйилгани йўқ. Тўғри, ҳуқуқий демократик давлатда ҳуқуқ нормаси билан тартибга солинишга муҳтож бўлган ижтимоий муносабат олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат – қонунлар билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ, чунки қонунларда адолатли, ҳолис ва самарали ишлайдиган ечимлар ўз ифодасини топади деган фикр мулоҳаза кенг тарқалган. Унинг тарафдорлари қонун ости ҳужжатларида умуммиллий манфаатлардан кўра маҳкамавий манфаатлар устувор бўлиб қолиши мумкинлигидан хавотир билдирадилар. Вазирликлар ва бошқа идоралар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларда бундай хавотирлик баъзи ҳолларда муайян асосга эга. Бироқ қонун ости ҳужжатлари ичида Президент фармонлари ўзининг юқори савияси билан ажралиб туради. Гарчи Конституциянинг 94-м.га асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан фармонлар, қарорлар чиқариши белгилаб қўйилган ва бинобарин улар қонун ости ҳужжатларини бир тури бўлса ҳам, уларнинг моҳияти ва мазмуни алоҳида ўзгача аҳамият касб этишини эътироф этиш лозим.

Биринчидан, Президент томонидан қабул қилинадиган норматив ҳужжатлар ҳар қандай маҳкамавий манфаатлардан холи, умуммиллий манфаатларни қатъий ва изчил ифодалайди ва уларни ҳимоя қилади;

Иккинчидан, ушбу норматив хужжатлар иқтисодиётдаги оғрик нуқталар, мушкул муаммоларни хал этишга қаратилади. Албатта ушбу муаммолар қонунлар орқали ҳам хал этилиш мумкин ва баъзан шундай бўлади ҳам. Бироқ қонунларни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш анчайин мураккаб жараён. Ушбу жараён бир неча ойлар давом этади. Иқтисодиётдаги вазият эса баъзан муаммони зудлик билан хал этишни, субъектларни муайян харакатларини содир этишга йўналтиришни талаб этади. Мана шундай ҳолатда Президент норматив хужжатлари беқиёс аҳамиятга эга бўлади. Бир вақтлар хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари энг юқори даражага кўтарилганда Президент фармони орқали олдиндан ҳақ тўлаш, харидорни тўловга лаёқатини текшириш тартиби белгилаб қўйилганлиги, векселлар билан ҳар хил суистеъмолликлар содир бўлиб, баъзи корхоналарда ҳатто иш ҳақиҳам векселлар билан берилганда Президент фармони билан авал вексель жорий этилиши қандай ҳалоскорлик вазифасини бажарганлиги барчамизнинг ёдимизда. Холбуки бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Учинчидан, Президент қабул қиладиган норматив хужжатлар мазмуни давлат раҳбарининг шахси, ақлий салоҳияти билан ҳам узвий боғлиқ эканлигини унутмаслик лозим. Мамлакатимиз раҳбари барча туб иқтисодий ислохатларнинг ташаббусқори, унинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқувчиси бўлган Ўзбекистонда Президент норматив хужжатлари уларни амалий дастаклари сифатида намоён бўлмай иложи йўқ. Шу маънода Президент фармонлари иқтисодиётни тартибга солувчи норматив хужжатлар тизимида ўзининг ижодий янги ечимга эгаллиги, юқори самарадорлиги, тараққиёт сарҳадларини доимий равишда кенгайтириб бориши билан ажралиб туради. Президент фармонида илк маротаба ўз ифодасини топган норматив ечимлар кейинчалик ҳуқуқ-тартибот тизимини, қонунларни таркибий қисмига айланиб қолганлиги бежиз эмас. Масалан, ерга нисбатан илк хусусий мулкчилик, фермер хўжаликларини хусусий корхона сифатидаги моҳиятини очиб бериш, хорижий инвестициялар учун қулай шарт-шароитлар белгилаш, акциядорлар жамиятини йирик ишлаб чиқаришни ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида қўллаш лозимлигининг ҳуқуқий асослари дастлаб Президент фармонларида илгари сурилган эди. Президент норматив хужжатларнинг ўта

юқори сифати ва юксак самарадорлиги, иқтисодий ислохатларни янги йўналишларни, янги уфқларини очиб бориши юриспруденция фанида ўзига хос феномен сифатида тадқиқ этилмоғи лозим. Бу соҳадаги тажриба бошқа қонун ости ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш соҳаси учун муайян даражада фойдали бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йил июль ойида қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг ҳар бири ўз таъсир доираси бўйича мамлакатимиз иқтисодиётини ва тадбиркорлик фаолиятини ривож учун жуда катта қулай имкониятларни яратиб беради. Уларнинг ҳар бири мазмуни, берадиган самараси ҳақида мутахасислар ва тадбиркорлар оммавий ахборот воситаларида тўла ва чуқур мазмунли чиқишлар қилдилар, фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Уларга тўлиқ қўшилган ҳолда ушбу норматив ҳужжатларни ахамиятини фақат шулар билангина чекланмаслигини қайд этиш лозим.

Энг аввало ушбу норматив ҳужжатлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни, иқтисодиётни эркинлаштиришни қатъий ва изчиллик билан амалга оширилишига бўлган ишончни мустаҳкамлади. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя тизимини самарали ишлашига ҳуқуқий кафолат яратди.

Ва ниҳоят иқтисодиётда ва тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда қонунларга аниқ ва оғишмай риоя қилиш жараёнини мустаҳкамлади. Масалан, агар илгари тадбиркорларга нисбатан молиявий санкциялар деб аталмиш чораларни кўп ҳолларда юридик маълумотга эга бўлмаган текширувчи органлар ходимлари қўллаган ва бунда баъзан билиб-билмай қонунларни қўллашда хатоликлар рўй берган бўлса, эндиликда уларни фақат суд қўллайди ва бу ҳолат эса қонунийлик, холислик ва адолатни таъминлашга хизмат қилади.

Президент томонидан чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатлар тадбиркорликни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, янгилаш жараёнини ҳам бошлаб берганини алоҳида қайд этмоқ лозим. Президент ҳуқуқий ҳужжатларида иқтисодиёт соҳасидаги қонунларни такомиллаштиришда дастуриламал бўлишига лойиқ концептуал ғоялар мавжуд. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунидан қуйидаги тамойилларни илғаб олиш мумкин:

- тадбиркорлик фаолиятини умумий ҳуқуқий асосларини белгилашда тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар белгилаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни давлат сиёсати даражасига кўтариш, мумкин қадар тадбиркорлар ҳуқуқ ва эркинликлари доирасини кенгайтириб бориш;

- тадбиркорлар устидан давлат назорати ва текшируви тартибини белгилаганда тадбиркорларга хайрихоҳлик, холислик ва фаолиятига халақит бермаслик мақсадини кўзлаган ҳолда муносабатда бўлиш;

- тадбиркорлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳолларида уларга нисбатан кечиримли бўлиш, ҳуқуқбузарлик оқибатларини тугатишга ёрдам бериш, етказилган зарарларни тўлаган ҳолларда жазони қўлламаслик молиявий санкциялар ҳажмини оқилона миқдорларда белгилаш уларни қўллаш асосларини аниқ белгилаб қўйиш;

- тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи қонун ости ҳужжатлари, айниқса маҳкамавий ҳужжатларни қисқартириб бориш, уларни тизимга солиш, улар ўртасида қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш;

тадбиркорлар ҳуқуқларини суд орқали химоя қилиш тартибини мустаҳкамлаш, хўжалик судлари, умумий юрисдикцияли судлар билан бир қаторда маъмурий судлар ҳакамлик судларини жорий этиш ва улар фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш.

1.5. § Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантиришда етакчи ҳуқуқий манба

Маълумки иқтисодиётни ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоя тизимини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқарилган фармонлар ва қарорлар фавқулодда муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда ҳеч қандай муболағага йўл қўйилгани йўқ. Тўғри, ҳуқуқий демократик давлатда ҳуқуқ нормаси билан тартибга солинишга муҳтож бўлган ижтимоий муносабат олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат – қонунлар билан тартибга солиноғи мақсадга мувофиқ, чунки қонунларда адолатли, ҳолис ва самарали ишлайдиган ечимлар ўз ифодасини топади деган фикр мулоҳаза кенг тарқалган. Унинг тарафдорлари қонун ости ҳужжатларида умуммиллий манфаатлардан кўра маҳкамавий манфаатлар устувор бўлиб қолиши мумкинлигидан хавотир билдирадилар. Вазирликлар ва бошқа идоралар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларда бундай хавотирлик баъзи ҳолларда муайян асосга эга. Бироқ қонун ости ҳужжатлари ичида Президент фармонлари ўзининг юқори савияси билан ажралиб туради. Гарчи Конституциянинг 94-м.га асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан фармонлар, қарорлар чиқариши белгилаб қўйилган ва бинобарин улар қонун ости ҳужжатларини бир тури бўлса ҳам, уларнинг моҳияти ва мазмуни алоҳида ўзгача аҳамият касб этишини эътироф этиш лозим.

Биринчидан, Президент томонидан қабул қилинадиган норматив ҳужжатлар ҳар қандай маҳкамавий манфаатлардан ҳоли, умуммиллий манфаатларни қатъий ва изчил ифодалайди ва уларни ҳимоя қилади;

Иккинчидан, ушбу норматив ҳужжатлар иқтисодиётдаги оғрик нуқталар, мушкул муаммоларни ҳал этишга қаратилади. Албатта ушбу муаммолар қонунлар орқали ҳам ҳал этилиш мумкин ва баъзан шундай бўлади ҳам. Бироқ қонунларни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш анчайин мураккаб жараён. Ушбу жараён бир неча ойлар давом этади. Иқтисодиётдаги вазият эса баъзан муаммони зудлик билан ҳал этишни, субъектларни муайян ҳаракатларини содир этишга йўналтиришни талаб этади. Мана шундай ҳолатда Президент норматив ҳужжатлари беқиёс аҳамиятга

эга бўлади. Бир вақтлар хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари энг юқори даражага кўтарилганда Президент фармони орқали олдиндан ҳақ тўлаш, харидорни тўловга лаёқатини текшириш тартиби белгилаб қўйилганлиги, векселлар билан ҳар хил суистеъмолликлар содир бўлиб, баъзи корхоналарда ҳатто иш ҳақи ҳам векселлар билан берилса бошланганда Президент фармони билан авал вексель жорий этилиши қандай ҳалоскорлик вазифасини бажарганлиги барчамизнинг ёдимизда. Ҳолбуки бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Учинчидан, Президент қабул қиладиган норматив ҳужжатлар мазмуни давлат раҳбарининг шахси, ақлий салоҳияти билан ҳам узвий боғлиқ эканлигини унутмаслик лозим. Мамлакатимиз раҳбари барча туб иқтисодий ислохатларнинг ташаббускори, унинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқувчиси бўлган Ўзбекистонда Президент норматив ҳужжатлари уларни амалий дастаклари сифатида намоён бўлмай иложи йўқ. Шу маънода Президент фармонлари иқтисодиётни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар тизимида ўзининг ижодий янги ечимга эгаллиги, юқори самарадорлиги, тараққиёт сарҳадларини доимий равишда кенгайтириб бориши билан ажралиб туради. Президент фармонида илк маротаба ўз ифодасини топган норматив ечимлар кейинчалик ҳуқуқ-тартибот тизимини, қонунларни таркибий қисмига айланиб қолганлиги бежиз эмас. Масалан, ерга нисбатан илк хусусий мулкчилик, фермер хўжалиқларини хусусий корхона сифатидаги моҳиятини очиб бериш, хорижий инвестициялар учун қулай шарт-шароитлар белгилаш, акциядорлар жамиятини йирик ишлаб чиқаришни ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида қўллаш лозимлигининг ҳуқуқий асослари дастлаб Президент фармонларида илгари сурилган эди. Президент норматив ҳужжатларнинг ўта юқори сифати ва юқсак самарадорлиги, иқтисодий ислохатларни янги йўналишларни, янги уфқларини очиб бориши юриспруденция фанида ўзига хос феномен сифатида тадқиқ этилмоғи лозим. Бу соҳадаги тажриба бошқа қонун ости ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш соҳаси учун муайян даражада фойдали бўлиши мумкин.

Президентимизнинг иқтисодий ислохатларни амалга оширишдаги етакчилик мавқеи у томонидан 2005 йил июн ойида чиқарилган норматив ҳужжатларда яна ҳам яққол намоён бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йил 14 июнда чиқарилган "Бозор ислохатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида" фармони, 2005 йил 14 июнда "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида" фармони чиқарилди, 2005 йил 15 июнда "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида" Қарори қабул қилинди. 2005 йил 21 июнда "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида" фармони, 2005 йил 24 июнда "Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарликни эркинлаштириш тўғрисида" фармони чиқарилди.

Хар бир ҳуқуқий ҳужжат ўз моҳиятига кўра бир-бирлари билан узвий боғлиқ ва ягона пировард мақсад – мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожлантириш, тадбиркорларни ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Юқори даражада ривожланган хар бир жамиятда хар бир инсон, хар қандай корхона, муасаса, ташкилот ўз фаолиятини ҳуқуқ нормалари асосида ташкил этади. Тадбиркорлик фаолияти ва тадбиркорлари ҳуқуқлари ва бурчлари оқилона қонуний асосларини яратиш мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Худди шу сабабли ҳам Президентимиз фармонида тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи барча ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, уларни иқтисодий ислохатларнинг мақсад, вазифа ва асосий устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш ва энг асосийси уларни шунчаки қуруқ баённома бўлмасдан ҳаётда амалда қўлланишини, ишлашини таъминлаш механизминини яратиш вазифалари қўйилган.

Маълумки бозор муносабатларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш жараёнида давлат бош ислохатчи ролини ўйнайди. Давлат нафақат иқтисодиётни ҳуқуқий асосларини яратади, балки унинг ижросини таъминлайди. Тадбиркорлик субъектлари фаолияти иштирокчилари ўз мажбуриятларини бажаришлари устидан давлат идоралари назорати амалга оширилади. Бироқ

бундай назорат қонун доирасида ва қонун асосида бўлмоғи шарт. Айрим мансабдор шахслар бундан ўз ғаразли мақсадларида ёхуд суистеъмолликлар йўлида фойдаланмасликлари лозим. Худди шу сабабли назорат органларининг раҳбарлари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгарлиги белгилаб қўйилди. Эндиликда қандай давлат идораси бўлишидан қатъий назар тадбиркорлик субъектларини ҳуда-беҳудага текшириш ҳолатларига барҳам берилади. Айниқса бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари (прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик органлари) ваколатлари жиддий чегаралаб қўйилди. Тадбиркорлик субъекти фаолиятини режадан ташқари текширишга асос бўлиб:

ё ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорани қўзғатилган жиноят иши юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарори;

ёхуд шундай текширишларни ўтказиш тўғрисида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори ҳисобланади.

Кўп ҳолларда қўзғатилган жиноят иши тадбиркорлик субъектининг фаолияти билан бевосита боғланмаган, бошқа субъект фаолияти билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолда фаолияти юзасидан жиноят иши қўзғатилган субъект билан тадбиркорлик субъекти ўзаро муносабатда бўлган бўлсагина, юқоридаги асослардан бири мавжуд бўлса ва ўша ўзаро муносабатлар доирасидагина муқобил текширишга йўл қўйилади.

2005 йил июнь ойида Президентимиз томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар иқтисодий ислохатларни ҳуқуқий таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида ўзига хос янги босқични бошлаб берди. Ушбу босқичнинг моҳияти тадбиркорлар билан давлат органлари, мансабдор шахслар ўртасида ўзаро ишонч, хайрихоҳлик ва холисликка асосланган ўзаро муносабатлар тартибини, тизимини жорий этишда яққол кўринади. Албатта, бундай тизим, тартиб бирданига шаклланмайди. Бозор муносабатларига ўтишнинг илк босқичларида тадбиркорликни ҳуқуқий асослари заиф бўлгани, тадбиркорлар фаолияти бўйича давлат назорати йўлга қўйилмагани ҳеч кимга сир эмас. Ўша даврда асосий вазифа корхоналар ўртасида маъмурий асосда жорий этилган хўжалик алоқаларини издан чиқиши шароитларида истеъмол бозорини тўлдириш эди. Бозор муносабатларини

ривожлантириб борган сайин тадбиркорлик фаолиятини қонун асосида ташкил этиш, бунда давлат назорати тартиби жорий этишга зарурат туғилди. Гап шундаки тадбиркорлик фаолиятини амалга оширилишида тадбиркорлар билан давлат органлари, тадбиркорлар ва истеъмолчилар ўртасида ўзига хос муносабатлар туркуми вужудга келади.

Давлат идоралари тадбиркорлик субъектлари томонидан тегишли қонунларга риоя қилиниши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида ва тўғри ҳисоб-китоблар асосида тўланиши ва товарлар, ишлар, хизматлар юқори сифатли бўлиши устидан назоратни амалга оширадilar. Бозор муносабатларига ўтиш босқичларида тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назорати нисбатан доимий ва қаттиқ кўринишга эга бўлади. Бунинг сабаби шундаки хали доимий профессионал тадбиркорлар қатлами вужудга келмаган, демакки тадбиркорлик субъекти муайян фаолият билан узоқ муддат мунтазам шуғулланмаганлиги сабабли ўз фаолиятини мукамал, миридан сиригача эгаллаб олмаган, белгиланган тартиб қоидаларни ҳам пухта билмаслиги сабабли билиб-билмас ҳар хил қоидабузарликларга йўл қўйиши мумкин. бундай шароитда доимий ва қаттиқ назорат тадбиркорлик субъектларида маъсулият туйғусини оширади, қоидабузарликларни ўз вақтида бартараф этилишига хизмат қилади, тадбиркорлик мажбуриятларини ўз вақтида ва тегишли даражада бажарилишини таъминлайди. Муайян даврларда ушбу тартибни қаттиқроқ бўлиши талаб этилди. Бунда асосий мақсад тадбиркорларни қонун талабларига қатъий риоя қилиши, шериклар ва истеъмолчилар манфаатларини ҳурмат қилиш, ҳисобот ва молия интизомини тегишли даражада бажаришга ўргатиш, ҳар хил суистеъмолликлар ва ҳуқуқбузарликлардан сақланиш кўникмасини вужудга келтириш эди. Ушбу вазифа бугунги кунда деярли бажарилди. Худди шундай шароитда аввалги тартибни сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ эмас эди. Ушбу тартибни соддалаштириш, тадбиркорларни назорат-текширувчи органларга боғлиқлигини энг минимал даражага келтириш талаб этилар эди. Тадбиркорлик – бу энг аввало ташаббус кўрсатиб ишлаш ҳисобланади. Демак, тадбиркор ҳадеб давлат амалдорини қош-қовоғига қараши, унга ҳисоб бериши уни ҳам тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни бажариш, товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишидан чалғитади, ҳам ташаббус ва мустақилликни бўғади. Албатта бундай қаттиқ назорат ва

хисоботлар тартиби кичик бизнес субъектлари учун айниқса зарарлидир. Чунки кичик бизнесда тадбиркорлик ё якка тадбиркор ёхуд 15-20 кишидан иборат микрофирмаларда амалга оширилади. Бунда бир шахснинг ўзи ҳам директор, ҳам бухгалтер, ҳам ҳуқуқшунос, ҳам таъминотчи вазифаларини бажаради. Унинг иш вақтининг ҳар дақиқаси олтиндан қиммат. Эндиликда кичик бизнес субъектлари ўз тадбиркорлик фаолиятини янада тўлақонли ва самарали ташкил этиш имконига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йил июль ойида қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг ҳар бири ўз таъсир доираси бўйича мамлакатимиз иқтисодиётини ва тадбиркорлик фаолиятини ривожига учун жуда катта қулай имкониятларни яратиб беради. Уларнинг ҳар бири мазмуни, берадиган самараси ҳақида мутахасислар ва тадбиркорлар оммавий ахборот воситаларида тўла ва чуқур мазмунли чиқишлар қилдилар, фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Уларга тўлиқ қўшилган ҳолда ушбу норматив ҳужжатларни ахамиятини фақат шулар билангина чекланмаслигини қайд этиш лозим.

Энг аввало ушбу норматив ҳужжатлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни, иқтисодиётни эркинлаштиришни қатъий ва изчиллик билан амалга оширилишига бўлган ишончни мустаҳкамлади. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя тизимини самарали ишлашига ҳуқуқий қафолат яратди.

Ва ниҳоят иқтисодиётда ва тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда қонунларга аниқ ва оғишмай риоя қилиш жараёнини мустаҳкамлади. Масалан, агар илгари тадбиркорларга нисбатан молиявий санкциялар деб аталмиш чораларни кўп ҳолларда юридик маълумотга эга бўлмаган текширувчи органлар ходимлари қўллаган ва бунда баъзан билиб-билмай қонунларни қўллашда хатоликлар рўй берган бўлса, эндиликда уларни фақат суд қўллайди ва бу ҳолат эса қонунийлик, холислик ва адолатни таъминлашга хизмат қилади.

Президент томонидан чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатлар тадбиркорликни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, янгилаш жараёнини ҳам бошлаб берганини алоҳида қайд этмоқ лозим. Президент ҳуқуқий ҳужжатларида иқтисодиёт соҳасидаги қонунларни такомиллаштиришда дастуриламал бўлишига лойиқ концептуал ғоялар мавжуд. Ушбу ҳуқуқий

хужжатлар мазмунидан қуйидаги тамойилларни илғаб олиш мумкин:

- тадбиркорлик фаолиятини умумий ҳуқуқий асосларини белгилашда тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар белгилаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни давлат сиёсати даражасига кўтариш, мумкин қадар тадбиркорлар ҳуқуқ ва эркинликлари доирасини кенгайтириб бориш;

- тадбиркорлар устидан давлат назорати ва текшируви тартибини белгилаганда тадбиркорларга хайрихоҳлик, холислик ва фаолиятига халақит бермаслик мақсадини кўзлаган холда муносабатда бўлиш;

- тадбиркорлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этиш холларида уларга нисбатан кечиримли бўлиш, ҳуқуқбузарлик оқибатларини тугатишга ёрдам бериш, етказилган зарарларни тўлаган холларда жазони қўлламаслик молиявий санкциялар ҳажмини оқилона миқдорларда белгилаш уларни қўллаш асосларини аниқ белгилаб қўйиш;

- тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи қонун ости хужжатлари, айниқса маҳкамавий хужжатларни қисқартириб бориш, уларни тизимга солиш, улар ўртасида қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш;

- тадбиркорлар ҳуқуқларини суд орқали химоя қилиш тартибини мустаҳкамлаш, хўжалик судлари, умумий юрисдикцияли судлар билан бир қаторда маъмурий судлар ҳакамлик судларини жорий этиш ва улар фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш.

Қатъий ишонч билан таъкидлаш жоизки Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йил июн ойида қабул қилинган норматив хужжатларга аниқ ва қатъий риоя қилиш нафақат тадбиркорликни янада ривожлантириш ва тадбиркорлар ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамлашга имкон берибгина қолмасдан, балки иқтисодий ислохатларни туб мазмунини ўзгартирувчи ҳуқуқий асос, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириб сифат жихатдан янги босқичга кўтарувчи юридик замин хизмат қилади.

II БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАҚОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

2.1. § Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқий асосларини вужудга келиши ва ривожланишининг асосий босқичлари

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақилигининг тарихан жуда оз, қисқа муддати давомида оламшумул ютуқларни қўлга киритди, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда жиддий сифат ўзгаришлари рўй берди. Бунда энг асосий сифат ўзгаришларидан бири – иқтисодиётда бозор тизимини шакллантирилганлиги, унинг ҳуқуқий асослари яратилганлиги ва собитқадамлик билан ривожлантирилганлик ҳисобланади. Шу муносабат билан бозор тизими таянадиган асосий пойдеворлар – хусусий мулк, эркин рақобат, шартномалар эркинлиги, тадбиркорлик ва истеъмолчилар ҳуқуқларини устуворлиги мамлакатимиз иқтисодий тизими ва ҳуқуқий майдонида реал мавжуд бўлиши таъминланганлигини қайд этиш лозим.

Баъзи муаллифлар тадбиркорликни ҳуқуқий асосларни собиқ иттифоқ даврида, ўтган аср 80 йиллари охирида вужудга келган деган фикрни илгари суриб, давлат корхонаси тўғрисидаги, кооперация тўғрисидаги, ижара тўғрисидаги қонунларни асос қилиб кўрсатадилар. Бироқ, ўша вақтда хукмрон мафкура тадбиркорликни тан олмас эди, хатто жинойт қонунчилигида тадбиркорлик билан шуғулланганлик учун, олиб-сотарлик учун жиноий жавобгарлик чоралари мавжуд эди. Кенг авж олган кооперативлаштириш том маънодаги тадбиркорлик билан деярли алоқаси йўқ деб айтиш мумкин. Кўп ҳолларда кооперативлар фақат даромад олиш, бойликни мақсад қилиб олган, бунда ҳеч қандай ифлос усуллардан қайтмайдиган муттаҳам ва фирибгарлар учун ниқоб вазифасини бажарар эди ҳолос.

Тадбиркорликка кенг йўл бериш, уни қонуний фаолият тури сифатида белгилаш мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейингина рўй берди.

Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи илк қонунлар ниҳоятда умумий характерда бўлганлигини қайд этмоқ лозим. Бу табиий албатта. Бирданига тадбиркорликни ҳуқуқий асосларини атрофлича ва кенг қамровли равишда яратиш мумкин эмас эди. Энг аввало мамлакатимизда бозор тизимига ўтиш стратегияси, уни

ҳуқуқий таъминлаш концепцияси ишлаб чиқилиши лозим. Ўзбекистон Республикасидаги реал ҳолат, хорижий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ушбу стратегия ва тактика Президент И.Каримов томонидан яратилди. Бунда бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш, давлатнинг бош ислохотчилик роли, қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолини муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш каби тамойиллар асослаб берилди.

Тадбиркорлик – бу энг аввало иқтисодий, ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти. У ҳар доим муайян мол-мулкка таяниши шарт. Тадбиркорлик фаолиятини бошловчи ҳар бир субъект энг аввало ўзининг бошланғич сармоясига (старт капиталига) эга бўлиши лозим. Совет даврида кишилар асосан ойликка, маошга кун кечиришган, корхоналар фақат давлат мол-мулки бўлган. Демак, тадбиркорлар иш бошлаши учун энг аввало муайян мол-мулк олишларига имкон бериш лозим. Шу сабабли ҳам, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни тадбиркорликни вужудга келишига бирламчи туртки бўлганлигини қайд этмоқ лозим. Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган субъектларни катта қисми хусусийлаштириш орқали муайян ишлаб чиқариш воситаларга, корхонага эга бўлдилар. Тадбиркорларни бошланғич сармояга эга бўлишларида банк-молия институтларини йўлга қўйиш орқали кредитлар олиш имкони яратилгани ҳам ижобий роль ўйнайди. Хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун ҳуқуқий асослар яратилди.

Тадбиркорларни фаолият юритишда иқтисодий-мулкий асосларни яратиш билан биргаликда, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳолати ҳам белгилаб қўйишга зарурат мавжуд эди. Ҳуқуқий ҳолатни белгилашда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш алоҳида ўрин эгаллайди. Шу сабабли ҳам корхоналарни, яқка тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг умумий тартиб белгилаб қўйилди. Тадбиркорлик субъектларини вужудга келиши ва фаолиятини ташкил этиши бўйича нормаларни нисбатан мўътадил эканлиги, қатъий тизим шакллантирилмаганлигини икки асосий сабаби мавжуд эди деб айтиш мумкин. Биринчидан, бу соҳада аниқ концепция мавжуд бўлмаганлигини, қонунчиликнинг ривожини амалиёт тажрибасини умумлаштириш, хато ва нуқсонлардан тегишли хулосалар чиқариш, уларни тузатиб бориш асосида шаклланиб борганлигини қайд этиш лозим. Иккинчидан, тадбиркорлик субъектларини қатъий ҳисобга

олиш ва тизимлаштириш тартибини жорий этилиши ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш вазифаларини бажаришни қийинлаштириб қўйиши мумкин эди. собиқ иттфоқ парчалангач корхоналар ўртасидаги режа асосидаги хўжалик алоқалари издан чиқди. Натижада хомашёлар, ярим тайёр махсулотлар, таъминот идоралари, бутловчи қисмлар етказиб бериш, ташиш ва шу каби босқичларда тўлиқ узилишлар содир бўлди ва бу охир оқибатда истеъмол бозорида тақчилликлар ва хатто бўлиқликлар вужудга келтириш хавфини туғдирди. Мана шундай шароитда ярим легал – нолегал тадбиркорлик субъектлари – мокки савдогарлар истеъмол бозорини товарлар билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Агада якка тадбиркорлик субъектлари учун қатъий тизим бирданига ўрнатилганда, бу туриш – сайёҳ мақоми остида бир жойдан товар олиб кириб иккинчи жойга товар келтираётган мокки савдогарларни чўчитиб қўйиши мумкин эди. Шу сабали ҳам илк босқичларда тадбиркорлик ҳуқуқий асослардаги ниҳоятда умумийликлар, мавҳумликларни камчилик сифтида моддий баҳолаш ўринли бўлмаган бўлур эди.

Тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини яратишнинг биринчи босқичи ўзига хос изланишлар, синовлар билан ҳам характерланади. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий мақомини белгилаш, фаолиятини ташкил этиш, ушбу фаолият устидан давлат назоратини йўлга қўйиш, фаолиятни лицензиялаш, хисоботлар ва солиқ сиёсатини белгилаш соҳасида бу айниқса яққол намоён бўлди. Бундай даврда ҳуқуқий асослар, айниқса қонунларни барқарорлигини таъминлаш мураккаб вазифа бўлиб ҳисобланади. Ушбу босқичда тадбиркорлик соҳасидаги қонунларнинг асосий вазифаларидан бири кишилар дунёқарашида, ўй-фикрларида тадбиркорликка нисбатан қарашларни, айниқса совет мафқураси ўн йиллар давомида шакллантирган ақидалар ва стеннотипларни енгиб ўтиш, барҳам бериш эди. булардан энг хавфлилари қуйидагилардан иборат деб айтиш мумкин. Биринчидан, кишилар онгида боқимандалик кайфияти нисбатан кучли эди. реажли иқтисодиёт шароитида ташаббус кўрсатиб тенглашга имкон ҳам, шароит ҳам йўқ эди. “Ташаббус жазога сазовор” деган машхур мақол ўша даврнинг махсули эди. кишилар фақат давлат корхоналари, ташкилотларида топшириқ бажаришга, айтганни қилишга кўникиб қолган эдилар. Топшириқ доирасидан ташқари чиқиш, гарчи у ижобий самарага қаратилса ҳам ўзбошимчалик сифатида баҳоланар

эди. Тадбиркорлик эса ташаббускорликка асосланади. Боқимандаликдан фарқли равишда тадбиркорлик бировнинг қўлига қарамасдан, йўл-йўриққа қарамасдан ўз аравасини ўзи тортиши, ўз тирикчилигини ўзи таъминлашни тақазо этади. Шу маънода олганда биринчи босқичда қонунлар тадбиркорликни фақат рағбатлантириши, тадбиркорлар учун қулай имтиёзлар ва шарт-шароитлар яратишга қаратилмоғи лозим бўлиши табиий. Иккинчи барьер – тўсиқ омили ҳам кўпроқ кишилар рухий-маънавий ҳолати билан боғлиқ. Гап шундаки совет даврида адабиёт ва санъатда салбий бой тадбиркорлар образи, ижобий камбағаллар образи, илм-фанда хусусий мулкчилик, тадбиркорлик психологиясини ёки инсоний, зарарли эканлиги зўр бериб кишиларга тикиштирилди, уларда муайян дунёқараш шакллантирилди, эндиликда эса ушбу дунёқарашни ҳам бартараф этиш, бунда нафат адабиёт, санъат, илм-фан, шунингдек қонун кучидан, таъсиридан ҳам фойдаланиш лозим эди. Албатта, тадбиркорликни ҳуқуқий асосларини белгилашда ушбу вазифалар ҳам ҳисобга олинди.

Ўз-ўзидан маълумки, ҳуқуқий асослар юқоридаги тўсиқларни бирдан бартараф эта олмайди. Худди шу сабабли тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда давлат сиёсатининг асосий ташкилотчиси, тадбиркорликнинг асосий тарғиботчиси Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлганлигини қайд этмоқ лозим. Юртбошимиз томонидан қилинган саъй-ҳаракатлар Ўзбекистонда тадбиркорликни вужудга келишида ва иқтисодиётда етакчи мавқега эга бўлишда асосий роль ўйнайди.

Агар тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича биринчи босқичда умумий ҳуқуқий тартиб жорий этилган бўлса, иккинчи босқичда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳуқуқий майдонга кўчириш талаб этилар эди. бунда асосий эътибор тадбиркорларни ўз мажбуриятларини (давлат олдида ҳам, шериклари олдида ҳам, шунингдек, истеъмолчилар олдида ҳам) қатъий бажарилишини таъминлаш вазифаси турар эди. айни вақтда тадбиркорликда асосий соҳалар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, янги моддий неъматлар яратиш бўлиши ҳам талаб этилар эди (афсуски, баъзи кишилар тадбиркорликни фақат олиб сотарлик маъносида тушуна бошлар эдилар). Худди шу сабабли ҳам тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назоратини ўрнатиш, ҳисоботларни йўлга қўйиш бўйича махсус қонунлар қабул қилинди. Белгиланган тартибда риоя қилмаган

хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қатъий молиявий санкциялар белгиланди. Солиқдан қочиш, нақд пул тушумларини яшириш, ҳисоб-китоблар ва тўлов интизомига риоя қилмаслик, молия-кредит соҳат ҳар хил фирибгарликларга барҳам бериш талаб этилар эди. Тадбиркорлик соҳасида қатъий тартиб ўрнатишга қаратилган ҳуқуқий асослар албатта ҳамма томонидан бир хилда қабул қилинмаслиги табиий. Бироқ улар моҳиятан ҳақиқий тадбиркорларга эмас, балки сохта тадбиркорларга қаратилгани равшан.

Юқорида кўрсатилган ҳуқуқий асослар ўз самарасини берди. Мамлакатимизда ўз фаолиятини қонун асосида ташкил этадиган “маданий тадбиркорлар” қатлами вужудга келди. Ушбу ҳолат тадбиркорлик ҳуқуқий асосларини сифат жиҳатдан янги даражага ўтишга асос бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил июн, октябрда чиқарган фармонлари ва қарорлари мазмунида ётувчи қонуний ҳолатлар тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқий асосларини учинчи босқичига негиз бўлди. Бунда тадбиркорлар ва давлат ўртасида муносабатлар характери ўзгарди. Тадбиркорларни доимий ва мунтазам назорат, улар томонидан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун оғир молиявий санкциялар, кундалик текширишлар ўрнига улар учун қулай, хайрихоҳлик, ишонч ва холисликка асосланган ҳуқуқий тизим шакллантирилди.

Энг аввало тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя тизими мустаҳкамланди, бунда ишбилармонларни бюрократиядан, коррупция, таъмагирлик, ўзбошимчалик ва суистеъмолчиликлардан ҳимоя қилиш бўйича қатъий нормалар ва уларни ижросини таъминловчи ташкилий тузилмалар ваколатлари белгилаб қўйилди.

Текширишлар ва ҳисоботлар тизими янада соддалаштирилди. Бунда айниқса кичик бизнес субъектлари учун алоҳида афзалликлар ва янгиликлар ўрнатилди.

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган юридик таъсир чоралари қайта кўриб чиқилди, бунда энг аввало тадбиркорга ҳуқуқбузарлик оқибатларини бартараф этиш, етказилган зарарни қоплаш имкон бериш ҳолларида молиявий санкцияларни қўлламаслик тартиби ўрнатилди, ҳуқуқий таъсир чоралари фаолиятни тугатиш ёхуд тўнтарилиш, мол-мулкдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлса, фақат суд томонидан ўрнатилиши қўлланилди.

Кичик бизнес субъектлари учун ташкил топишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилди. Бунда тадбиркорлик қисқа муддат ичида, ҳеч қандай тўсқинликларсиз рўйхатга олиниб фаолиятини бошлаш имконига эга бўлади.

Тадбиркорлик касаначилик, уйда чорва молларини боқиш каби шаклларининг ҳуқуқий асослари яратилди, микролизинг, микрокредит олишни тартиби белгилаб қўйилди.

Тадбиркорликни ҳуқуқий асосларини шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни умумий асосларини белгиловчи қонунлар (Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги, банкротлик тўғрисидаги ва х.к.) ташкил этади. Иккинчи гуруҳ қонунлари тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий мақомини белгилайди. Бунга хусусий корхоналар тўғрисида, фермер хўжаликлари тўғрисида, кооперция тўғрисида, ширкат хўжаликлари тўғрисида, хўжалик ширкатлари тўғрисида, масъулияти чекланган жамият ва қўшимча масъулиятли жамият тўғрисида, акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқлари тўғрисида деҳқон хўжаликлари тўғрида қонунларни кўрсатиш мумкин. Шунини таъкидлаш ўринлики, мамлакатимизда яқка тадбиркорлар кичик корхоналар ва унитар корхоналардан ташқари тадбиркорликни бошқа барча ташкилий-хўжалик шакллари ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонунлар мавжуд. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий мақомини аниқ равшан ва батафсил белгилаб қўйилганлиги нафақат хўжалик юритувчи субъектлар мулкдорлари, муассислари, иштирокчилари ҳуқуқ ва бурчларини аниқ белгилаб беради, балки корхона фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш тартибини, корхона шериклари манфаатларини таъминлашни ҳуқуқий асосларини ўзида ифодалайди. Тадбиркорлик субъектларини ташкил этмоқчи бўлган шахслар ўз имкониятлари, фаолият соҳаси, ҳамкор шериклар доирасини ҳисобга олган ҳолда ўзлари учун мақбул ташкилий-ҳуқуқий шаклларни танлаб олишлари мумкин. Мавжуд қонунлар тадбиркорларга ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни ҳам, кониталларни бирлаштиришни ҳам, ҳар иккаловини узвий боғлаб, фаолиятни ташкил қилишга ҳам имкон беради.

Тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқий асосларининг учунчи гуруҳи халқ хўжалигининг, иқтисодиётнинг ижтимоий ҳаётнинг айрим соҳаларида, тармоқларида тадбиркорликни ташкил этиш, тадбиркорлик субъектларини вужудга келиш ва бекор бўлишининг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи қонунлар ва қонун ҳужжатлари ташкил этади (фаолиятни айрим турларини лицензиялаш тўғрисида, маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида, концессия тўғрисида ва ш.к.).

Ўзбекистонда бугунги кунда тадбиркорликни ҳуқуқий асосларини яратиш ва ривожлантириш бўйича муайян тажриба тўпланди. Энг аввало тадбиркорлик фаолиятига ҳуқуқ нормалари органи таъсир этишнинг энг оқилона меъёрий нисбатлари аниқлаб олинди, деб айтиш мумкин. Тадбиркорлик бошқа фаолият турларидан фарқли равишда энг аввало ташаббускорлик ва мустақилликка танлади. Худди шу сабабли шу соҳадаги қонун нормалари хаддан ташқари батафсил, майда-чуйда ва икир-чикиригача фаолиятни тартибга солса, бунда на мустақилликка, на ташаббус кўрсатишга имкон қолмаслиги мумкин. Холбуки бошқа баъзи бир соҳаларда, жумладан, процессуал қонунчиликда, маъмурий ва жинойт қонунчилигида батафсил тартибга солиш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ўзига хос кафолати ҳисобланади. Мулк дахлсизлиги, эркин рақобат, шартномалар эркинлиги принциплари, мақсадга номувофиқ деган асос билан тадбиркорлик субъектини рўйхатга олишни рад этшга йўл қўймаслиги, давлат ресурсларига тенг имкониятлар таъминланишини, тадбиркорлик субъектлари хўжалик фаолиятига аралашувига йўл қўймаслиги ва бошқа шу каби қоидалар тадбиркорларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлигини қонунлардаги ифодаси ҳисобланади. Албатта, айрим ўринларда (тадбиркорлик субъектларини вужудга келшида рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйиш тартиби, молиявий, бухгалтерия ва статистик ҳисоботла юритиш ва тақдим этиш тартиби, тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби, шакллари ва усуллари, банкротлик процедуралари) қонун чиқарувчи батафсил ва изчил тизимли ҳуқуқий тартибга солиш усулини қўллайди. Бироқ, бунда энг аввало тадбиркорлар ва жамият манфаатларидан келиб чиқади ва энг асосийси тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда

ташаббускорлик ва мустақилликни намоён қилига нисбатан ҳеч қандай путур етказилмайди.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий асослари комплекс тарзда намоён бўлувчи норматив массивдир. Унда фуқаролик солиқ, божхона, маъмурий, жиноят ва бошқа қонунчилик соҳалари узвий равишда бир-бири билан тутшиб кетган ва ўзаро боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади.

Мамлакатимизда тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёни қатор ўзга хосликларга. Баъзи МДХ мамлакатларида бу жараён стихияли равишда ёхуд бошқа давлатлар қонунларидан андоза олиш, нусха кўчириш, кўр-кўрона ўзлаштириш орқали рўй берганлигини қайд этган ҳолда, мамлакатимизда ушбу жараён ниҳоятда пухта ўйланган назарий асослар негизда ташкил этилганлиги бунга яққол далилдир. Ушбу назарий асослар Президентимиз И.Каримовнинг фундаментал асарларида, нутқларида, маърузаларида ўз мужассамини топган. Юртбошимиз тараққиётимизнинг барча даврларида мамлакатимизнинг жорий ҳолати, олдимизда турган вазифалар, эртанги ривожланиш истиқболини белгиловчи омиллар, стратегик мақсад ва уни амалга оширишни таъминловчи тактик усул ва воситаларни чуқур таҳлил асосида ҳар доим аниқ-равшан олдиндан баён қилиб берганлигини ҳаммамиз биламиз. Бироқ бу оддий башоратчилик эмас, балки улкан илмий салоҳият, ўткир зеҳн, феноменал интизиция, юксак масъулият туйғуси, мустаҳкам ирода, кенг ва чуқур билим, амалий тажриба сохибининг изланишлари, ўй-фикрлари самарасидир. Ҳақиқатан, агар юртбошимизнинг илк асарларида тадбиркорликни хусусий асосларини вужудга келтириш муаммоси мулкчилик муносабатларини қайта қуриш, тадбиркорлик ташкилий-ҳуқуқий шаклларини жорий этиш масалалари таҳлил этилган бўлса, ўрта босқич ривожланишида бозор инфратузилмасини мустаҳкамлаш, шартнома интизоми, қимматбаҳо қоғозлар бозори, ташқи иқтисодий алоқаларни ҳуқуқий асослари масалалари бўйича хулоса ва ечимлар асослаб берилган. Бугунги кунда эса тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришнинг турли қирралари Президентимиз асарларида ҳар тарафлама очиб берилган ва амалий ечимлар ўз ифодасини топган. Бу фақат умумий тарздаги мисоллар ҳолос.

Тадбиркорликни ҳуқуқий асосларини ривожлантиришда, иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлашда Ўзбекистон

Республикаси Президент фармони муҳим ўринга эга эканлигини қайд этиш лозим. Одатда иқтисодий-ҳуқуқий ислоҳотларни ҳар бир босқичи Президентимизнинг тегишли фармони билан бошланиши маълум. Шу маънода Президент фармони шунчаки оддий норматив ҳужжат эмас, балки бир вақтнинг ўзида муайян соҳа ривожини белгиловчи стратегик дастур ва уни рўёбга чиқаришни ҳуқуқий асосларини шакллантириш концепцияси ҳамдир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 5 январда чиқарган “Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўрисида”ги фармони, 2003 йил 24 январда “Ўзбекистон иқтисодида хусусий секторнинг улуши ва ахамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2003 йил 24 мартда чиқарган “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” фармони, 2005 йил 14 июнда чиқарган “Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилиши жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармони.

Албатта, Ўзбекистон Республикасида ўзининг иқтисодий-социал шарт-шартларига мос келувчи тараққиёт йўли танлаб олинди, бозор муносабатлари шакллантирилди, тадбиркорликнинг қонуний асослари шакллантирилди деб қайд этиш билан кифояланиш мавжуд муаммоларни четлаб ўтиш мумкин эмас. Тадбиркорликни ҳуқуқий асослари билан боғлиқ масалалар талайгина. Энг аввало тадбиркорлик ҳуқуқий асосларида қонун ости ҳужжатлари жуда улкан ва бесўнақай эканлигини, улар ўртасида зиддиятлар тафовутлар мавжудлигини эътироф этмоқ лозим. Уларни унификациялаштириш, тизимга солиш, хажмини кескин қисқартириб, оптималлаштириш, долзарб вазифа сифатида турибди. Қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари ўртасидаги нисбат аниқ белгилаб қўйилиши, қонунлар устуворлиги таъминланиши лозим.

Ҳуқуқий асосларни ижро этилиши таъминлаш механизми ҳам талаб даражасида эмас. Энг аввало қонунлар ва айниқса норматив ҳужжатларни уларни ижрочилари бўлган тадбиркорлар диққат эътиборига етказиш кўнгилдагидек эмас. Қонунларни ва норматив ҳужжатларни оммавий тиражларда ва имконият доирасидаги нархларда етказиб бериш лозим. Норматив ҳужжатлар ижроси бўйича мониторинглар юритиш вақти келди.

Тадбиркорлик ҳуқуқий асосларини барқарорлигини таъминлаш тўғрисида ҳам қайғуриш вақти келди. Турли вазирликлар, давлат қўмиталари ва ўз ваколатлари доирасида қабул қилаётган норматив ҳужжатларни тез-тез ўзгартириб туриши ҳолатларига барҳам бериш лозим.

2.2.§ Қонунлар – иқтисодиёт ривожига тўсиқларини бартараф этувчи омил сифатида

Мамлакатимизда бозор муносабатлари тизими шаклланиши жараёни давом этмоқда. Иқтисодиёт соҳасида муайян ютуқлар қўлга киритилди. Бироқ иқтисодиёт соҳасида биз кутган, умид қилган натижаларга эришиш қийин кечмоқда. Бунинг асосий сабаби муайян тўсиқлар хали ҳам мавжуд эканлиги билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримов 2005 йил 7 февралда Оқсарой қароргоҳида Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказилган йиғилишда сўзлаган нутқида олдимизда турган барча вазифаларни ечими юртимизда бошланган ислохатлар ва эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан давом эттириш ва мантиқий якунига етказишдан иборат деб таъкидлади. Айни пайтда ушбу нутқда юртбошимиз эркинлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш учун нималар тўсиқ бўлаётганини ва уларни бартараф этиш йўлларини ҳам кўрсатиб бердилар.

Бугунги кунда иқтисодиётни ҳамма соҳада эркинлаштириш доимий жараёнга айланганини қайд этиш билан бирга ушбу жараённи ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш унинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш масаласи бугунги кунда ҳуқуқ фани олдида турган устувор вазифа деб ҳисобланади деб айтишимиз мумкин.

Иқтисодиётни эркинлаштириш энг аввало тадбиркорлик фаолиятига бюрократик аппаратни ўзбошимчалик билан аралаштиришдан халос этишни англатади. Бугунги кунда ҳар бир тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини ўзи ташкил этишга, хом-ашё олиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, шериклари билан муносабатларини йўлга қўйиш соҳасида мустақилдирлар. Бироқ афсуски айрим вазирликлар ёки маҳкамалар тадбиркорлик фаолияти субъектларини ишлаб чиқариш жараёнига ўзбошимчалик билан аралаштириш ҳолатларига барҳам берилган эмас. Аслини олганда бюрократик аппаратни тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралаштириш учун ҳеч қандай қонуний асос мавжуд эмас. Кўпчилик тадбиркорлик субъектлари хусусий мулкка асосланади ва шу сабабли ҳам хўжалик юритувчи субъект раҳбари давлат амалдори томондан тайинланмайди ва ишдан олинмайди ва унга хизмат лавозими бўйича тобе эмас. Хўш шундай экан хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари нима учун бюрократик аппарат кўрсатмаларига итоат этишади ва ўз манфатларига зид бўлган

ҳаракатлар содир этишади деган савол туғилади. Бу ўринда фақат тадбиркорлар ҳуқуқий онги, саводхонлиги юқори даражада эмас эканлигини, бозор муносабатлари шароитида барча ишлаб чиқариш муносабатлари фақат тенгликка ва мустақилликга асосланган шартнома асосида амалга оширилишини англаб етмаганлигини рўқач қилиш унчалик ўринли эмас (гарчи юқоридаги омиллар муайян таъсирга эга эканлигини эътироф этиш лозим бўлса ҳам). Тадбиркорлик субъектларини бюрократик аппаратга боғлаб қўйган кўзга кўринмас ишлар ҳам мавжуд. Халқимизда "ўйнашмагин арбоб билан арбоб урар ҳар боб билан" деган нақл бежиз айтилмаган. Гап шундаки тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини ташкил этишда бевосита бўлмаса ҳам бавосита тартибда бюрократик аппаратга қарамдир. Бу ўринда энг аввало бюрократик аппаратни контрол назорат функцияларга эга эканлигини, давлат мулки ҳисобланган табиий ресурслар ва бошқа мол-мулкларни тадбиркорлик субъектларига фойдаланишга бериш, фойдаланиш устидан назорат қилиш ва олиб қўйиш ваколатларига эга эканлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Шу сабабли ҳам тадбиркорлик субъектларини бюрократик аппаратни ўзбошимчалик билан аралашувидан ҳалос қилиш учун, тадбиркор ва давлат органи ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи нормалар тубдан қайта кўриб чиқилишини тақазо этади.

Бюрократик аппарат иқтисодиётни эркинлаштиришга асосий тўсиқлардан бири экан уни бартараф этиш нима қилиш деган савол туғилади. Энг осони – бюрократик аппаратни тугатиш, бекор қилиш ҳисобланади. Бироқ бюрократик аппарат бутун дунёда давлат бошқарув аппаратида чирмашиб кетган, бошқача айтганда унинг ҳосиласи, унинг ғайри нормал фаолиятининг натижасидир. Давлат бор экан, унинг функциялари мавжуд экан, бошқарув аппаратидан воз кечиб бўлмайди. Асосий масала давлат аппаратини бюрократик хусусиятлардан тозалашдан иборат. Бюрократик аппарат иқтисодиётни эркинлаштиришга тўсиқ бўлишининг сабаби нимада, у қандай мотив (мақсад)га кўра бундай тўсиқ бўлиб қолди? Булар орасида энг хавфлиси-давлат амалдорларини таъмагирлиги, ғараз ниятидир. У энг аввало ҳамма нарсадан шахсий манфаат ахтаради: "Тадбиркорми, демак моддий бойликлар эгаси, ундан юлиб қолиш мумкин ва лозим. Бунинг учун унга ҳар хил тўсиқлар қўйиш керак, қўлланмаларни рўқач қилиш керак ва ҳ.к." Амалдор фақат ўз ҳамёнини ўйлайди, фақат бугунги куни билан яшайди,

унинг шиори: давринг келди, сур бегим. У ҳам олтин тухум қиладиган товукни сўяётганлигини билади, бироқ уни парвариш қилиб, эртага олтин тухумларга шерик бўлишдан умид қилмагани учун шу бугун юлиб олишга ҳаракат қилади. Амалдорларни нафсини жиловлаб, кўзини тўйдириш мумкинми? Бунинг учун унга отни калласидек маош тайинлаб қўйиш талаб этилади. Бироқ иқтисодиёти мустаҳкам, тадбиркорлик кучли ривожланган мамлакатлардагина худди шундай йўл тутиш мумкин. Ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатларни бунга қудрати етмайди. Демак, муаммо бир-бирига боғлиқ ёпиқ халқа ичида қолади, унинг ечими йўқ деган хулоса келиб чиқади. Албатта, амалдор учун социал кафолатлар керак. Бироқ, энг аввало амалдор халол ва инсофли бўлиши лозим. Бинобарин, бюрократик аппарат ходимларини руҳий дунёси, маънавиятини ўзгартириш лозим. Бу жуда мураккаб жараён. Энг асосийси бу борада тезлик билан тадбирлар ишлаб чиқиб, жорий этиш лозим бўлади. Таъмагирлик йўлига кирган амалдорларга шифқатсиз жазо берилиши лозим. Жазони муқаррарлиги ўзига хос олдини олувчи тадбир, самарали тадбир ҳисобланади. Даромадларни декларациялаш очкўз амалдорларни фош этишда қудратли восита бўлиши мумкин. Оддий маош олган ҳолда қўша-қўша данғиллама иморат қураётган, хорижий маркали машиналарда керилиб юрган, авлод-аждоди билан нозу-неъматларга кўмилиб юрган амалдорлар учун даромадларни декларациялаш тартиби сичқонни инини минг танга қилиб қўйиши табиий.

Таъмагирликдан ташқари бюрократик аппаратга маъсулиятдан қочиш, сансанорлик, боқибеғамлик каби салбий иллатлар ҳам хосдир. Буларга қарши курашнинг самарали ва таъсирчан усул ва воситалари мавжуд. Энг аввало тадбиркорларни бюрократик аппаратга мумкин қадар камроқ боғлиқ қилиб қўйиш керак. Рухсат бериш, текширишлар ўтказиш, назорат қилиш, мувофиқлаштириш, рўйхатдан ўтказиш ва шу каби тартиблар бюрократик аппаратни гуллаб яшнаши учун энг қулай заминдир. Агар юқоридаги тартибларни энг зарури қолдирилса, бунинг устига бюрократик аппарат ўзбошимчалигидан тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, айниқса суд орқали ҳимоя қилиш тизими йўлга қўйилса, бюрократик аппаратни бюрократик аппарат қиладиган илдизи қирқилган бўлур эди.

Тадбиркорлик негизда хусусий мулк, эркин рақобат, шартномалар эркинлиги ётади. Тадбиркор ўз хусусий мулкига ўзи тўлиқ хўжайин бўлиши лозим. Тадбиркорларнинг мулкীয় ҳуқуқлари қонуний кафолатланган, улар ўз мол-мулкларини ўз манфатларини кўзлаб ўз хошишларига кўра эгаллаш, тасарруф қилиш ҳуқуқларига эгадирлар. Бироқ тадбиркорлик субъектлари мол-мулки муомилада бўлганда муайян хужжатларда, масалан, бухгалтерия маълумотларида қайд этиб борилиши шарт. Бу ҳолат эътироз туғдирмайди, бироқ амалдаги бухгалтерия хужжатлари шакли ишлаб чиқилганда мол-мулкни муомилада бўлишини расмийлаштириш муайян формал талабларга риоя қилиш орқали содир бўлади. Бу талабларнинг баъзилари оқилона ва мантиқий асосга эга деб айтиш қийин. Бунда тадбиркорларда ўз мол-мулкларини бир ҳуқуқий режимдан иккинчи ҳуқуқий режимга ўтказиш, ҳисобдан чиқариш, ўзидан бегоналаштириш ва тасарруф қилишнинг бошқа имкониятларини чеклайди. Бошқача айтганда агар маиший турмушда инсон ўз мол-мулкига нисбатан мутлоқ мулкдор бўлса, тадбиркорлик муомиласида бундай деб айтиш қийин. Бугунги кунда тадбиркорларни қийнаётган муаммолардан бири, уларни ўз пул маблағларидан фойдаланиш, тасарруф қилиш борасидаги қийинчиликлар ҳисобланади. Маълумки тадбиркорлик субъектлари ўз пул маблағларини тижорат банкларида ўз ҳисоб рақамларида сақлайдилар. Амалдаги Фуқаролик Кодексига кўра маблағ эгаси ўз маблағига ўзи хўжайин, тижорат банклари маблағ эгасининг топшириқларини бажарадилар ҳолос. Бироқ амалда Марказий Банк, Молия Вазирлиги ва бошқа маҳкамаларнинг ўнлаб хужжатлари борки, улар тадбиркорни ўз маблағларини эркин тасарруф қилишдан чеклайдилар. Тадбиркор пул маблағларини олиш, тўловларни амалга ошириш учун баъзан банк ходимларига ялинишга, уларни қош-қовоғига қарашга мажбур. Шундай тартиб ўрнатиш лозимки, тадбиркорлик субъектлари банкларга эмас, балки банклар тадбиркорлик субъектларига хизмат қилсин, уларни кўнглини топишга ҳаракат қилсин.

Сўнгги даврларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби анча соддалаштирилди. Бу борадаги бюрократик тўсиқлар бартараф этилди. Эндиликда тадбиркорлик субъектларини вужудга келтириш давлат амалдорига унчалик боғлиқ эмас. Бироқ тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартибини янада соддалаштириш имкониятлари ҳам

мавжуд. Гап тадбиркорлик субъектларини вужудга келганлигини ариза бериш орқали расмийлаштириш тартиби тўғрисида кетмоқда. Бундай тартибда рўйхатга олувчи орган тадбиркорлик субъекти аризасини қабул қилиб, қайд этишга мажбур. Тадбиркорлик субъекти ўзининг вужудга келганлигини маълум қилади ва давлат идораси бундан маълумот учун қабул қилади. Албатта бундай тартибга бирданга ўтиш қийин, дастлаб хунармандчилик, маиший хизмат, касаначилик тадбиркорлиги билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни шундай тартибда қайд этишни тажриба қилиб кўриш лозим. Кейинчалик аста-секин мураккаб таркибли тижорат субъектларига нисбатан ҳам уни жорий этиш мумкин бўлур эди.

Тадбиркорлар учун шартнома бўйича ўз шерикларини танлаш, шартнома шартларини белгилаш эркинлиги амалда таъмин этилиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бироқ баъзи объектив сабабларга кўра ижтимоий манфаатлар тақозоси билан муайян соҳаларда шартномалар эркинлиги тамойили тўла амал қилмаётганини эътироф қилиш лозим. Гап бу ўринда давлат буюртмаси учун товарлар етказиб бериш контрактлари тўғрисида кетмоқда. Ушбу соҳада шундай тартиб жорий этиш лозимки, токи тадбиркорлик субъектлари давлат буюртмасидан қочиш ўрнига, уларни олиш учун астойдил ҳаракат қиладиган бўлсин. Бошқача айтганда давлат буюртмаси асосида маҳсулот етказиб бериш бозор баҳоларида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Хорижий мамлакатларда давлат буюртмаси танловлар, тендерлар орқали, кучли рақобат муҳитида жойлаштирилади. Давлат буюртмаси барқарор, кафолатланган тўловлар асосида маҳсулот етказиб беришдир. Мамлакатимизда ҳам изчиллик билан давлат буюртмаси асосида шартномалар тузишнинг эркинлаштирилган тизимига изчиллик билан ўтмоқ лозим.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ҳуқуқий асослари тизимида тадбиркорлар ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятларини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Қонунларда тадбиркорлар ҳуқуқ ва эркинликларга тажовуз қиладиган, тўсқинлик қиладиган ҳар қандай ҳаракатларга нисбатан қатъий санкциялар назарда тутилмоғи лозим. Тадбиркорлар ҳуқуқларини чеклаш, уларнинг фаолиятига ноўрин аралаштириш натижасида уларга етказилган моддий ва маънавий зарарлар суд тартибида муқаррар равишда ундириб берилишига эришиш керак.

Бунда тадбиркорларни ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш алоҳида ўрин эгаллайди. Тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишда суд ҳимояси, маъмурий тартибда давлат ҳимояси ва ўзини-ўзи ҳимоя қилиш тизими билан бирга нодавлат ҳимоя тизимини ҳам яратиш лозим.

Иқтисодиётни эркинлаштиришдан биринчи галда тадбиркорлар синфи манфаатдор. Шундай экан тадбиркорлар мамлакат Президенти эркинлаштириш тизимини яратиб, уни жорий этишини кутиб ўтириши мақсадга мувофиқ эмас. Қарс икки қўлдан чиқади дейдилар. Бугунги кунда тадбиркорлар улар дунёқарашини ўз дастурида акс эттирувчи сиёсий партияга эгадирлар. Бу партия Қонунчилик Палатасида етакчи мавқени эгаллайди. Тадбиркорлар қатлами ўз сиёсий партияси орқали, Савдо Саноат Палатаси орқали ва бошқа фуқаролик жамияти тузилмалари орқали иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатмоғлари ва уни қонунларда мужассамлашга интилмоқлари лозим.

Иқтисодиётни эркинлаштиришни ҳуқуқий асосларини мукамаллаштириш хўжалик қонунчилигини унификация қилишдан бошланмоғи лозим. Хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи барча қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари қайта кўриб чиқилмоғи, муайян тизимга солиномоғи шарт. Бундай норматив ҳужжатлар қайси ҳуқуқ тармоғига мансуб бўлишидан қатъий назар (фуқаролик, солиқ, божхона, жиноят, маъмурий ва ҳ.к.) ўзаро уйғун ва манتيқий яхлит бўлишини таъминлаш лозим бўлади. Қонун ости ҳужжатлари минимум даражага келтирилмоғи лозим. Ҳуқуқ нормаси билан тартибга солишга зарурат бўлган иқтисодий муносабатлар мумкин қадар олий юридик кучга эга бўлган қонунлар орқали тартибга солиниши шарт. Идоравий норматив ҳужжатлар қабул қилинганда маҳкамавий манфаатларни устувор бўлиб қолишини олдини олиш, уларни объектив холис бўла оладиган бошқа давлат ва нодавлат ташкилотларида хар тарафлама ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тизимини яратиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Тадбиркорлик соҳасидаги қонун ости ҳужжатларини қонунларга мувофиқлигини текшириш соҳасида, қонунларга мувофиқлигини таъминлашда Конституциявий Суд ва Республика Прокуратураси катта имкониятларга эга. Хар қандай хўжалик юритувчи субъект, хар қандай тадбиркорлик субъекти прокуратура органлари ёрдамига

таяниб Конституциявий Суд орқали тадбиркорларни қонуний ҳуқуқларини чеклайдиган норматив ҳужжатлар бўйича низолашиш, бахслашиш имкони яратилиши талаб этилади.

Тадбиркорлик-хўжалик фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни бирхиллаштириш (унификациялаш), тизимга солиш ва ҳатто кодификация қилиш тўғрисида кўп гаплар гапирилмоқда, бироқ амалда бундай норматив ҳужжатлар массиви кун сайин ҳам энига, ҳа бўйига тарвақайлаб ўсиб кетмоқда. Унинг бесўнақайлиги, ички зиддиятлари ҳуқуқий тартибга солиш вазифасини бажаришга жиддий тўсиқ бўлмоқда. Ундаги ҳар хил писандалар, таъқиқлар ва чеклашлардан бюрократик аппарат усталик билан фойдаланмоқда. Юриспруденцияда қонунни билмаслик, уни бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилишга асос бўла олмайди деган аксиома мавжуд. Бу тўғри албатта. Бироқ бир жисмоний шахс бир кунда қанча ахборот қабул қилиб, қайта ишлаб, ёдда сақлайди ва ўз ишида тадбиқ этади деган савол туғилади. Норматив ҳужжатлар шу қадар кўпки, тадбиркор вақтини анча қисмини уни ўрганишга сарф қилиши лозим. Бевосита ишлаб-чиқариш-хўжалик фаолиятига, менежмент масалаларига қанча вақти қолади деган савол туғилади. Агар кичик бизнес субъектлари (якка тадбиркорлар, микрофирмалар, фермер хўжалиги ва ш.к.) ўзининг бошқарув аппаратига эга эмаслиги ёки оз сонли эканлигидан келиб чиқсак у ҳолда тадбиркорлар тадбиркорлик билан шуғуллансинми ёки норматив ҳужжатларни ўргансинми деган масала кўндаланг бўлади. Бироқ шуни ҳам эътироф этиш лозимки ўзининг юридик бўлим ва бошқармаларига, кўп сонли бошқарув аппаратига эга бўлган йирик корхоналар ҳам ўз фаолияти доирасидаги норматив ҳужжатларни ҳазм қилишга улгура олмаяптилар. Бу билан тадбиркорлик-хўжалик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш керак эмас деган хулоса чиқармоқчи эмасмиз. Ҳуқуқий тартибга солиш зарур. Бироқ тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишдан мақсад ҳуқуқий тартибга солиш эмас, балки тадбиркорлар фаолиятини мақсадга мувофиқ йўналтириш, унга шарт шароитлар яратиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат эканлигини унутмаслик керак. Норматив ҳужжатлар ҳажми тадбиркорлик субъекти ўзлаштириш, қўллаш, риоя қилиш учун оддий нормал имконият доирасида бўлмоғи шарт. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тизимини барпо этишда бу ҳеч қачон эсдан чиқарилмайдиган биринчи олтин қоида бўлиши

лозим. Иккинчи қоида ҳам ташкилий шарт-шароитлар билан боғлиқ. Тадбиркорлик субъектлари норматив хужжатлар мажмуи (ҳеч бир истесносиз) эркин олиш (оқилона миқдордаги ҳақ эвазига) тартиби яратилиш ва бу тартиб аниқ тез ва мунтазам амал қилиши лозим. Зеро асосий қонунимизда қонунларни ижросини талаб қилиш учун унинг мазмунидан ижрочиларини хабардор қилиш имкони мавжуд бўлиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Хўжалик - тадбиркорлик соҳасидаги қонунларни тизимлаштириш бўйича ҳозирги босқичда уларни бир тўпламга келтириш, гуруҳлар бўйича туркумлаш лозим. Кейинчалик, агарда имкон топилса заруратга қараб кодификациялаштириш масаласини ҳал этиш мумкин бўлур эди.

Иқтисодиёт соҳасидаги қонунлар тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини ўзлари мустақил ва ташаббускорлик асосида ўзлари тартибга солиш (саморегуляция) механизмини вужудга келтириш лозим. Бунинг учун локал норматив хужжатлар – корхоналар уставлари, Низомлари, таъсис шартномалари таъсир доирасидаги масалалар белгилаб қўйилиши ва бу доира доимий кенгайиб бориши шарт. Қонунлар ҳам, қонуности хужжатлари ҳам ушбу таъсир доирасига аралашмаслиги лозим. Ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи тартибга солиш механизмини яратмасдан туриб иқтисодиётни эркинлаштириб бўлмайди.

Бюрократик аппаратни иқтисодиётни эркинлаштиришга тўсқинлик қилмаслиги учун давлат хизматчилари ҳуқуқий ҳолати аниқ белгилаб қўйиш фурсати етди. Давлат хизматчиси тўғрисидаги қонунда давлат хизматчиларининг турлари, ваколатлар чегараси, улар томонидан қабул қилинадиган қарорлар ва ҳаракатлари учун маъсулияти ва жавобгарлиги аниқ равшан белгилаб қўйилмоғи керак. Айниқса хизмат ваколатидан ташқари чиқиш, хизмат мажбуриятларига совуққонлик билан қараш, таъмагирлик ғаразгўйлик каби ҳолатлар юридик тавсифланиши ва уларга нисбатан қўлланадиган чоралар муқаррарлиги ўз ифодасини топиши лозим.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз пул маблағларини эркин тасарруф қилиш тўғрисида ҳам махсус қонун қабул қилиш зарурати мавжуд. Афсуски ҳозирги пайтда тадбиркорлик субъектлари ўз маблағларини тасарруф қилиш имкониятлари чегараланган яна бунинг учтига нақд пул билан тўловларни амалга ошириш ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ўртасида жиддий фарқлар

борлиги хеч кимга сир эмас. Бошқача айтганда муайян махсулотга нисбатан нақд пул билан сотиб олганда бир нарх, нақд пулсиз харид қилинганда бошқача нарх яъни қимматроқ нарх қўйилади. Холбуки мамлакатимизда ягона пул-кредит тизими амал қилади. Сўмнинг харид қувватига нисбатан икки ҳил стандартларнинг мавжудлиги оқилона ҳолат эмас. Бунга барҳам бериш учун ҳуқуқий асослар белгилаб қўйиш вақти етди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки иқтисодиётни эркинлаштиришни ҳуқуқий таъминлаш фақат бюрократик аппаратни жиловлаб қўйиш, тадбиркорларни қонуний ҳуқуқларини қонун ости ҳужжатлари орқали чеклашларга барҳам бериш, қишлоқ хўжалик корхоналарини давлат буюртмаларини шартнома асосида бажаришдан манфатдорлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари ўз пул маблағларидан эркин фойдаланиш ва тасарруф қилиш юридик кафолатларни яратишдангина иборат эмас. Иқтисодиётни эркинлаштириш кўп қиррали жараёндир. Бу жараёнга бир ёқлама ёндашув мумкин эмас. Бинобарин иқтисодиётни эркинлаштиришининг ҳуқуқий асосларини вужудга келтиришда нафақат ҳуқуқшунослар балки иқтисодчилар, файласуфлар, психологлар, сиёсатшунослар ва бошқа мутахассислар ҳам фаол қатнашиши талаб этилади.

2.3.§ Замонавий раҳбар ваколати, маҳорати ва маъсулиятининг ахлоқий ва ҳуқуқий мезонлари

Президентимиз И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасида 2005 йил 7 февралда бўлиб ўтган йиғилишда сўзлаган нутқида ҳар бир раҳбар шахс мамлакатимиз олдида турган вазифаларни тўлақонли бажариш учун энг аввало икки талабга жавоб бериши шартлигини уқдирди. Биринчи талаб – ҳар бир мутасадди раҳбарнинг ўз ишига бўлган маъсулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарликни ошириш.

Маъсулият ва жавобгарлик ўзаро боғлиқ сифатлар ҳисобланади. Бироқ маъсулият жавобгарликка нисбатан кенгроқ тушунча. Маъсулият – бу ўз зиммасидаги вазифаларини, ҳуқуқларини англаб етиши, ўз ҳатти-ҳаракатларининг барча оқибатларини олдиндан кўра билиш, аниқ мақсад қўйиб, ўша мақсадга эришиш йўлида изчил ҳаркат қилиш, ўз ҳаракатлари натижалари учун шахсан жавобгарлигини ўз елкасига олиш демакдир. Кўриниб турибдики маъсулият – бу шахсни енгилтаклик, ҳовлиқмалик, юзаки қарорлар қабул қилиш, калтабинлик каби иллатлардан холи эканлигини англатади. Бу хусусият кўпроқ ахлоқий-маънавий сифатлар тарзида намаён бўлади. Жавобгарлик бундан фарқли равишда кўпроқ ҳуқуқий мазмун касб этади. Жавобгарлик тор маънода юридик жавобгарликни, яъни ҳатти ҳаракатлари оқибатлари салбий бўлиб чиққанда, унга нисбатан қонунда белгилаб қўйилган юридик мажбурлов таъсир чораларини қўллаш, ўзи учун ноқулайликларни ҳис этиш, бошдан кечириш ҳисобланади. Жавобгарлик бу маънода интизомий, маъмурий, фуқаролик ва жиноий жавобгарлик шаклида намаён бўлади. Кенг маънода жавобгарлик эса нафақат давлат мажбурлов чораси, балки жамият томонидан раҳбарга салбий баҳо бериш, обрў-эътиборини, нуфузини пасайиши, ишончсизлик муҳитини вужудга келишидир. Кенг маънодаги жавобгарлик раҳбар виждони тоза бўлса унинг рухий изтироблари, жисмоний азоблари тарзида ҳам рўй беради. Бу шахснинг ички интизоми, маъсулиятни ҳис қилиш даражасига боғлиқ ҳолатдир.

Маъсулият – бу ташаббус кўрсатиб ишлаш демакдир. Президентимиз бунга бежиз алоҳида урғу бермаганлар. Ташаббускорлик – ўз фаолиятини қандайдир кўрсатма, йўл-йўриқларни кутиб ўтирмасдан ўзи ташкил этиш, ишга доим янгича

ёндашиш, доимо изланишда бўлиш, ўз мутахассислиги, фаолияти бўйича барча янгиликларни кузатиб бориш, самарали ва ижобийларини ўз вақтида илғаб олиш ва ўзида қўллашда кўринади. Тадбиркор билан ёлланма ходим ўртасидаги асосий фарқ шундан иборатки тадбиркор ташаббускор бўлиши, ёлланма ходим асосан кўрсатмаларни бажариши, итоат қилиши лозим. Шу маънода ташаббус кўрсатмаган тадбиркорнинг келажаги йўқ деб айтиш мумкин. раҳбар ҳам бамисоли тадбиркор кабидир. У хатто берилган кўрсатмани бажарган тақдирда ҳам, ташаббус кўрсатиши, янгича ёндашув асосида ишни ташкил этиши лозим.

Раҳбарда маъсулият хиссини шакллантиришда амалдаги қонунлар, ҳуқуқ нормалари алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳуқуқ нормалари раҳбарларни бутун фаолиятини икир-чикиригача, батафсил тартибга солмаган ҳолда, унинг фаолият принципларини белгилайди, ваколатлари доирасини аниқлаштириб беради. Бошқача айтганда қонунларга оғишмай риоя қилган, унинг талабларини сўзсиз бажарган раҳбар ҳеч қачон ноқулай аҳволга тушмайди. Қонунларда раҳбар маъсулиятига таълуқли бўлган нормалар мавжуд. Ушбу нормалар мазмунини ҳар бир раҳбар чуқур тушуниб этиши, англаб олмоғи лозим.

Баъзан раҳбарни ташаббус кўрсатиб ишлаши таваккалчилик билан боғлиқ, бунда кутилмаган салбий оқибатлар келиб чиқиши мумкин, шу сабабли илгаридай, эскичасига ишлашдан яхшиси йўқ, "ташаббускорлик – ҳар доим жазога сазоворлик" демакдир деб баҳона қилишади. Бу ҳеч қандай асосга эга эмас. Қонунга кўра асосли таваккал қилиш маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс бўйича ҳам Жиноят кодекси бўйича ҳам ва ниҳоят Меҳнат Кодекси бўйича ҳам жавобгарликни истисно этувчи ҳолат ҳасобланади. Бундай таваккалчилик асосли бўлиши учун бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга мувофиқ бўлиши лозим:

- биринчидан, ижтимоий фойдали мақсадга эришиш мақсадини бевосита кўзлаши (иқтисодиётни ривожлантириш, ҳуқуқ-тарғиботни мустаҳкамлаш, кишилар ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, халқ фаровонлигини таъминлаш ва х.к.);

- иккинчидан, раҳбарнинг касбий ёхуд хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлиши;

- учинчидан, таваккал қилиш замонавий илмий-техника билимлари ва тажрибаларига мос келиши;

- тўртинчидан, қўйилган мақсадга таваккал қилмасдан эришиб бўлмаслиги;

- бешинчидан, таваккалчиликни салбий ёхуд ноқулай оқибатларини олдини олиш чоралари кўрилган бўлиши шарт.

Таваккалчиликда кўзланган мақсадга эриша олмаслик эҳтимоли мавжуд бўлади. Шу сабабли ҳам қонунда касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилишда кўзланган ижтимоий фойдали натижага эришилмаган ва келтирилган салбий оқибатлар (зарар) ижтимоий фойдали мақсадга эришиш натижасида олиниши мумкин бўлган фойдали натижадан кўпроқ бўлган тақдирда ҳам раҳбар юридик жавобгарликка тортилмайди деб белгилаб қўйилган.

Бироқ оқилона, асосли таваккал қилишнинг ҳам ўз чегараси бор. Қонунга кўра таваккалчилик одамларнинг ҳалок бўлиш хавфи, экология ҳалокати ёхуд бошқача оғир оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини била туриб қилинса асосли, оқилона деб топилмайди.

Фуқаролик қонунчилигида тавккалчилик бурчи аввалдан тарафлар ўртасида белгилаб қўйилади ва демак жавобгарлик озод қилиш учун асос бўлиб ҳисобланмайди.

Амалдаги қонунчиликда раҳбарлар, мансабдорлар маъсулияти, жавобгарлигини муқаррар келтириб чиқарувчи қуйидаги ҳолатлар белгилаб қўйилган;

- ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суистеъмол қилиб ундан қилиш (бунда раҳбар ўз мансаб ваколатини суистеъмол ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб бошқаларни манфаатларига зарар етказди);

- ҳокимият ёки мансаб ваколатидан четга чиқиш;

- мансаб мажбуриятларига совуққонлик билан қараш, яъни ўз вазифаларига лоқайдлик, бепарволик ёки виждонсизлик билан муносабатда бўлиш оқибатида уларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик;

- раҳбарнинг ҳаракатсизлиги, яъни ўз хизмат вазифаси бўйича бажариши шарт ва мумкин бўлган вазифани бажармаслиги;

- хизмат сохтакорлиги, яъни мансабдор шахсинг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларини кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки атайлаб сохта ҳужжатлар тузиш ва тақдим этиш;

- пора олиш, пора бериш, пора олиш – беришда воситачилик қилиш;

- раҳбар томонидан давлат манфаатларига хилоф ва наф келтирмаслиги аён бўлган битим ёки шартнома тузиш ёки тузишга ёрдам бериш.

Юқоридаги ҳолатлар раҳбар маъсулиятини ўзига хос юридик мезонлари бўлиб ҳисобланади деб айтиш мумкин.

Президентимиз раҳбар шахсга энг аввало ишончга сазовор, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажара олиши учун тегишли билим, тажриба ва юқори малакага эга бўлиши, яъни ўз соҳасида компетентли бўлиши - бу замон талаби деб уқтирган эди. Раҳбарнинг компетентли эканлиги уни ўз ишининг устаси бўлиш, ўз соҳасини ҳар томонлама чуқур билишда намоён бўлади. Компетентлик – бу ғоят қамровли хусусият. Раҳбар ўз ваколати доирасидаги масалаларни ҳал этиш лаёқатига эга бўлиши лозим. Айни вақтда раҳбар ўз ваколати доирасига кирмайдиган масалаларни ўзбошимчалик ҳал этишдан ҳам ўзини тия билиши керак. Ҳозирги даврда хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорлар ўз фаолиятларини ўзлари мустақил ва эркин ҳал этишга ҳақли. Қонунда бунинг қафолатлари белгилаб қўйилган. Бироқ афсуски буни барча раҳбарлар ҳам англаб етмаганлар. Шу сабабли ҳам улар тадбиркорлар фаолиятига ҳар хил аралашиш, буйруқлар бериш, фаолиятини назорат қилишга уринадилар. Улар мансаб курси менга шундай ҳуқуқ беради деб калта ўйлайдилар. Бу эса уларни ҳамон эскича фикрлашдан воз кечмагани, ўз ваколатлари доирасини англаб етмаганлигидан далолат беради.

Раҳбарнинг компетентлиги энг аввало уни ташкилотчилик қобилиятида, одамлар билан ишлай билиши, уларни бошини қовуштиришни, қўл остидаги кадрларни тўғри танлаш, уларга ўз билим ва малакасига мос вазифалар топшириш хислатларида ҳам ўз ифодасини топади. Ташкилотчилик қобилияти ўзига хос етакчи хусусият ҳисобланади. Инсон яхши мутахасис, олим бўлган тақдирда ҳам агарда унда ташкилотчилик қобилияти бўлмаса раҳбар лавозимини уддалаб кетиши қийин. Ташкилотчилик қобилиятини бевосита ўлчайдиган юридик мезонлари мавжуд эмас. Ташкилотчилик – бу ўзига хос рухий-маънавий ҳолатларга таянади. Бунда кишининг бошқалар билан бўлган муомиласи, киши қалбига йўл топа олиш, одамларни ўзига ишонтира билиши ва ўз орқасидан эргаштира олиш маҳорати ҳам жиддий аҳамиятга эга.

Компетентликнинг таркибий қисми бўлиб раҳбарнинг ўз соҳаси бўйича чуқур билимга эгаллиги ҳисобланади. Албатта, билим даражасини аниқлашнинг юридик мезонлари – муайян мутахассислик соҳаси бўйича таълим олгани, илмий даражага эга эканлиги ҳисобланади деб айтиш мумкин. Раҳбарнинг билим савияси ҳолат кенг бўлиб, у глобал миқёсларда фикр-мулоҳаза юритиш имконига эга бўлиши лозим.

Раҳбарнинг малакаси унинг билими ва тажрибасининг узвий маҳсулидир. Тажриба ўз-ўзидан вужудга келмайди. Муайян соҳада муайян давр мобайнида ишлаш, фаолият юритиш орқали тажриба орттириш мумкин.

Қонунчиликда раҳбарга қўйиладиган талаблардан яна бир гуруҳи ФКнинг 45-м.да ўз ифодасини топган. Бунга кўра давлат хизматчиси ёхуд хўжалик юритувчи субъект раҳбари ўз фаолиятини давлат ёхуд корхона манфаатларидан келиб чиқиб ташкил этиш, инсофли, ҳалол ва оқилона ҳаракат қилиши шарт. Агар раҳбар ушбу талабларга риоя қилмаса, унга нисбатан унинг фаолияти натижасида давлатга ёхуд корхонага етказилган зарарни ундириш масаласи қўйилиши мумкин. Афсуски қонуннинг ушбу талабига амалда ҳар доим ҳам изчиллик билан қатъий риоя қилинаётгани йўқ. Муасасалар ишини барбод қилган, корхоналарни банкрот даражасига олиб келган қанча раҳбарлар сувдан куриқ чиқиб, ҳеч нарса бўлмагандай юргани ҳеч кимга сир эмас. Шунинг ҳам очиқ айтиш керакки раҳбарни инсофли, оқилона ва ҳалол бўлиши талаблари мезонлари ҳам анчайин мавҳум. Бу ўринда қуйидаги эътироз билдирилиши мумкин: раҳбарлик соҳаси, ваколат доираси, вазифалар характериға қараб ушбу талаблар турлича бўлиши мумкин ва уларни умумийлаштириш анча мушкул. Бироқ умуминсоний қадриятлар умумлашма ҳолида мавжудку. Раҳбарнинг оқилона ҳаракат қилиши уни пухта ўйланган, масалани чуқур тушуниб етган ва энг мақбул, асослантилган ечимларни қўллашидир. Инсофлилик эса ўз ваколатини тегишли даражада виждонан бажариши, уни суистеъмол қилмаслиги, бошқалар манфаатларига ва кадр-қийматиға путур етказмаган ҳолда жонкуярлик билан фаолият юритишдир. Раҳбар фаолияти ҳар доим муайян самараға манфаатға қаратилган бўлади. Ушбу манфаат энг аввало ўзи раҳбар бўлган корхона манфаати, муасаса манфаати, улар олдиға қўйилган мақсадларға эришиш демакдир. Бироқ ушбу манфаатларни фақат тор доирада тушунмаслик яъни маҳкамачилик

худбинлигига олиб келмаслиги лозим. Раҳбар умумдавлат манфаатлари, жамоа манфаати ва ўз шахсий манфаатини уйғунлаштириш, унинг марказига корхона манфаатини қўйиши лозим.

Ҳозирги давр ижтимоий ва иқтисодий турмуш шарт-шароитлари раҳбар маҳорати ва бршқариш санаътига нисбатан янгидан янги талаблар қўймоқда. Энг аввало давлат ҳокимият ва бошқарув органлари мансабдор шахслари билан хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ўртасида маълум ихтисослашув рўй бераётганини кузатиш мумкин. Ўтмишда, хатто яқин вақтларгача ҳам сиёсий маъмурий тизмдаги раҳбарлар билан хўжалик-иқтисодий раҳбарлиги ўртасида мустаҳкам узвийлик боғлиқ бўлиб, бир тизимдан иккинчи бир тизимга ўтиш ёки яна қайтиш одатдаги ҳол эди. Улар гўёки туташ тизимлар эди. Бунинг салбий жиҳатлари ҳам, ижобий жиҳатлари ҳам мавжуд. Салбийлиги шундаки маъмурий раҳбарликни уддалай олмаган ходим секингина ўртамиёна корхонага раҳбар қилиниб қўйилар эди, энг асосийси ўрта миёна ишлаб турса бас. Ижобийлиги шундаки, раҳбар кенг қамровли фаолият соҳасини ўзлаштирар, бу тажриба асқотиши табиий. Албатта, иқтисодиётда ягона мулкдор-давлат бўлган шароитларда сиёсий-маъмурий раҳбарлик тизими ва хўжалик раҳбарлик тизими туташ ва хатто ягона бўлиш ўз-ўзидан равшан. Улар учун ягона захира (резерв номенклатура) мавжуд эди. Бироқ бозор муносабатлари тизими иқтисодиётда турли мулк шакллари эркин рақобати ва хусусий мулкни иқтисодиётдаги етакчилик позицияси сиёсий-маъмурий ва хўжалик раҳбарлик тизимларини мустақил бўлишини тақазо этади. Эндиликда универсал раҳбарлар тоифасига таянадиган идора усули ўз умрини яшаб бўлди. Раҳбар ваколоти доираси, кенг маънодаги компетентлик универсал раҳбарлар бўлишини истисно этади. Раҳбарлик тизимини ихтисослашуви ҳар иккала тизим учун алоҳида ва мустақил захиралар манбаси мавжуд бўлишини талаб этади. Сиёсий-маъмурий тизим учун бугунги кунда захиралар мавжуд, уларни тўлдириш, тайёрлаш ва жой-жойига қўйишнинг ташкилий тартиби ва мезонлари тўлиқ маънода амал қилмоқда. Тасодифий шахсларни, у хатто ўта қобилиятли, вундеркинд бўлган тақдирда ҳам ушбу тартибдан ташқари ўз холича маъмурий раҳбарлик курсига ўтиришини ҳеч қандай имконияти мавжуд эмас. Ушбу тартиб демократик моҳиятга эга бўлиш жараёнини бошдан кечирмоқда деб

айтиш мумкин. Бироқ у ҳали ҳам мукаммалик даражасидан жуда йироқ, афсуски баъзи ҳолларда раҳбарликка номзодга нисбатан ишбилармонлиги ва ахлоқий сифатларига қараб эмас, балки зохирий белгиларга (анкета маълумотларига, бошлиқлар кўнглини топиш, югурдаклик, шахсий садоқат, илмий даражага эгаллиги ва ш.к.) қараб хулоса чиқариш ҳоллари учрайди. Лекни раҳбар жавобгарлигининг муқаррарлиги каби ижобий йўналишни тобора кенг қамровли бўлиб бораётганини ҳам қайд этмоқ. Эндиликда ишни барбод қилган раҳбарлар (хоҳ вилоят миқёсида, хоҳ республика миқёсида бўлсин) силлиқина бошқа амал курсига ўтиришлари ҳолатларига барҳам берилмоқда.

Хўжалик раҳбарлари тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш тизими соҳасида ахвол кўнгилдагидай эмас. Аниқроғи ҳақиқий бозор муносабатларига мос келадиган тизим ҳали мавжуд эмас. Маъмурий тизимдан андоза олган тизим тугаб бормоқда, фақат баъзи раҳбарлар тафаккурини қотиб қолгани сабаблигина бундай тартиб ярим ўлик ҳолда мавжуд ҳолос. Бозор тизимида корхона раҳбарини мулкдор тайинлайди ёхуд хусусий корхона бўлса мулкдор ўзи бошқаришга мажбур. Корхона раҳбарини тайинлашнинг оддий нормал тартиби бўйича хўжалик жамиятлари ва ширкатларида ўзига хос корпоратив бошқарувчиларни тайинлашни (сайлашни) юридик тартиби қонунларда мавжуд. Бироқ ҳақиқий раҳбарни танлаш мезонлари мавжуд эмас. Ушбу масалани муасислар, иштрокчилар, мулкдорлар биргаликда ҳал қиладилар. Бунда корхона раҳбари муасислар орасидан ҳам, ташқаридан ҳам тайинланиши мумкин. Бундай ҳолатда хўжалик юритувчи субъект раҳбари бошқарувни корхона таъсис хужжатлари (локал норматив хужжатлар) – низомлар, уставлар, таъсис шартномалари асосида амалга оширади. Хўжалик жамиятлари ва ширкатларида (бугунги иқтисодиёт тизимида улар хўжалик юритишнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакллари – акциядорлик жамиятлари, маъсулияти чекланган жамиятлар, хўжалик ширкатлари кўринишида фаолият юритмоқдалар) бошқарув поғоналари (муасислар, акциядорлар умумий йиғилиш, кузатув кенгашлари, ижрочи директор) ўртасида ваколатлар аниқ чегаралаб қўйилган. Маданий бозор тизимида ушбу поғоналар ўзаро манфаатларни уйғунлаштириб бахамжихат ҳаркат қиладилар. Бошқача айтганда пухта ишланган корпоратив бошқарув тартиби мавжуд, ушбу бошқарув корпоратив манфаатлардан келиб чиққан

ҳолда фаолият кўрсатади. Афсуски корпоратив бошқарув мамлакатимиз иқтисодий тизимига жуда қийинчилик билан сингимокда. Корпорация иштрокчилари тадбиркорлик соҳасида ўз саъи-ҳаракатлари ва капиталларини бирлаштириб ҳаракат қиладилар. Бундай ҳолатда улар бир-бирларини манфаатларига путур етказмасликка интиладилар, ўз ваколатлари доирасидан чиқмайдилар. Ҳозирча мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари муасислари, акциядорларни ниҳоятда пассивлиги кузатилмоқда. Улар ўзларининг қонуний ҳуқуқларидан амалда фойдаланмайдилар, корпоратив бошқарув моҳиятини тушуниб етмаганлар. Бу эса ижрочи директорларни тўлиқ ва мутлоқ яқка ҳокимлигига олиб келмоқда. Мутлоқ ҳокимлик эса маъсулият туйғусини ўтмаслашувига сабаб бўлиши мумкин. Мамлакатимизда тадбиркорлик-иқтисодий тизим раҳбарлари корпусини яратиш, аниқроғи уддабурон менеджерлар қатламини вужудга келтириш иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий шартидир. Бунинг учун эса деярли барча тадбиркорлар корпоратив бошқарув асосларини билишлари талаб этилади. Корпоратив руҳ, корпоратив бошқариш кўникмалари ҳаётимизга сингиб кетиши, ҳаёт тарзининг таркибий қисмига айланиши лозим. Корпоратив бошқарувни ташкил этиш тўғрисида барча ўқув юртларида махсус фанлар ўқитилмоғи мақсадга мувофиқ бўлур эди. Корпоратив бошқарувни самарадорлиги ёлланма ижрочи директорлар бозори мавжудлиги билан узвий боғлиқ. Бунинг учун корхона раҳбарларига танловлар ўтказиш одат тусига кирмоғи лозим.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти нормал кечмаган ҳолларда (узоқ муддат тўловга лаёқатсизлик, банкротлик ҳолларида) корхона раҳбарини кредиторлар томонидан ёки суд томонидан тайинланиш амалга оширилиши мумкин. Бироқ бу умумийни тартибдан истисно ҳисобланади.

Юқорида нодавлат корхоналар раҳбарларини тайинлаш давлат органларига боғлиқ эмаслиги кўрсатилган эди. Бироқ бундан иқтисодиёт тизимидаги раҳбарлик лавозимларига кимлар келиб кетаётганига бефарқ қараши, аралашмаслиги керак деган хулоса келиб чиқмайди. Давлат бу масалага бозор шароитлари, хусусий мулкка асосланган корхоналарни бошқариш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таъсир кўрсатиш воситалари ва усулларини ишлаб чиқиши, мақсадли йўналтиришга интилиши лозим. Ҳозирча давлат ушбу масалага:

-таълим тизими орқали, кадрлар тайёрлаш дастурлари орқали;
-хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқий мақоми ва бошқаришни тартибга солувчи қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилиш ва ижросини таъминлаш орқали;

-тадбиркорлик корхоналари раҳбарлар корпусини шакллантиришга, ёлланма менежерлар бозорини шаклланишига кўмаклашиш орқали;

-қонунда белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари фаолиятини назорат қилиш, ишбилармон раҳбарларни рағбатлантириш ва ношуд, фирром раҳбарларни жавобгарликка тортиш чоралари орқали таъсир қила олади.

Афсуски давлат органларида амал курсида ўтирган барча маъсул лавозимли шахслар ушбу ҳақиқатни тўла англаб етганлари йўқ. Улар ўз мансаб ваколатлари корхона раҳбарини ишдан олиш ва ишга қўйишга имкон беради деб ўйлайдилар. Бундай психология нафақат бозор тизимида, барча амалдаги қонунларга ҳам мутлоқо зид эканлигини ёдда тутмоқ лозим бўлур эди.

И.А.Каримов иқтисодиётни эркинлаштиришга асосий тўсиқлардан бири – бу бюрократик аппарат эканлигини таъкидлаб кўрсатган эдилар. Ушбу бюрократик аппарат бизга ўтмишдан мерос бўлиб ўтган. Мамлакатимизни жадал ривожлантириш учун бюрократик аппаратни демократия асосларини пухта эгаллаган, бозор муносабатлари моҳиятини ва қонуниятларини англаб етган, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, маъсулиятли ва компетентли (ўз ишининг устаси бўлган) мутахасислар учун кенг йўл очадиган янги тизим билан алмаштириш лозим. Бундай тизим янгича ишлайдиган раҳбарлар корпусини шаклланишига олиб келган бўлур.

Бюрократик аппаратга қарши курашда давлат хизматчиси ҳуқуқий мақомини белгилаб қўйиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Махсус қонунда давлат хизматчилари турлари, ваколатлари доираси, вазифалари, ваколатларини амалга ошириш шакллари ва усуллари, жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилиши ва уларни ижросини қатъий таъминлаш давлат бошқарув тизимида бюрократик аппаратни вужудга келишини олдини олиш мумкин бўлган юридик кафолат бўлиши мумкин.

2.4.§ Бозор муносабатларини ҳуқуқий таъминлашда хусусий ҳуқуқнинг ўрни ва аҳамияти

Ўтган XX аср ўз моҳияти ва мазмунига кўра ғоят шиддатли, зиддиятли турли ижтимоий воқеаларга ва ўзгаришларга ниҳоятда бой бўлди. Улардан бири – икки ижтимоий тузумнинг бир-бирига қарши турганлиги, бир-бири билан мусобақаси ҳисобланади. Бозор тизимига, хусусий мулкка асосланган капиталистик тузум ва ижтимоий мулкчиликка, режали иқтисодиётга асосланган социалистик тузум бу мусобақа иштирокчилари эдилар. Социалистик лагерь етакчиси бўлган Совет Иттифоқи иқтисодиётидаги ўтган асрнинг 80-йилларида яққол намоён бўлган таназзул СССР нинг парчаланиши билан яқунланди ва унинг замирида пайдо бўлган барча давлатлар яқдиллик билан ўз иқтисодиётини бозор тизими асосида шакллантириш мақсадини қўйдилар. Бироқ бозор тизимига ўтиш йўллари ва бозор моделлари турлича, шу сабабли ҳам уларнинг ҳар бирининг иқтисодий-ҳуқуқий ривожини ўзига хос бўлди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам ўзига хос ва ўзига мос йўлни танлаб олди. Маълумки ҳуқуқ ғоят таъсирчан ва қудратли куч ҳисобланади. Давлат ўзининг ҳар қандай сиёсатини амалга оширишда ундан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Бозор иқтисодиёти ҳуқуқий негизини яратиш иқтисодий ислохотлар муваффақиятини таъминловчи асосий омил бўлиб ҳисобланади. Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек, “фақат мустаҳкам ҳуқуқий негизлар мавжуд бўлгандагина қатъий ишонч билан эски, ўз умрини яшаб бўлган тизимни қайта қуриб, маданий бозор иқтисодиётини янги жамият қуриш мумкин”¹.

Эски ҳуқуқий тизим тоталитар тузум манфаатларига хизмат қилар эди, мафкуравий ақидаларга, қатъий марказлаштирилган ҳўжалик юритишга асосланар эди. Бошқа жиҳатдан олганда, эски қонунлар умумиттифоқ нормаларига таянар эди., республикамизни ўзига хос хусусиятларини эътиборга олмас эди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларини ҳуқуқий таъминлашда хусусий ҳуқуқий тизим ўзига хос бунёдкор куч сифатида майдонга чиқди. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, хусусий ҳуқуқнинг ўзи ҳам Ўзбекистонда бозор тизими, давлат

¹ И. Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. Ўзбекистон. 1995й. 27-б.

мустақиллиги билан бирга вужудга келди ва шаклланди, ривожланди. Гап шундаки, Ўзбекистонда совет давридан олдин амал қилган мусулмон ҳуқуқида ҳуқуқ тизими оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлинмаган. Социалистик ҳуқуқ эса ҳеч қандай хусусий ҳуқуқни тан олмайди. Тўғри, Ўзбекистонда совет даврида гражданлик қонунчилиги мавжуд эди. Бироқ ўша даврдаги гражданлик ҳуқуқини хусусий ҳуқуқ сифатидан тан олиш тўғри бўлмаган бўлур эди.

Хусусий ҳуқуқ кенг маънода олганда фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқни камраб олади¹. Худди шу сабабли ҳам мамлакатимизда хусусий ҳуқуқ доктринаси мавжудлиги, унинг асосий жиҳатлари нималардан иборат деган савол туғилади. Хусусий ҳуқуқ ҳар қандай ҳуқуқ тартиботида энг аввало мол-мулкнинг тегишлилиги ёхуд ундан фойдаланиш бўйича турли муносабатларни тартибга солади. Бу муносабатларда тарафларнинг тенглиги, эрк мухторияти, мулкий мустақиллик белгилари тарафларда бўлар экан, у хусусий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Проф. Е. Сухановнинг фикрича, бундан ташқари хусусий ҳуқуқ:

- мулк даҳлсизлиги;
- шартномалар эркинлиги;
- хусусий ишларга ҳеч кимнинг ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўйилмаслиги;
- ўз ҳуқуқларини ҳеч қандай тўсқинликларсиз амалга ошириши, уларни ҳар қандай бузилишлардан, шу жумладан, оммавий ҳокимият (давлат) томонидан бузилишлардан суд орқали ҳимоя қилиш тамойилларига асосланади.

Юқоридаги тамойилларни мамлакатимиз ҳуқуқий майдонида чеклашга фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Бундай истисно ҳоллари давлат мустақиллиги ва конституциявий тузумни, давлат ҳавфсизлиги ва мудофааси, аҳлоқ ва ҳуқуқ-тартибот асослари, кишилар ҳаёти, соғлиғи ва бошқа қонуний манфаатлари нуқътаи назаридан белгиланиши мумкин. Бундан кўриниб турибдики, хусусий ҳуқуқий тамойилларнинг амал қилишининг мумкин бўлган ёки зарур бўлган чекловлари умумий қоидадан истисно бўлиб, умумий қоида бўла олмайди.

Хусусий ҳуқуқ доктринаси мамлакатимизда бирданига вужудга келиб, дарҳол иқтисодий-ҳуқуқий ислоҳотларнинг кудратли

¹ Қаранг. Гражданское право. Проф. Е. Суханов таҳрири остида. М. Бек. 1998й. 4-5 бетлар.

воситаси сифатида ишга тушиб кетгани йўқ. Бу ўринда икки томонлама таъсирни (мамлакатда вужудга келган шарт шароитларни хусусий ҳуқуқни шаклланишига таъсири ва бундан кейингина хусусий ҳуқуқни иқтисодий ислоҳотларга таъсири) мавжудлигини эътироф этмоқ лозим. Мамлакатимизда хусусий ҳуқуқ шаклланиши учун фуқаролик қонунларини мафкуравий ақидалардан тозалаш, бозор тизимига мос келувчи институтларни унга киритиш лозим эди. Бинобарин, биринчи галда ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг янги методологиясини ишлаб чиқиш талаб этилди. Хусусий ҳуқуқни вужудга келиши оммавий ҳуқуқни у билан нисбатини белгилашни тақозо этади. Аслини олганда тоталитар тузумда ёппасига давлатлаштириш мавжуд эди. Бу айниқса иқтисодий тизимда яққол кўринар эди. Демак, иқтисодиётни тартибга солувчи нормалар ҳам кўпроқ оммавий-ҳуқуқий рух касб этар эди деб айтиш мумкин (агар совет ҳуқуқини оммавий ҳуқуқ билан айнийлаштириш хато бўлмаса).

Хусусий ҳуқуққа зарурат мавжудлиги эътироф этиш ва уни асосий жиҳатларини аниқлаб олиш, унинг доктринасини ишлаб чиқиш талаб этилар эди. Гарчи собиқ Иттифоқни охириги даврларида проф. С. Алексеев илмий жамоатчилик орасида хусусий ҳуқуқ муаммолари тўғрисида гапириб юрган бўлса ҳам, Ўзбекистонда бундай муаммо олимлар томонидан қатъий ўртага қўйилмаган эди. Ўзбекистонда хусусий ҳуқуқ ибораси мавжуд объектив реаллик сифатида илк бора Президентимиз И. Каримов томонидан кўрсатилган. Бозор тизимини шакллантиришнинг илк даврларида, яъни 1993 йилда юртбошимиз ўзининг “Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли” номли асарида бозорнинг муайян тизимга солиниши уни шу тариқа ҳуқуқий таъминлашнинг энг муҳим шарти эканлиги, қабул қиланадиган қонунлар ва қонунчиликка оид ҳужжатлар ўзаро боғланган бўлиши ва ижтимоий йўналтирилган яхлит бозор механизмининг ҳуқуқий тизимини жадаллик билан яратишга кўмаклашиши кераклиги таъкидланади. “Ушбу вазифаларни бажаришда товар-бозор муносабатларининг юридик асоси алоҳида олинган иқтисодий қонунлар ёки уларнинг йиғиндиси эмас, балки умуман бозор ҳуқуқи эканлигидан келиб чиқиш зарур. Бозор қонунлари тўпламининг барча таркибий қисмлари ўзаро боғланган бўлиши ҳамда хусусий ҳуқуқ нормаларига таянувчи бозор муносабатларининг бутун тизимини бирлаштиришга ва унинг ички

уйғунлигини таъминлашга хизмат қилувчи Фуқаролик Кодекси асосида қурилган бўлиши керак”¹. Албатта, Президентимиз ушбу кўрсатмалари амалий ҳаётда тўлиқ ўз ифодасини топди. Иқтисодиётни тартибга солувчи қонунлар ва қонун ости ҳужжатларини бугунги тизими ва уларни тарихий ривожига бунга яққол далилдир. Бироқ биз ҳуқуқшунос олимлар юқоридаги фикр-мулоҳазаларни амалий жиҳатдан бошқа ўзига хос назарий-методологик жиҳатлари ҳам борлигини назардан қочирдик. Гап бу ўринда ФК асосида Ўзбекистонда хусусий ҳуқуқни бир яҳлит тизим асосида шакллантириш масаласи устида бормоқда. Хусусий ҳуқуқ фақат фуқаролик ҳуқуқининг ўзидангина иборат эмас. Энг аввало у муайян таркибий қисмлардан иборат мураккаб тузилмадир. Бу ўринда бозор ҳуқуқи эслатилмаяпти. Фуқаролик ҳуқуқи билан бир қаторда бозор ислоҳотларини ҳуқуқий таъминлашда бозор ҳуқуқи (хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи) ҳам фаол иштирок этади. Хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқининг асосий қисми фуқаролик-ҳуқуқий нормалардан иборат бўлган ҳолда, бошқа қисми оммавий-ҳуқуқий нормалардан (тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, ҳисобга қўйиш, ҳисоботлар тизимини йўлга қўйиш, тадбиркорлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш ва ҳ.к.) иборат. Худди шу маънода хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи тўлиғича хусусий ҳуқуқ таркибига кира олмайди. Шу сабабли ҳам И.А. Каримов бозор ҳуқуқига ҳам хусусий ҳуқуқ билан қаторда алоҳида урғу бергани бежиз эмас. Бозор ислоҳотларини ҳуқуқий таъминлашда оммавий ҳуқуқдан мутлақо воз кечиш мумкин эмас. Бироқ иқтисодиётга давлат таъсирининг шакллари ва усуллари ўзгаради. Давлат солиқ сиёсати ва божхона тартиби, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, назорат ва контроль функцияларини амалга ошириш, иқтисодиётда стратегик мақсад ва вазифаларни белгилаш ва тегишли субъектлар фаолиятини уни амалга оширишга қаратиш, йўналтириш орқали бозор муносабатларига таъсир кўрсатади. Тўғри, муайян шароитларда давлат маъмурий-ҳуқуқий воситалардан фойдаланишни кенгайтириш мумкин (масалан, жисмоний шахслар томонидан товарларни импорт қилиш тартибини белгилашда шундай бўлди), бироқ бу умумий қоидадан истисно сифатида

¹ И. Каримов Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т. Ўзбекистон. 1993й. 70-бет.

қаралади. Бозор муносабатларини тартибга солишда оммавий ҳуқуқ хусусий ҳуқуққа нисбатан иккиламчи вазифаларни бажаради.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан бошлаб то ҳозирга қадар қатъийлик ва изчиллик билан иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислоҳотларнинг ҳар бир босқичи муайян вазифаларни амалга ошириш орқали иқтисодиётда сифат ўзгаришларини вужудга келтириш ва халқ фаровонлигини оширишдан иборатдир. Иқтисодий ислоҳотлар ўз-ўзидан амалга ошавермайди. У ташкилий, ҳуқуқий, моддий-молиявий ва ҳатто сиёсий-маънавий жиҳатдан таъминланиши шарт. Акс ҳолда қуруқ гап бўлиб қолади. Ҳудди шу сабабли ҳам республикамызда ўтказилган ва ўтказилаётган ислоҳоларни қатъий ва пухта ўйланган тадбирлар комплекси сифатида қараш мумкин.

Иқтисодий ислоҳотларни хусусий-ҳуқуқий таъминлашда қуйидаги ҳолатларни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли бўлур эди.:

- мамлакатимизда мулкчилик муносабатларини қайта қуриш, хусусий мулкни жорий этиш ва мустаҳкамлаш, оммавий мулк ўрнини белгилаб қўйиш, мулкдорлар қатламини шакллантириш;

- эркин, мустақил ва ташаббускорлик асосида фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектлар фуқаролик-ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб қўйиш;

- тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қўлланиладиган шартномавий мажбуриятлар тизимини ва шартнома интизомини аниқ белгилаб қўйиш;

- бозор инфратузилмасини, эркин рақобатни, истеъмолчилар ҳуқуқлари устуворлигини юридик таъминлаш механизминини жорий этиш ва қатъий ишлашини таъминлаш.

Республикамызда мулкчилик муносабатларини қайта қуришда оғир ва қийин вазифалар олдимизда турган эди. Совет даврида давлат асосий мулкдор ва деярли барча корхоналарнинг эгаси эди. Давлат мулкни бошқариш самарали эмас эди, хўжасизлик, ташмачилик, талон-тарожлар авж олган эди. Кишилар асосий ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан мулкдорлик туйғусидан бегоналашган эдилар. Мана шундай шароитда биринчи галда хусусий мулк ҳуқуқи олдин умумий тарзда, Конституция қабул қилингандан кейин эса иқтисодий тизимда етакчи мулк шакли сифатида ҳуқуқий ҳолатга эга бўлди. Бозор тизимининг асосий шартларидан бири бўлган хусусий мулк мулкдорга энг яқинлиги, бевосита бошқариш, таъсир кўрсатиш имкониятларининг

мавжудлиги, доимий равишда мулкдор назоратида эканлиги, мол-мулкнинг самарасидан энг аввало мулкдор баҳраманд бўлиши каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Хусусий мулк мулкдорни хусусий манфаатларига хизмат қилади - бу хусусий мулк ҳуқуқини самарадорлигини таъминловчи мотивация (сабаблантириш, асос)дир. Хусусий мулк бўйича мулкдор энг қулай, ихчам, тез бошқариш, фойдаланиш тартибига эга. Оммавий мулкда муайян тайинланиш мақсади, режими мавжуд, бинобарин, бунда мотивация ҳам ижтимоий манфаатларга бориб тақалади. Бошқариш, мулкдор ваколатларини амалга оширишда муайян босқичлар, келишишлар, асослантиришлар процедуралари ва тартиблари мавжуд. Ушбу ҳолатда оммавий мулкни тадбиркорлик соҳасида кенг ва самарали қўлланишга имкон бермайди.

Хусусий ҳуқуқни жорий этилиши мулк ҳуқуқини фуқаролик ҳуқуқи институти миқёсидан кичик соҳа даражасига кўтарилишига сабаб бўлди. Мулк ҳуқуқи мазмуни янада бойитилди. Мулк ҳуқуқи тушунчасига мулкдор ўз ваколатларини ўз манфаатларини кўзлаб ва ўз хоҳишига кўра амалга ошириши белгилаб қўйилди. Албатта, мулкдорнинг ўз манфаатлари доираси ниҳоятда кенг ва ранг баранг. У мулкдорнинг шахсий эҳтиёжлари, оила аъзолари, яқинларига таъминот бериш ёхуд бошқа заруратлар, ҳатто ижтимоий манфаатларни қаноатлантириш билан боғлиқ бўлиши мумкин (хайрия фаолияти, нотижорат фаолиятни ташкил этиш ва ҳ.к.). Бироқ, ҳар қандай ҳолатда ҳам мулкдор ушбу манфаатларни ўз манфаатлари тариқасида қабул қилади ва шу манфаатлар мотивация сифатида намоён бўлади. Мулкдорнинг ўз хоҳиши-иродаси билан ваколатларни амалга ошириши ҳам муайян ҳуқуқий юкни ўзига олади. Мулкдорнинг хоҳиши унинг ички ирода ҳолати ва ташқи таъсирларнинг мураккаб ўзаро муносабатлари замирида шаклланади. Албатта, мулкдор хоҳишига ташқи омиллар муайян даражада таъсир кўрсатади. Бироқ, субъект бундай таъсирни тайзик сифатида эмас, англаган зарурат сифатида қабул қилмоғи лозим. Мулк ҳуқуқи тушунчаси таркибидаги ушбу янги элементларда амалиёт учун, қонунларни ривожлантириш учун жуда катта потенциал мазмун яширинган.

Мулк ҳуқуқи мазмунига киритилган янгиликлар фақат шу билангина чекланмайди. Қонунда мулкдор ўзининг мулк ҳуқуқини ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилишга ҳақли эканлиги ҳам белгилаб қўйилди (мулкдор

ваколатларининг бири сифатида). Бу мулкдор ваколатларини янада кенгайтиришни англатади. Мулкдор ўз ҳуқуқларига риоя қилишни ҳар қандай шахсдан талаб қила олади. Кишилар, жамият ва давлат мулкдор ҳуқуқларига риоя қилишлари лозим. Мулкдор ҳуқуқлари бузилган тақдирда мулкдор ушбу қонунбузарликларни бартараф этишни ҳуқуқ бузардан талаб этишга ёки бевосита давлатга ҳимоя сўраб мурожаат қилишга ҳақли. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича мулкдор ваколатлари доираси фақат бу билан чекланмайди. Мулкдор ФК нинг 13-моддасида белгиланган асосларга кўра ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилишга ҳам ҳақли. Бинобарин, мулкдорнинг янги ваколоти мулкдор ваколатларини реал амалга оширилишини таъминловчи ўзига хос юридик кафолат сифатида қаралиши мумкин.

Мулк ҳуқуқининг мазмуни нафақат мулкдор ваколатлари мазмуни бойитилиши билан, балки мулкдорни мол-мулкни сақлаш мажбуриятини белгилаб қўйиш орқали ҳам ривожлантирилди. Мулкдор ўз мол-мулкни тегишли даражада сақлаши, бу борада муайян саъи-ҳаракатларни ва харажатларни қилиши лозим. Албатта, бундай мажбурият барча мол-мулкларга эмас, балки муйян мол-мулкларга нисбатан таълуқдир. Бундай мол-мулкларга нисбатан мулкдор мажбуриятини белгиланиши ва уларни амалда таъминланишини мулкдорнинг манфаатлари, ижтимоий манфаатлар ёхуд кадр-қийматлар талаб этади.

Хусусий ҳуқуқ фани нафақат мулк ҳуқуқини назарий жиҳатдан яхшилади, балки бозор ислоҳотлари жараёни хусусий мулкни кўпайиши ва мустаҳкамланиши, тадбиркорларни хусусий мол-мулки манбалари доирасини кенгайтириш бўйича ҳам амалдаги қонунларга янги ечимлар берди.

Энг аввало мамлакатимизда ўтказилган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёнини ҳуқуқий таъминлашда оммавий ҳуқуқ нормалари билан бир қаторда хусусий ҳуқуқ нормалари ҳам фаол таъсир кўрсатади. Айниқса, ижара корхонаси, жамоа корхонаси, тендерлар ва аукционлар орқали хусусийлаштириш масалаларида бу яққол намоён бўлди. Айнан хусусийлаштириш орқали мамлакатимизда тадбиркорлар мулкдорларга айланиши учун негиз яратилди.

Республикамизда бозор ислоҳотларини амалга оширишда ички моддий-техника ва молиявий ресурслар чеклангани, ишлаб чиқариш воситаларини анча қисми моддий ва маънавий эскирган

қийинчиликлар туғдирди. Ҳудди шу сабабли ҳам чет сармояларига зарурат мавжуд бўлиб, хорижий инвестицияларни мамлакатимизга оқиб келишига юридик шарт-шароитлар вужудга келтириш талаб қилинди.

Хорижий инвестициялар нафақат пул маблағлари, балки ишлаб чиқариш воситалари, янги илғор технологиялар, интеллектуал мулк объектлари шаклида иқтисодиётимизга кириб келиш учун юридик асослар белгилаб қўйилди. Бунда хусусий ҳуқуқнинг таркибий қисми бўлган халқаро хусусий ҳуқуқ фани тегишли қонунларни яратишда назарий-методологик база вазифасини ўтади.

Бозор ислоҳотлари мулкый асосларни мустаҳкамлашда, қарз-кредит, лизинг муносабатларини ривожлантириш, тегишли инфратузилмаларни яратишда ҳам хусусий ҳуқуқ етакчи роль ўйнади.

Бозор тизими шартномавий муносабатларни моҳияти ва мазмунини тубдан ўзгартириб юборди. Режа шартномани тузиш учун мажбурий асос сифатидаги аҳамиятини йўқотди. Шартномалар эркинлиги тўлақонли равишда қонунлар мазмунига сингдирилди. Иқтисодиётда кенг қўлланиладиган маҳсулот етказиб бериш, контрактация шартномалари бозор шароитларига мослаштирилди. ФК да илгари ҳуқуқ тизимида мавжуд бўлмаган рента, франшезинг, факторинг, лизинг, корхона олди-сотдиси каби янги шартномалар ўз ифодасини топди. Шартномавий мажбуриятлар ижросини ва шартнома интизомини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хўжалик шартномалари бўйича алоҳида махсус қонун қабул қилинди. Бундай қонун бошқа МДҲ мамлакатлари ҳуқуқ тизимида мавжуд эмас. Хўжалик шартномалари ижросини таъминлашга доир белгиланган нормалар шартномавий муносабатлар амалиётида кутилган натижаларни берди. Шартнома интизومي мустаҳкамланиши иқтисодий ислоҳотларни самарадорлигини таъминлади. Биржа битимлари ва улгуржи савдони ташкил этишда қўлланиладиган бошқа шартномалар, қурилиш пудратчи шартномалари, қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган турли шартномалар, илмий тадқиқот ишлари шартномалари бозор ислоҳотларининг муайян босқичларида янгича мазмун касб этди ва бойитилди. Мамлакатимизда ички хўжалик шартномалари қишлоқ хўжалигида оила пудрати, бригада пудрати орқали ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ўзига хос ҳуқуқий шакли сифатида кенг қўлланилди ва

муайян даврларда иқтисодиётни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшди. Ички хўжалик шартномалари назарияси шартнома ҳуқуқини янада бойитди. Ушбу шартнома фақат Ўзбекистондагина ҳуқуқ тизимида қўлланилади ва ўзига хос, оригинал шартнома бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда ўтиш даври иқтисодиётини бир маромда ишлашини таъминлаш учун шартномавий мажбуриятлар ижросини таъминлаш соҳасида муайян ижобий тажриба тўпланди. Бу энг аввало хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида кредиторлик-дебиторлик қарзларини юқори даражасини пасайтириш, тўлов интизомини мустаҳкамлашнинг хусусий ҳуқуқий воситалари (шартнома тузишнинг муҳим шарти сифатида олдиндан ҳақ тўлаш белгилаб қўйилганлиги, сотувчи харидорни тўловга лаёқатлиги тўғрисида маълумотларни талаб қилиш ҳуқуқи) ишлаб чиқилганлигида намоён бўлади.

Иқтисодиётнинг муҳим соҳаларида тузиладиган шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни ижросини таъминлаш учун мониторинг юритиш тартиби жорий этилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларини шартнома интизоми учун жавобгарлигининг юридик шакллари ва уларни вужудга келиш асосларини қонунларда аниқ белгилаб қўйилганлиги ва ушбу нормаларни бажарилиши устидан қатъий назорат ўтказилганлиги ҳам ўзининг ижобий самарасини берди.

Юқоридаги ҳуқуқий чоралар иқтисодиётни бир тизимдан иккинчи тизимга ўтувчи мамлакатларда шартнома интизомини мустаҳкамлаш, ўтиш даври қийинчиликларини камайтириш соҳасида қўллаш учун муҳим амалий аҳамиятга эга бўлади деб айтиш мумкин.

Хусусий ҳуқуқ бозор муносабатларининг фаол иштирокчилари бўлган турли тижоратчи субъектлар мақомини белгилаб беришда ҳам асосий роль ўйнади. Бунда илк мартаба яқка тадбиркор ҳуқуқий ҳолати, тижоратчи ва нотижорат юридик шахслар мақоми бўйича назарий таълимотлар ишлаб чиқилди. Эски даврдаги колхоз, савхоз, давлат корхоналари ўрнига мутлақо бозор шароитларига мослашган янги субъектлар - хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, ишлаб чиқариш кооперативлари, унитар корхоналар, хусусий корхоналар ташкил этилиши ва фаолият юритишининг ҳуқуқий асослари қабул қилинди.

Тадбиркорлар ўзларининг мулкый имкониятлари, мақсадлари, фаолият юритиш соҳалари, бошқа шериклари билан муносабатларни ташкил этиш шаклларига қараб ўзлари учун мақбул корхоналар турини танлаб олишлари мумкин бўлди. Мавжуд тижоратчи юридик шахсларнинг турлари тадбиркорларга саъи-ҳаракатларни ва капиталларни бирлаштиришни энг мақбул ва қулай усулларини танлаш имкониятини беради. Бугунги кунда йирик лойиҳалар ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда акциядорлик жамиятлари кичик ва ўрта бизнесда хусусий корхоналар самарали фаолият юритмоқда.

Тадбиркорликнинг турли шакллари аҳолини кенг қатламини тадбиркорлик билан шуғулланишга, бўш ётган маблағларни муомилага киритишга имкон бермоқда. Турли хўжалик жамиятлари ва ширкатларида иштирокчи, муасис, мулкдор бўлган кишилар корпоратив бошқарув субъектлари ҳисобланадилар. Корпоратив бошқарув орқали улар корхоналарни бошқаришда иштирок этадилар, ўзлари иштирокчи бўлган тижоратчи ташкилотлар фаолиятини мақсадга мувофиқ йўналтириш имконига эгадирлар. Хусусий ҳуқуқ фани корпоратив бошқаришнинг турли моделларини ўрганиш асосида республикамиз учун энг мақбул ечимларни ишлаб чиқаётганлигини ҳам қайд этиб ўтмоқ ўринли бўлур эди.

Бозор муносабатлари шароитида турли субъектлар (товар ишлаб чиқарувчи, иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи, сотувчи, истеъмолчи) бир-бирларидан мулкый мустақил, юридик тенг, ўз фаолиятини амалга оширишда эркин ҳисобланадилар, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосан шартномалар орқали тартибга солинади. Бундан кўриниб турибдики бозор муносабатлари ўз мазмуни ва моҳиятига кўра фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Бундай муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизми фақат хусусий ҳуқуқий воситалар орқали таъминланиши мумкин.

Бозор ислохотлари субъектлар ҳуқуқий мақомини белгилашда уларга иложи борица эркинлик, мустақиллик ва ташаббускорлик бериш талаб этилади. Бозорга ўтишнинг илк босқичларида бу мураккаб вазифа бўлиб ҳисобланар эди. Совет даврида давлат корхоналари фаолияти нафақат ҳуқуқий, балки маъмурий кўрсатмалар, режалар, директивалар билан қатъий тартибга солинар эди. Корхоналарда на эркинлик, на мустақиллик мавжуд

бўлмай, ташаббус кўрсатиш мақсадга номувофиқ ҳисобланган. Итоаткорлик, боқимандалик кайфияти ҳукмрон бўлган. Хусусий ҳуқуқ воситасида бозор ислоҳотлари ушбу стереотипларни синдириб ташлаб, янгича муносабатларни қарор топтириш лозим эди. Тадбиркорлик субъектлари айрим турлари ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи қонунларда бунга ҳуқуқий асослар белгилаб қўйилди. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солувчи қонунлар асосан диспозитив нормалар асосида шаклланади. Бунда улар ўзлари учун мақбул ҳатти-ҳаракат қоидаларини ўзлари белгилайдилар. Императив нормалар хусусий ҳуқуқда жуда кам қўлланилади. Диспозитивлик ва ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда ноҳуқуқий манбалардан кенг фойдаланиш бозор ислоҳотларини ҳуқуқий таъминлашда, бозор ҳуқуқ тартиботини белгилашда етакчи омил бўлганлигини қайд этиш лозим.

Республикада бозор ислоҳотларини ҳуқуқий таъминлашда хусусий ҳуқуқ нормаларини изчиллик билан тизимлаштириш ишлари олиб борилганлиги ижобий аҳамиятга эга бўлди. Энг аввало ФК янгидан қабул қилинди. Академик Ҳ. Раҳмонкулов раҳбарлиги остидаги ишчи гуруҳи бу борада жуда улкан ишларни амалга оширди. Президентимиз ҳақли равишда “Фуқаролик Кодекси - бозор Конституцияси” деб баҳо бердилар. ФК да мамлакатимизда бозор инфратузилмасини барқарор ва узлуксиз ишлаши учун барча ҳуқуқий воситалар ўз ифодасини топган.

Маълумки ФК у қанчалик мукамал бўлмасин иқтисодиётни нормал фаолият юритишидаги барча муносабатларни яқка ўзи тартибга сола олмайди. Ҳудди шу сабабли ҳам бу борада юзлаб жорий қонунлар, минглаб қонун ости ҳужжатлари ҳам амал қилади. Бироқ, улар билан ФК ўртасида ички уйғунлик мавжуд бўлиши лозим. Хусусий ҳуқуқ принциплари худди шу уйғунликни таъминлашга хизмат қилади.

Тарихан қисқа муддат бўлган 15 йил ичида Ўзбекистонда маъмурий режага асосланган иқтисодиёт ўрнига бозор тизими ўрнатилди. Бозор ислоҳотлари умумиқтисодиёт миқёсида ҳам, унинг айрим соҳаларида (хусусан, қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, қурилиш, савдо ва ҳ.к.) ҳам узлуксиз равишда шиддат билан олиб борилди. Қонунлар ҳар қандай ислоҳотларда унинг йўналтиришини таъминловчи бунёдкор куч сифатида майдонга чиқди. Хусусий ҳуқуқ йўналтирувчи куч сифатида ислоҳотларни барча иштирокчиларига баб-баравар таъсир кўрсатди, ислоҳотларда

кутилган натижага эришишга йўллади. Агар хусусий ҳуқуқ нормалари бўлмаганда оммавий ҳуқуқ орқали ёхуд фақат ташкилий тадбирлар билан маданий-маърифий бозорни қуриш мумкин эмас эди.

Академик Ҳ. Раҳмонқулов таъкидлаганидек, “Ижтимоий ҳаёт ва давлат қурилишда юз берган ўзгаришлар авваламбор ҳуқуқ соҳаси сифатида хусусий ҳуқуқ тизимида асосий ўринни эгалловчи фуқаролик ҳуқуқининг нормаларига ва институтларга жиддий таъсир кўрсатди. Хусусий мулк ҳуқуқининг конституциявий тартибда тан олиниши, унинг амалиётда ривожланиши ва унинг асосида бозор муносабатларининг шаклланиши фуқаролик ҳуқуқи институтлари ва нормалари моҳияти ва мазмун ҳозирги замон талаблари нуқтаи назаридан баҳо бериш ва қайта кўриб чиқишга сабаб бўлди.”¹. Бошқача айтганда бозор тизимида ўтиш зарурати хусусий ҳуқуқни шаклланишига сабаб бўлди ва ўз навбатида хусусий ҳуқуқ бозор ислоҳотларини ҳуқуқий таъминлашда асос, негиз бўлиб хизмат қилди.

Мамлакатимиз олға қараб ривожланишида давом этар экан иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб боради. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда. Бу борада ҳам жуда кўп ечилмаган муаммолар бор. Яъни, эски маъмурий-тақсимот тизими қолипларидан воз кечиш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини янада чеклаш, эркин тадбиркорлик фаолияти учун амалий кафолатларни таъминлаш, иқтисодиёт ва бизнесни барқарор ривожлантириш, тўлақонли бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги ғов тўсиқларни бартараф этишимиз зарур”².

Ушбу вазифаларни амалга оширишда хусусий ҳуқуқнинг роли беқиёсдир. Давлат иқтисодиётга аралашувини чеклаб борар экан, оммавий ҳуқуқий воситалар ҳам чекланиб боради, унинг ўрнига хусусий ҳуқуқий воситаларни қўллаш кенгайиб боради. Бинобарин

¹ Ҳ.Р. Раҳмонқулов Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. Т. 2003й. 6-б.

² И.А. Каримов Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ қилиш//Халқ сўзи, 29 январь 2005 йил.

хусусий ҳуқуқ фанлари мутахассислари бу борада улкан маъсулиятни ҳис қилмоқлари ва олдинда турган вазифаларга тайёр турмоқлари лозим.

2.5.§ Тадбиркорларнинг фуқаролик жамиятида фаоллигини оширишнинг ҳуқуқий муаммолари

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда тадбиркорларнинг ўрни беқиёс. Бугунги кунда тадбиркорлар мамлакатимиз аҳолисининг энг нуфузли ва катта қатламини ташкил этади. Тадбиркорлар жамиятимизнинг энг фаол қисми ҳисобланади. Бу албатта тушунарли. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасида тадбиркорлик фаолиятига берилган таърифдаги ушбу фаолиятнинг қуйидаги белгилари бунинг яққол исботидир:

А) тадбиркорлик – бу ташаббус кўрсатиб ишлаш демакдир. Тадбиркорлик – бу доимий равишда изланиш, ўйланиш, ўз фаолиятини мустақил ва эркин равишда ташкил этиш демакдир. Ташаббускорлик туйғуси тадбиркорни доимо олға ундашга даъват қилади, ушбу туйғу боқимандалик, фақат кўрсатма ва буйруқлар асосида иш кўриш, лоқайдлик, бепарволик каби хусусиятлар билан зиддир;

Б) тадбиркорлик – бу муайян маънода таваккал қилишни англатади. Бироқ бу кўр-кўрона таваккалчилик эмас, оқилона, пухта ўйланган таваккалчиликдир. Одатда, ланж, лоқайд кишилар асло таваккал қила олмайди. Фақат юрагида ўти бор, шижоаткор кишиларгина таваккал қилади;

В) тадбиркорлик – бу ўз фаолияти натижалари учун мустақил мулкӣ жавобгарликни англатади. Бу эса тадбиркорлардан ўзига хос маъсулият талаб этади. Тадбиркор ўз ҳатти-ҳаракатлари оқибатини энг аввало ўзи, ўз тақдирида, ўз турмушида кўради. Яхши бўлса-унга бойлик, даромад, фаровонлик келтиради, салбий оқибат бўлса-қашшоқлик, банкротликка сабаб бўлади. Шу сабабли ҳам тадбиркорда бурч ва масъулият туйғуси ўта юқори бўлади.

Қонунларда тадбиркорликнинг тадбиркорлик фаолиятини самарали амалга ошириш бўйича ҳуқуқий тизим ва кафолатлар белгилаб қўйилган. Тадбиркорлик субъектларининг барча ташкилий-ҳуқуқий шакллари – масъулияти чекланган жамиятдан тортиб акциядорлик жамиятларигача, фермер хўжалигидан тортиб то хусусий корхоналаргача ўзларининг қонунларига эга. Бинобарин тадбиркорни тадбиркор сифатидаги ҳуқуқий мақоми атрофлича ва батафсил ҳуқуқий тартибга солинган. Бироқ тадбиркор нафақат иқтисодиёт тизимида, балки сиёсий тизимда, фуқаролик жамиятида

ҳам ўз ўрнига эга субъект эканлигини унутмаслигимиз лозим. Бироқ сўнги вақтларгача тадбиркорлар сиёсий тизимда ва фуқаролик жамиятида етарли даражада фаоллик кўрсатмаганлигини қайд этмоқ лозим. Бунинг бир неча сабаблари мавжуд. **Биринчидан**, тадбиркорлар сиёсий тизим субъекти, фуқаролик жамияти иштирокчиси сифатида фаол ҳаракат қилиши учун у ижтимоий қатлам, табақа сифатида шаклланиши, уюшиши лозим эди. Маълумки, бу жараён бирданига ва тез рўй бермайди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин ўтган нисбатан қисқа давр мобайнида тадбиркорларнинг синф ва қатлам сифатида шаклланиши жараёни рўй берди. **Иккинчидан**, тадбиркорлар фаолиятининг диққат марказида шу давргача асосан ўзининг тадбиркорлик фаолияти турганлигини ҳам қайд этмоқ лозим. Гарчи мамлакатимизда Президент раҳбарлиги остидаги марказий ҳокимият тадбиркорларга хайрихоҳ, уларга иттифоқдош бўлса ҳам, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қонунларда мужассамлаштирган бўлса ҳам, барибир улар катта қийинчилик ва зўр машаққатлар билан ўзларига йўл очмоқдалар. Тадбиркорларга нисбатан тўсқинликларнинг негизида маҳаллий бюрократик тўралар, коррупция туриши ва уларни енгиб ўтиш осон эмаслигини ҳам эътироф этмоқ лозим. Шунингдек, тадбиркорларда ишбилармонлик, бозор конъюнктурасини, маркетинг асосларини тушуниб етиш касб-кор маҳоратини шаклланиши ҳам осон кечмаётганлигини қайд этиш лозим. Тадбиркорлик маҳорати ўсган сайин унинг профессионал даражаси ҳам ўсиб боради. Агар мамлакатимиз иқтисодиёти ривожининг дастлабки босқичида тадбиркорлик касб-кор маҳорати ижарачи, мокки савдогарчиликда намоён бўлган бўлса ҳозирги вақтда замонавий тадбиркордан биржа савдосида ўзини эркин тутиш, компьютерлар орқали электрон битимлар тузиш ва ижро этишни пухта эгаллаган, ишлаб чиқаришнинг юқори ташкилотчиси бўлиши талаб этилади. Шу маънода олганда тадбиркорларни ўз фаолияти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга ўралашиб қолиши ҳам уларни фуқаролик жамиятининг иштирокчиси сифатидаги хусусиятларини кенг намоён бўлишига тўсқинлик қилмоқда, деб айтиш мумкин. Ва ниҳоят, тадбиркорлик субъектларини сиёсий тизимдаги иштирокини фаоллашувига тўсқинлик қилаётган яна бир андиша тўғрисида ҳам тўхтаб ўтиши лозим. Гап шундаки, бугунги кунда мамлакатимизда сиёсий ҳокимият ва иқтисодий тизимнинг ўзига

хос нисбий мустақиллиги, мафкуравий муносабатларни иқтисодий муносабатлардан ажратилганлиги тамойиллари амал қилинмоқда. баъзи МДХ мамлакатлари, хусусан Россияда иқтисодиётда жуда катта мол-мулк ва бойликни ўз қўлига олган бир неча шахсларни сиёсий ҳокимиятга аралашуви, сиёсий партиялар тузиши, давлат лавозимларини эгаллаши 90-йиллар ўрталаридан бошланди ва ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Ушбу ҳолат сиёсий ҳаётда олигархия сифатида баҳоланди. Эҳтимол, ушбу вазият мамлакатимиздаги айрим тадбиркорларни сиёсий ҳокимиятга аралашувидан ўзини тийиб турувчи андиша бўлган бўлиши мумкин. Хўш, давлат ва жамоат арбобларида ҳам бундай ўзига хос хавотир ва андиша учун асос борми? Фикримизча бундай асос мавжуд эмас. Энг аввало, шуни таъкидлаш лозимки, давлат ҳокимиятининг олий раҳбарияти тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас. Мабодо тадбиркор муайян сиёсий партия ёки жамоат бирлашмаси орқали ўз хусусий манфаатларини амалга оширмоқчи бўлса, ушбу ҳолатда ҳам бунинг олдини олувчи ҳуқуқий воситалар мавжуд. Энг асосийси, сиёсий тизимда ва фуқаролик жамиятида жамоат назорати куртаклари шаклланимоқда, оммавий ахборот воситаларида сўз ва матбуот эркинлиги кафолатлари белгилаб қўйилган. Демак, қандайдир тадбиркор ёки тадбиркорлик гуруҳи ўз мавқеини суистеъмол қилса уларни ўз жойига қўйиб қўйиш учун барча зарур юридик воситалар мавжуд.

Шу сабабли ҳам тадбиркорларнинг сиёсий фаоллигининг ўсиши улар томонидан сиёсий ҳокимиятни эгаллаб олигархларга айланиш реал хавфи мамлакатимизда мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар Палатаси тадбиркорларни илк оммавий уюшмаси сифатида намоён бўлган эди. Ушбу палата тўғрисида махсус қонун қабул қилинди, у ҳатто муайян ўзига хос ҳуқуқларга ва ҳокимият ваколатларига эга бўлди. Бироқ у кутилгандай тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи жонкуяр муассасага айланмади. Аслида у бир оз «давлатлашган» бюрократик органга айланди. Бугунги кунда ушбу палата жиддий ислоҳ қилиниши лозим. Энг аввало тадбиркорлар, мулкдорлар қатлами ягона таркибли эмаслигини унутмаслигимиз лозим. Улар ўртасида ҳам ўзига хос табақаланиш, ихтисослашув мавжуд. Кичик бизнес, ўрта бизнес, фермер хўжаликлари ва шу кабилар ўз хусусиятларидан келиб чиқиб мустақил фаолият юритишга

интилмоқдалар. Эҳтимол тадбиркорлик субъектлари ўзлари хоҳлагандай (тармоқ ихтисоси, ҳудудий белгилар асосидагина эмас) уюшмалар, ассоциациялар, ташкилотлар тузиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Тадбиркорларнинг бундай уюшмалари нодавлат нотижорат уюшмалар каби фаолият юритиб тегишли ҳокимият идораларида, бошқа муассасаларда тадбиркорлар манфаатларини ифодалашини, улар номидан вакиллик қилиш лозим. Тадбиркорларни деярли барчаси иш берувчи ҳисобланади. Эҳтимол хусусий иш берувчилар уюшмаси, ассоциацияси тузиш ва уларни касаба уюшмалари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш лозимдир. Ҳозирга қадар ҳаётда хусусий иш берувчилар овози деярли эшитилмайди.

Тадбиркорларнинг турли уюшмалари фуқаролик жамиятида фаол ҳаракат қилиши ушбу жамиятни жонлантириб юборган бўлур эди. Энг асосийси, ушбу соҳада ҳозирда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси эгаллагандай монопол мавқе ҳеч кимда бўлмаслиги лозим. Тадбиркорлик уюшмаларини давлатлашувидан ҳам ўта эҳтиёт бўлиш лозим, акс ҳолда улар тадбиркорлик ўртасида ҳуқуқ ва имтиёزلарни тарқатувчи, аниқроғи тақсимловчи органга айланиб қолишлари ҳеч гап эмас.

Тадбиркорлик субъектлари уюшмаларининг ўта муҳим, сиёсий тизим ва фуқаролик жамиятидаги энг фаол тузилмаси – бу сиёсий партия ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектлари сиёсий партия ташкил этиши бу уларни ижтимоий қатлам, синф сифатида шаклланиш самараси ҳисобланади. Тадбиркорлар, мулкдорлар синфи сифатида шаклландан кейин уларга бошқа қатламлар сиёсий тузилмаларига эргашиш, қўшилишидан кўра мустақил сиёсий партиясига, ўз партиясига эга бўлиш ўзига хос анланган заруратга айланади. Зеро тадбиркорлар фақат ўз сиёсий партиясига орқали:

қонун чиқариш, маҳаллий вакиллик идораларида тарафдорлари, вакиллари бўлишига;

қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда ўз манфаатлари мужассамланишга;

партия нашрлари, қонун чиқариш органларидаги ўз депутатлари орқали ўз мақсад ва истакларини, ғояларини, дастурларини ташвиқ ва тарғиб қилиш;

маҳаллий давлат ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятда иштирок этишга юридик жиҳатдан ҳақли бўладилар.

Тадбиркорлар ўз сиёсий партиялари хорижий давлатлардаги худди шундай жамоат бирлашмалари билан алоқа ўрнатиш, тажриба алмашиш имкониятига эга бўладилар.

Айни вақтда ушбу сиёсий партия мамлакат ички муҳотида кескин рақобатга дуч келади. Турли сиёсий партиялар ғоялари, мафкуралари тўқнашган шарт-шароитларда улар ҳам аҳолини, сайловчиларни, халқнинг турли қатламлари ўй-фикрлари, орзу-истакларидан хабардор бўлади ва шунга мувофиқ равишда ўз дастурлари, ғояларига тегишли ўзгартиришлар киритади.

Тадбиркорлик – бу бойлик демакдир. Бойлик эса нафақат ҳашаматли ҳаёт, балки турли қулайликларни вужудга келтириш воситаси ҳамдир. Баъзи ҳолларда бойлик унинг соҳибиди ўзига хос куч-қудратга эгаллик тўғрисида сохта тасаввур вужудга келтиради. Йирик корхоналар эгаси агар ҳуқуқий онги ва сиёсий маданияти паст бўлса давлат ҳам менинг қўлимда бўлиши лозим деб ўйлайди. Ушбу вазиятда то у ўзига келгунича ёхуд тавбасига таянгунича анчагина номақбулчиликлар қилиб қўйиш мумкин. Фақат сиёсий партиягина тадбиркорларни бундай номақбулчиликлар қилишнинг олдини олувчи, уларни демократик институтларга ўргатувчи тарбия мактаби вазифасини ўтай олади.

Бинобарин, бугунги кунда тадбиркорлар, мулкдорлар синфи мамлакатимиз сиёсий тизимида, фуқаролик жамиятида ўз фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар ва ҳуқуқий асослар мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов янги тузилаётган либерал-демократик партия ташаббус гуруҳи аъзолари билан 2003 йил 7 октябрда бўлган учрашувида тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам тадбиркорлар ва ишбилармонлар зоти бутун дунёда давлатнинг таянчи ва суянчи, таъбир жоиз бўлса ҳар қандай жамиятнинг устунлиги бўлиб келмоқда деб таъкидлаб, Ўзбекистоннинг тараққиётини, унинг оғир-енгилини ўз елкасига, ўз масъулиятига олишга бугунги кунда сиёсий куч сифатида бирлашаётган, мамлакатимизда катта салоҳиятга эга бўлган тадбиркорлар ва ишбилармонлар тоифаси ҳақлидир, бу ҳаракатнинг асосий мақсади – сиёсий кучга айланиб, тадбиркорларнинг йўлини янада очиқ, уларнинг истиқболлини ҳам назарий, ҳам амалий соҳаларда исботлаб бериш, манфаатини ҳимоялаш, эртанги кунини таъминлаш, шу ижтимоий тоифа номидан Ўзбекистоннинг сиёсий сахнасига чиқиш ва ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш деб кўрсатган эди. Ушбу кўрсатмаларни

рўёбга чиқариш бозор тизими ва демократия асосларини ягона ҳуқуқий майдонда бирлашувига олиб келган бўлур эди.

2.6.§ Ижтимоий бойлик ва миллий бойлик ўртасидаги нисбат

Конституциямизнинг 55-моддасида табиат ресурсларига нисбатан умуммиллий бойлик ибораси ишлатилган. Нима учун қонун чиқарувчи табиат ресурсларига нисбатан мулк ёки мол-мулк иборасининг ўрнига умуммиллий бойлик иборасини қўллайди деган савол туғилади. Умуммиллий бойлик бу шунчаки қуруқ сўз, адабий жумла ёхуд шоирона муболаға эмас, балки жуда чуқур маънога эга бўлган юридик категория ҳисобланади. Қонун чиқарувчи муайян ва аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда умум миллий бойлик иборасини ишлатади.

Биринчидан, умуммиллий бойлик объектлари бўлиб ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралари ҳисобланади (бунда заҳира сўзини том маънода тушунмаслик керак, чунки юқоридаги объектлар тижорат муомиласида ёхуд ундан ташқарида бўлган пайтда ҳам умуммиллий бойлик хусусиятини йўқотмайди).

Иккинчидан, умуммиллий бойликдан оқилона фойдаланиш шарт. Оқилона фойдаланиш деганда тежаб-тергаб, асраб-авайлаб, имкон бўлса яна қайтадан тикланиш чораларини кўрган ҳолда фойдаланиш тушунилади. Айти вақтда фойдаланишдан кўзланган мақсадлар ҳам айрим хусусий шахслар, гуруҳлар эмас, балки барча аҳоли, халқнинг манфаатларига мос келмоғи лозим.

Умуммиллий бойликдан фойдаланишда нафақат ҳозирги авлод, балки келгуси авлодлар манфаатлари ҳам ҳар доим қатъий ҳисобга олинмоғи шарт.

Ва ниҳоят учунчидан, ушбу объектлар давлат муҳофазасида бўлиб ҳисобланади. Давлат муҳофазаси ўз ичига ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий-ҳуқуқий, экологик ҳуқуқий ва юридик чоралар тизимини қамраб олади.

Фуқаролик ҳуқуқида умуммиллий бойликдан ташқари ижтимоий бойлик тушунчаси ҳам мавжуд, ФК нинг 1066-м.да ижтимоий мулк ибораси ишлатилган. Афсуски ушбу ҳолатда ФК нинг русча ва ўзбекча матнлари асло мос эмас. Русча матнда "общественная достояние" ибораси ишлатилган, бу эса ижтимоий бойлик деб таржима қилиниши лозим эди, "ижтимоий мулк" эса ўз

моҳиятига асло мақбул ибора эмас. Мулк тушунчаси ҳар доим муайян объектни ўзлаштириш, ўзиники қилиб олиш маъносини англатади. Ижтимоий бойликдан эса ҳар ким эркин фойдаланишга ҳақли.

Ижтимоий бойлик умумий қоида бўйича мутлоқ ҳуқуқларни амал қилиш муддати тугаган ҳар қандай интеллектуал мулк объектларини (ихтиролар, муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлган асарлар, компьютер дастурлари, саноат намуналари, селекция ютуқлари ва ш.к.) қамраб олади. Бироқ ижтимоий бойликлар доираси фақат шу билангина чекланмайди. Ҳеч қайси давлат юрисдикцияси остида бўлмаган ҳудудларда бўлган моддий неъматлар (масалан, нейтрал сувлардаги денгиз жонзодлари ва ш.к.) ҳам ижтимоий бойлик ҳисобланади. Бироқ шуни ҳам унутмаслик лозимки ушбу моддий неъматлар муайян шартлар асосида бошқа субъектлар томонидан ўзлаштирилиши мумкин. Бинобарин, улар мулк ҳуқуқи таъсири доирасига тушушига нисбатан монелик мавжуд эмас. Бироқ мутлоқ ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаган интеллектуал мулк объектлари ҳеч қачон қайтадан мулк ҳуқуқи ёки мутлоқ ҳуқуқ таъсири доирасига тушмайди. (ушбу мулоҳазада бир ҳолатни унутмаслик керак: агарда интеллектуал мулк объекти муайян кишилар хотирасидан кўтарилиб кетса, унитилиб кетса, у ҳолда тижорат муомиласига ноу-хау, ошкор этилмаган ахборот тариқасида киритилиши мумкин, лекин бунда ҳам ушбу тижорат сири соҳиби мулк ҳуқуқи ёхуд мутлоқ ҳуқуққа эга бўлмайди, балки ФК нинг 1095-м.га кўра ошкор этилмаган ахборотдан ғайри қонуний фойдаланишидан химоя ҳуқуқига эга бўлади ҳолос).

Амалдаги, қонунларда умуммиллий бойлик ва ижтимоий бойлик ўртасида муайян ўзига хос фарқлар мавжудлиги уларни бир-бирлари билан чалкаштириб юборишни олдини олади деб айтиш мумкин. Бироқ ҳар иккала категория ҳам муайян ҳуқуқий режим сифатида чуқур ишлаб чиқилмаган. Бойлик ўз хусусиятига кўра ашё, мол-мулк сифатида қаралса, у ҳолда муаммо ечими осон эди. Бироқ бойлик бир вақтнинг ўзида турли кўринишларда намоён бўлиши, хатто ғоявий шаклларда ҳам бўлиши маълум. Бунинг устига ижтимоий бойликнинг муайян турлари хатто ҳеч қачон мулк ҳуқуқи ва мутлоқ ҳуқуқ таъсири доирасига тушмаслиги ҳолати ҳам қонун чиқарувчи "бойлик" иборасига ўзига хос маъно беради деб ҳисоблаш учун асос беради.

"Бойлик" сўзи замирида кенг субъектлар доирасида фойдаланишга ҳақли бўлган неъматлар ётади деб ҳисобланса хато бўлмайди. Ижтимоий бойлик бўлган асарлардга нисбатан бу яққол ўз ифодасини топди. Бироқ табиат ресурслари бўлган умуммиллий бойликка нисбатан ҳам бу фикр муайян маънода ўз исботини топади деб ҳисоблаш мумкин. Масалан, ФК нинг 189-м.да ҳамма йиғиб олиши мумкин бўлган ашёларни мулкка айлантириш асослари белгилаб қўйилган. Унга кўра қонун ҳужжатларига асосан ёввойи мевалар, ёнғоқ, замбуруғлар, резавор мевалар ҳамда ўсимлик, хайвонот дунёси ва жонсиз табиатнинг ҳамма олиши мумкин бўлган бошқа объектларини йиғиш йўли билан фуқаролар мулкига айлантириш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилиши мумкин. Ҳозирги вақтда фуқаролар яқка тадбиркор сифатида тоғлар, даштлардан доривор гиёҳлар йиғиш, овчилик, асаларичилик, чорвачилик билан касб-кор фаолиятини амалга оширишда юқоридаги қонуний имкониятларидан фойдалана оладилар. Муайян ҳолатларда эса хатто яқка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган ҳолда ҳам бундай усулдан фойдаланишга ҳақли.

Юқоридагилардан умуммиллий бойлик ва ижтимоий бойлик ўзига хос моддий ва номоддий неъматларнинг ҳуқуқий режимларини ифодаловчи ҳуқуқий категориялар ҳисобланади деб тушуниш мумкин.

Ҳар иккала ҳуқуқий режимлар бўйича махсус қонунлар қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди деб ҳисоблаймиз.

2.7.§ Тадбиркорнинг бемалол ва хотиржам ишлаши учун яратилган юримдик кафолатлар

2005 йил 5 октябрда "Тадебиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора тадебирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони чиқарилди. Ушбу фармон давлат рахбари томонидан шу йил июнь ойида чиқарилган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни мантқиқий давоми бўлди. Чунки бундай фармонни қабул қилиш тўғрисида норма Ўзбекистон Республикаси Президентини 2005 йил 14 июнда чиқарган "Тадебиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадебирлари тўғрисидаги" Фармонининг 4-5 бандларида назарда тутилган эди.

Эндиликда микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молиявий хўжалик фаолиятини ҳар 4 йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадебиркорлик субъектларини эса ҳар 3 йилда кўпи билан бир марта режа асосида молиявий хўжалик фаолиятини текширишга йўл қўйилади. Илгариги тартибга кўра эса назорат қилувчи органлар томонидан режа асосида махсус ваколатли идора қарорига кўра бир йилда бир марта текшириш мумкин эди. (Агарда тадебиркорлик субъектлари солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаган бўлсалар, тегишли қоидаларга риоя қилган бўлсалар ва йиллик аудиторлик хулосалари мавжуд бўлса, икки йилда бир марта текшириш ўтказиш мумкин эди.)

Маълумки тадебиркорлик субъектини молиявий хўжалик фаолиятини текшириш тадебиркорни ўзининг асосий фаолиятидан чалғитади. У муайян вақт давомида (текшириш бир ойгача давом этиши мумкин.) текширувчиларга ҳужжатлар тақдим этиш, саволларига жавоблар ва изоҳлар бериш, уларни қош-қовоғига қараб туришга мажбур бўлади. Тадебиркорлик ташаббус кўрсатиб, таваккалчилик билан ишлаш демакдир. Ҳар хил текширишлар энг аввало ташаббусни ва таваккалчилик туйғуларини кескин сўндиради. Худди шу сабабли ҳам режали текширишларни кескин қисқартирилиши тадебиркорлик субъектлари учун эркинликлар доирасини кенгайтиради ва қулайликлар вужудга келтиради.

Фармонда кўрсатилишича янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молиявий хўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текширишга йўл қўйилмайди. Демак улар бемалол ва хотиржам равишда ўзларининг куч ғайрат ва эътиборларини хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятларига қаратиши мумкин.

Бир неча туманларда, турли худудларда ўзининг ишлаб чиқариш бинолари, савдо ва хизмат кўрсатиш шахобчаларига эга бўлган бошқача айтганда, таркибий бўлинмалари турли худудларга сочилиб кетган хўжалик юритувчи субъектлар учун ўзига хам хос қулайликлар яратилди. Эндиликда худудий солиқ органлари томонидан бошқа туманларда рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларини ишлаб чиқиш бинолари, савдо шохобчалари қаерда жойлашганидан ва хизматлар кўрсатиладиган жойдан қатъий назар уларнинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириш такрорланишга йўл қўйилмаган холда тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган жойдаги тегишли солиқ органлари билан бир вақтда амалга оширилади. Демак бунда бу туман худудидаги ишлаб чиқариш бўлинмасига бир куни, бошқа туман худудидаги ишлаб чиқариш бўлинмасига бошқа куни текширувчилар келиб текширишлар ўтказиш холлари истисно этилади.

Тадбиркорлик субъектини нафақат текширишларни ўтказиш жараёни, балки кўпроқ текширишларни якуни ташвишга солади. Илгари текширишлар бўйича аниқланган камчиликларни тузатиш мажбурияти тадбиркорга юкланган холда яна бунинг устига камчиликларга йўл қўйгани учун тадбиркорнинг ўзига нисбатан хам молиявий жазо чоралари қўлланилар эди. Бу эса бир ҳуқуқбузарлик учун икки жазо каби номақбул тартибни келтириб чиқаради. Эндиликда фармонда кўрсатилганидек тадбиркорлик субъектлари текшириш натижалари бўйича назорат органларининг тақдимномаларини бажарган, шунингдек етказилган зарарни белгиланган муддатда тўла хажмда қоплаган, шу жумладан пеняни тўлаган тақдирда уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмайди. Бундай норма тадбиркорлик субъекти томонидан камчиликларни яширишга ҳаракат қилиш ёки текширувчилар билан "ўзаро тил топиш"га уринишлари учун ҳеч қандай сабаб ва асос қолдирмайди.

Фармонда текширувчи органлар маъсулиятини кучайтириш бўйича ҳам қатор чоралар белгиланди. Назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари рухсатсиз текширилганлиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашганлиги учун етказилган иқтисодий зарарни ўрни қопланган ҳолда интизомий, маъмурий ва ҳатто жиноий жавобгарликка тортиладилар. (масалан, ўз хизмат ваколатлардан ташқари чиқиб, суистеъмол қилганлик, ўз хизмат бурчига нисбатан совуққонлик қилганлик ва шу кабилар.)

Фармонга кўра Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасига назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг текширишларни тайинлаш ва ўтказиш борасида белгиланган тартибга қатъий риоя этиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги фаолияти устидан мунтазам назорат қилиш мажбурияти юклатилган.

Фармоннинг яна бир муҳим жихати шундан иборатки эндиликда режали текширишлар жадваллари ва муддатлари мансабдор шахсни ўз хоҳишига кўрса эмас, балки аниқ асосланган тамойиллар асосида тузилади. Бунда албатта тадбиркорлик субъектини фаолият тури, мулкчилик шакли, тузилмалар таркиби, бошқариш тартиби кабилар ҳисобга олинади. Масалан, қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолияти қизғин бўлган даврларда (баҳорги экиш, экинларни парвариш қилиш, ҳосилни йиғиб-териш ва шу каби) даврларда текширишга йўл қўйилмайди.

Ушбу фармонда режадан ташқари текширишлар ўтказишга рухсат бериш фақат қонунда белгиланган асосларда, фавқулотда ҳолатларда йўл қўйилиши кўрсатилди. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги" қонуннинг 12-моддасига кўра режадан ташқари текширишлар қуйидаги ҳолларда ўтказилиши мумкин:

- агар текшириш ўтказиш зарурияти Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қароридан келиб чиқса;
- назорат қилувчи органга хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда (юмалоқ хатлар, аноним аризалар ҳисобга олинмайди.);

- фавқулотда вазиятлар юзага келинишининг олди олинаётганда;
- санитария-эпидимология вазияти мураккаблашганда, шунингдек қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши эҳтимоли вужудга келганда. Бундан ташқари ҳеч қандай ҳолатда текширишга йўл қўйилмайди.

Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, юқоридаги чора тадбирлар тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва эркинликлар доирасини янада кенгайтирибгина қолмасдан, балки улар учун қулай шарт-шароитлар ҳам вужудга келтиради. Давлат-тадбиркор ўртасидаги муносабатларда тадбиркорга нисбатан ишонч ва хайрихоҳлик муносабатлари мустаҳкамланаётганлиги далел беради.

2.8. § Нодавлат нотижорат ташкилотлари хўжалик-тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ҳар қандай демократик жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тизимида турли-туман нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритади. Улар фуқароларни турли тоифаларини (етти ёшдан юз ёшгача деб айтилса асло муболаға бўлмади) ўзида бирлаштириб, уларни ижтимоий-сиёсий, илмий маданий, спорт-соғломлаштириш, касбий ва бошқа қизиқишлари бўйича муайян манфаатларини қаноатлантиришга хизмат қилади.

Айниқса фуқаролик жамиятида нодавлат-нотижорат ташкилотларини мамлакат ижтимоий ҳаётида роли янада ошиши талаб этилади. Аслини олганда фуқаролик жамиятининг ўзи фаол инсонлар жамиятидир. Фуқаролар фаоллигини ташкил этиш, уни йўналтириш – нодавлат нотижорат ташкилотлари олдида турган асосий вазифа бўлиб ҳисобланади.

Гарчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг асосий фаолияти ва мақсади ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий ва шу каби ноиқтисодий соҳалар билан узвий боғлиқ бўлса ҳам, барибир улар ўз фаолиятини моддий-техникавий таъминлаш, хўжалик-тадбиркорлик фаолиятига аралаштиришда ўзларининг мутлақо четга ола олмайдилар.

Амалдаги Фуқаролик Кодекси (ФК) юридик шахслар ҳуқуқий мақомини белгилар экан, уларни тижорат ва нотижорат каби турларга бўлади. Тижорат ташкилотлари муасис, мулкдори ёки иштирокчилари томонидан фойда олишни мақсад қилган ҳолда хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, ишлаб чиқариш кооперативлари, унитар корхоналар шаклида ташкил этилади. Нотижорат ташкилотлари эса таъсисчилар, аъзолар, мулкдорлари томонидан фойда олиш мақсадини эмас, балки ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, илмий ва бошқа мақсадларни кўзлаб ташкил этилади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари қуйидаги шаклларда тузилиши мумкин:

а) жамоат бирлашмалари (сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, ёзувчилар, рассомлар, бастакорлар уюшмалари ва шу кабилар);

б) жамоат фонди;

в) мулкдор томонидан молиявий таъминланиб туриладиган муассаса;

г) қонунларда назарда тутилган бошқа шаклларда.

Нотижорат ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш асослари қуйидаги белгиларга асосланади:

- бундай ташкилотлар муасислар, аъзолар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилади;
- улар фаолиятини моддий асослари бўлиб муасислар томонидан ажратилган мол-мулклар, пул маблағлари, аъзолик бадаллари ҳисобланади;
- ушбу ташкилотлар фаолияти ўзини ўзи бошқариш асосида амалга оширилади;
- улар тасис ҳужжатларида белгиланган мақсад ва вазифаларга эришишга ҳаракат қиладилар;
- бундай ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш ҳам аъзолар, муасислар томонидан амалга оширилади;
- ушбу ташкилотлар фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган даромад ва фойда, ташкилот мол-мулки унинг муасислари ўртасида тақсимлаб олиниши мумкин эмас.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўқрисида”ги Қонунга кўра нотижорат ташкилотлари тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишига ҳақлидирлар. Бироқ, бунда икки шартга риоя қилиниши лозим:

- биринчидан, тадбиркорлик фаолияти нотижорат ташкилотларнинг устав мақсад ва вазифаларига зид бўлмаслиги ва ушбу мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоғи;
- иккинчидан, нотижорат ташкилотини тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари фақат устав мақсадлари, таъсис ҳужжатларида назарда тутилган вазифаларни амалга оширишга сарфланмоғи шарт ва у асло аъзолар, иштирокчилар ўртасида тақсимланмаслиги керак.

Амалиётда бунга риоя қилмаслик ғайри-қонуний ҳаракат ҳисобланади ва тегишли юридик таъсир чоралари кўрилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасига кўра мамлакатимизда қуйидаги жамоат бирлашмалари қонуний рўйхатдан ўтиб фаолият юритиши мумкин:

- касаба уюшмалари;
- сиёсий партиялар;
- олимларнинг жамиятлари;
- фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари;
- ижодий уюшмалар;
- оммавий ҳаракатлари;
- фуқароларнинг бошқа уюшмалари (ногиронлар жамиятлари, хайрия ташкилотлари, касбий уюшмалар ва ҳ.к.).

Т. Туребеков жамоат бирлашмаларини ўз манфаатларини ифодаланиши ва фаолият йўналишлари бўйича қуйидаги туркумларга ажратади:

- касаба уюшмалари – меҳнат манфаатларини ифодалайди;
- сиёсий партиялар – сиёсий эрк-ифодани ифодалайди;
- кўнгилли жамиятлар – турли-туман умум фойдали манфаатларни кўзлайди;
- ижодий иттифоқлар, уюшмалар – зиёлиларнинг юксак бадиий илмий, маданий ғояларини ифодалайди;
- оммавий ҳаракатлар – турли сиёсий мақсадларни кўзлайди;
- жамоат фондлари ва ногиронлар уюшмалари – аҳолининг муайян ожиз, кам таъминланган қатламларига кўмак бериш мақсадини кўзлайди¹.

Қонун нотижорат ташкилотлари фаолиятини белгилашда “қонунда нимаки таъқиқланмаган бўлса рухсат берилади” принципига амал қилади. Конституциянинг 57-моддасида жамоат бирлашмалари, нотижорат ташкилотлари қандай фаолият билан шуғулланиши таъқиқлаб қўйилганлиги кўрсатилган. Унга кўра конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва ҳавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий эркинликларига ва ҳуқуқларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий, диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий, диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларнинг тузилиши ва фаолияти таъқиқланади.

¹ Қаранг. Туребеков Т. Общественные объединения как субъект гражданского права. Автореферат. Кандидатской диссертации. /Т. 2002г., стр.13.

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасида юқоридаги конституциявий нормадан келиб чиққан ҳолда нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказишни рад этиш асосларини қуйидагича белгилайди:

- нодавлат нотижорат ташкилотларининг таъсис ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришни, суверинитети, яхлитлиги ва ҳавфсизлигига путур етказишни мақсад қилиб қўйган бўлса;
- фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситишини, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилишни мақсад қилиб қўйган бўлса;
- фуқароларнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилишни мақсад қилиб қўйган бўлса;
- нодавлат нотижорат номи ёки рамзий белгилари, маънавиятга, фуқароларнинг миллий ва диний туйғуларига даҳл қилса;
- нодавлат нотижорат ташкилотларининг таъсис ҳужжатларида ҳарбийлаштирилган бирлашмалар тузиш назарда тутилган бўлса.

Юқоридаги ҳолатлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг мулкӣ ҳолати, у томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти билан қай даражада боғлиқ деган савол туғилиши мумкин. Бунда бевосита эмас, балки бавосита боғлиқлик мавжуд. Гап шундаки, нодавлат нотижорат ташкилотини тузишдан кўзланган мақсад ва тадбиркорлик-хўжалик фаолияти бир хил манфаатдан келиб чиқади. Ушбу манфаат нодавлат нотижорат ташкилотини таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсадларига эришиш. Демак, биринчи галда олдинга қўйилган мақсад легал, яъни қонуний бўлиши шарт.

Нодавлат нотижорат ташкилоти тузишдан кўзланган мақсадларнинг умумий доирасигина қонунда белгилаб қўйилган ҳолос. Бунга кўра нодавлат нотижорат ташкилоти қуйидаги мақсадларда тузилиши мумкин:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- ижтимоий, маданий, маърифий мақсадларга эришиш;
- хайрия фаолиятини амалга ошириш;

- бошқа ижтимоий фойдали мақсадларга эришиш (“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддаси, 2-қисми).

Ушбу мақсадлар ўз-ўзидан амалга оширилавермайди. Бунинг учун муайян моддий база бўлиши лозим, ушбу моддий манба доимий ва узлуксиз равишда нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятини молиялаштиришга имкон бериши шарт.

Зоҳиран олганда, тадбиркорлик фаолияти тушунчаси ва нодавлат нотижорат ташкилотлари тушунчаси ўртасида муросасиз зиддият борга ўхшаб кўринади. “Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига кўра тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунларга мувофиқ, ўз таваккалчилиги ва ўз мулкий жавобгарлиги асосида амалга ошириладиган, фойда (даромад) олишга қаратилган тажаббускор фаолият ҳисобланади.

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддаси 1-қисмига кўра нодавлат нотижорат ташкилоти – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилоти ҳисобланади.

Ушбу икки тушунчани қиёсий таҳлил этганимизда қуйидагиларни қайд этиш лозим бўлади:

- биринчидан, тадбиркорликда тадбиркорлик субъекти муасиси, мулкдори фойда, даромад олишни мақсад қилиб тадбиркорлик фаолиятини ташкил этади, бироқ нотижорат ташкилоти муасиси, аъзо умумфойдали фаолият ташкил этиш учун нотижорат ташкилоти тузади;
- иккинчидан, тадбиркорликда тадбиркорлик – асосий фаолият, бошқа ижтимоий фаолият, масалан, хайрия фаолияти унга қўшимча, хосила, нотижорат ташкилотида эса ижтимоий фаолият асосий фаолият, тадбиркорлик эса унга қўшимча, хосила фаолият ҳисобланади.
- Учинчидан, тадбиркорликда, тадбиркорлик субъекти олган фойдани мулкдорлар, муасислар ўзаро тақсимлаб олишга ҳақли (кўп ҳолларда шундай қиладилар ҳам), нотижорат ташкилотида эса тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад муасислар, аъзолар ўртасида тақсимланмайди,

фақат нотижорат ташкилотининг устав мақсадлари йўлида сарфланиши шарт.

Улар ўртасида умумийлик шундаки, ҳар иккаласи ҳам тадбиркорлик-хўжалик фаолияти билан шуғулланади. Улар мулкӣ негизини хусусий мулк ташкил этиши мумкин.

Нотижорат ташкилоти ҳам, тадбиркорлик субъекти ҳам тадбиркорлик фаолиятини ўз таваккалчилиги асосида ва мустақил мулкӣ жавобгарлик асосида амалга оширади. Уларнинг ҳар иккаласи учун ҳам тадбиркорлик фаолияти ташаббускорликка асосланган фаолият бўлиб, улар тадбиркорлик фаолиятини мустақил равишда, барча жиҳатларини ўзлари ташкил этган ҳолда амалга оширадилар. Бу жиҳатдан улар ўртасида қандайдир фарқ-тафовутлар йўқ.

Цивилист олим И. Елисеев нотижорат ташкилотларини тадбиркорлик-хўжалик фаолиятини амалга ошириш хусусиятлари унинг тушунчасида мужассамлашган деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, нотижрат ташкилоти биринчидан фойда олиш мақсадини ўзининг асосий мақсади деб ҳисобламайди, иккинчидан, нотижорат ташкилотида тадбиркорлик фаолияти асосида олинган даромад унинг аъзолари ўртасида тақсимланмайди¹. қонунда нотижорат ташкилотларини бу икки белгисини мустаҳкамлаб қўйилиши оқилона ечим бўлган. Бугунги кунда Россияда кўпчилик нотижорат ташкилотлар, шу жумладан, муасис томонидан молиявий таъминланиб туриладиган муассасалар ҳам амал-тақал қилиб кун кўриш учун тадбиркорлик билан шуғулланишга мажбур бўлмоқдалар. қонун чиқарувчи нотижорат ташкилотлари фаолиятининг шундай ҳуқуқий режимини (тартибини) таъминлаш керакки, токи нотижорат ташкилоти томонидан зарурий ва муқаррар равишда тадбиркорлик фаолиятини юритилиши унинг пироварди мақсадига айланиб кетмасин. Ҳорижий давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, айнан нотижорат ташкилоти бўлган юридик шахс иштирокчилари ўртасида тадбиркорлик фаолиятини юритишдан олинган даромадни тақсимлашни таъқиқланиши нотижорат ташкилотларини профессионал бизнес

¹ Проф. С.Э. Жилинский ушбу қоидадан истиснони кўрсатади: матбуот кооперативида кооперативнинг тадбиркорлик фаолияти натижасида олган даромадлари унинг аъзолари бўлган пойчилар ўртасида тақсимланиши мумкин. Қаранг: С.Э. Жилинский. Предпринимательское право (правовая основа предпринимательской деятельности). Учебник для ВУЗов. Четвертое издание. М., Норма, 2003г., 120-б.

ташкilotларидан ажратишнинг энг таъсирчан ва қудратли усули ҳисобланади¹.

Нодавлат нотижорат ташкilotлари аъзолари, муасислар бундай ташкilotлар томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишига устав мақсадларига эришиш воситаси сифатида қарашлари лозим бўлади.

Давлат нодавлат нотижорат ташкilotларининг кенг тизими фаолият кўрсатишидан манфаатдордир. Улар муайян маънода фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш орқали жамиятдаги социал-сиёсий муаммоларни ҳал этилишига кўмаклашадилар, давлат олдида турган вазифаларни ҳам енгиллаштирадилар. Ҳудди шу сабабли ҳам давлат улар учун кенг имкониятлар яратиб беришга ҳаракат қилиши табиий.

Нодавлат нотижорат ташкilotларига давлат кўчмас мулк фондидан имтиёзли ижара тўловлари асосида офислар ва бошқа бинолар бериш, коммунал тўловларда чегирмалар белгилаш, давлатга қарашли спорт-соғломлаштириш иншоотларидан текин фойдаланишга рухсат бериш ва ш.к. қулайликлар белгилаши мумкин..

Россияда нодавлат нотижорат ташкilotининг бир тури бўлган Афғонистонда ҳарбий хизмат ўташда ногирон бўлган фуқароларнинг ногиронлар жамиятига алоҳида имтиёзлар берилди: муайян турдаги камёб товарларни Россияга импорт қилиш монопол ҳуқуқи уларга берилди. Бошқа бир спорт ветеранлари ташкilotига эса фойдани бир қисми Россия Олимпия қўмитасига бериш шарти билан камёб товарларни (балиқ икраси, Сибирь мўйнаси, кучли спиртли ичимликлар ва ш.к.) ҳорижий давлатларга экспорт қилиш ҳуқуқи берилди. Ушбу ташкilotлар ушбу ҳуқуқдан бир неча йил фойдаландилар. Бироқ, матбуотда ногиронлар ва ветеранлар ташкilotлари раҳбарлари нотижорат ташкilotларига берилган имтиёзларда ўз хусусий мақсадларида фойдаланаётганлиги, ушбу ташкilotларнинг тадбиркорлик фаолияти ҳуфён иқтисодиёт (нолегал бизнес) билан қўшилиб кетгани ва ҳатто ушбу ташкilotлар мафия томонидан бошқарилаётгани тўғрисида қатор мақолалар чиқди. Шамол бўлмаса дарахт учи қимирламайли деган мақолга қиёсан олганда, реал воқеликда ҳам криминал эпизодлар билан боғлиқ бир қанча фактлар содир бўлди. Охир оқибатда

¹ Қаранг: Гражданское право. Учебник. Ч-1, А.Сергеев, Ю. Толстой тақриси остида. М., Телс, 1996г. 159-б.

ташкilotлар раҳбарларидан бир қанчаси ўлдирилди, ўзаро низолар қуролли тўқнашувларга айланди ва оқибатда ногиронлар ташкilotи ҳам, ветеранлар ташкilotи ҳам имтиёзли ҳуқуқдан маҳрум бўлдилар. Улар номлари деярли криминал воқеалар билан боғланиб қолди. Нотижорат ташкilotларининг энг элита қисмини тадбиркорлик билан шуғулланишда ўз имтиёзларидан мақсадли фойдалана олмаганлиги юқоридаги тажрибага чек қўйди. Энг ачинарлиси, бошқа МДХ мамлакатлари ҳам ушбу воқеадан Россия каби хулоса чиқардилар ва ўз ҳуқуқ тизимида юқоридаги ҳолатларга (нотижорат ташкilotларини айримлари учун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишнинг имтиёзли режимини яратишга) йўл қўймадилар.

Бироқ, нотижорат ташкilotларини тадбиркорлик билан шуғулланиши учун муайян имтиёзлар назарда тутилди. Бундай имтиёзлар қуйидагиларда намоён бўлади:

а) солиқ имтиёзлари;

б) божхона тўловларидан имтиёзлар (товарлар импорт қилишда);

в) алоҳида индивидуал имтиёзлар.

МДХ давлатларида бундай имтиёзлар тизими турли қонунларга сочилиб кетган ҳолда амал қилади. Тўғри, муайян тизимга солинган имтиёзлар Солиқ Кодексларида, Божхона Кодексларида мавжуд эди. Бироқ, уларнинг катта кўпчилиги алоҳида қонунларда назарда тутилди (масалан, нотижорат жамиятлари ва ташкilotларига бериладиган имтиёзлар ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларда, ёшлар ташкilotларига бериладиган қулайликлар ва итиёзлар ёшлар тўғрисидаги давлат сиёсати тўғрисидаги қонунларда ўз ифодасини топди). Афсуски бу имтиёзларни барчаси ҳам амалда қўлланилди деб айтиш қийин. Кўп имтиёзларни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилмаганлиги, бошқаларини эса моддий ресурслар билан таъминланмаганлиги сабабли ишламади. Бироқ ушбу имтиёзларни декларатив тарзда бўлса ҳам мавжудлиги тадбиркорлик ва нотадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш нисбатига салбий таъсир кўрсатди. Биъзи ҳолатларда кишилар имтиёзлардан умидвор бўлиб сохта ҳужжатлар тайёрлаб, тадбиркорлик субъекти эмас, балки нотижорат ташкilotлари тузишга қизиқиб кетди.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилган «Қорхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Қонунида нотижорат ташкилотлари бўйича қуйидаги имтиёз ва енгилликлар назарда тутилган эди:

Даромад солиғидан озод этилганлар;

д) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, ташкилотлари, уларга қарашли муассасалар, ўқув ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари;

г) Қизил ярим ой жамияти, уруш ва меҳнат фахрийлари жамияти, Афғонистон фахрийларининг иттифоқи, «Орол», «Наврўз», тадбиркорлар мадади, Улуғбек, Навоий, Ойбек, Қодирий номидаги жамғармалар, ривожланишида нуқсони бўлган болаларга ёрдам жамғармаси, халқ дипломатияси бош миссияси жамғармаси, Ўзбекистон маданият уюшмаси, Байналминалчи жангчилар ва заҳирадаги жангчилар уюшмаси, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бошқа хайрия жамғармалари ва уюшмалари, уларнинг бўлинмалари, шунингдек, ёшлар жамғармалари ўз устав фаолиятларининг амалга оширишга қаратилган даромадлари бўйича.

о) Қизил ярим ой жамиятининг корхона, ташкилот ва муассасалар бу маблағлардан Қизил ярим ой жамиятининг устав вазифаларини бажариш учун фойдаланиш шarti билан;

м) уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашлари ҳузурида тузилган уруш ва меҳнат ветеранларининг корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотлари, башarti уларда ишлаётганларнинг камида 50 фоизини пенсия ёшига етганлар (пенсионерлар) ташкил этса.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 9-моддасига кўра ходимларнинг умумий сонидан ногиронлар камида 50 фоиз бўлса, ўрта мактаб ўқувчилари ва хунар-техника билим юртининг талабалари камида 75 фоиз бўлган корхоналар, давлат муассасалари ҳузуридаги давлат-ишлаб чиқариш устахоналари, олий, ўрта махсус ўқув юртлари, ўрта ва хунар-техника билим юртлари ҳузурида ёшлар, касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан тузилган корхоналарнинг талабалари ва ўқувчилар ижтимоий маиший шароитларини яхшилашга қаратиладиган даромадлари ҳам даромад солиғидан озод қилинган эди.

1991 йил 15 февралда қабул қилинган Қонунга кўра қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғидан айрим турдаги нотижорат ташкилотларини (масалан, Қизил ярим ой жамияти корхоналари,

шунингдек ижтимоий соҳадаги хизматлар) озод қилиниши назарда тутилади (Қонуннинг 18 ва 23-моддалари).

Шунингдек, экспорт ва импорт солиғи, республика худудидан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган ҳом ашё ресурслари ва маҳсулотга солинадиган солиқ, жамоа хўжалиги аъзоларининг меҳнат ҳақи фондига солинадиган солиқ, корхоналарнинг мол-мулкига солинадиган солиқ кабиларда гарчи нотижорат ташкилотларининг ўзларига бўлмаса ҳам, улар томонидан ташкил этилган корхоналарга солиқ имтиёзлари назарда тутилган эди.

Шунингдек, айрим нотижорат ташкилотларига имтиёзлар индивидуал (якка тартибда) белгиланган эди. Масалан, 1996 йил 17 апрелда чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ёшларининг “Камолот” жамғармаси тўғрисида”ги Фармони 8-бандида жамғармани давлат томонидан қўллаб қувватлаш мақсадида унинг устав доирасидаги фаолияти бўйича солиқлардан 5 йил муддатга озод қилиш назарда тутилган эди.

Нотижорат ташкилотлари ва улар томонидан ташкил этилган корхоналарга берилган солиқ имтиёзлари ва енгилликлардан фойдаланиш соҳасида назоратнинг етарли даражада эмаслиги, шунингдек айрим суистеъмолликлар натижасида баъзи бир инсофсиз шахслар бундан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Улар бундан фойдаланиб номига нотижорат ташкилотлари туздилар, ишлаб чиқаришдан кўра кўпроқ савдо-воситачилик фаолияти билан шуғулланиб тезда бойиб кетиш мақсадини кўзладилар. Натижада нодавлат нотижорат ташкилотлари тадбиркорлик-хўжалик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашдай хайрли мақсадларни беобрў қилишга олиб келдилар.

Шу сабабли ҳам ушбу масала 1997 йил 27 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексида ўтмиш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда янгича ёндашув асосида ишлаб чиқилди.

Солиқ Кодексида нотижорат ташкилотлар ташкил этилди. Солиқ Кодексида кўра солиқ солиш мақсадларида “тижорат билан шуғулланмайдиган ташкилотлар” деганда қуйидагилар тушунилади:

- фақатгина давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молияланадиган, ҳаражатларни қоплаш учун тасдиқланган

сметалар доирасида бюджетдан дотация оладиган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар;

- хайрия бирлашмалари, уюшмалари ва фондлари, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар:

а) тадбиркорлик фаолиятдан даромад олишни кўзламайдиган, таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилган ижтимоий-хайрия ва бошқа мақсадларда тузилган ташкилот ва бирлашмалар;

б) молиявий ва бошқа маблағларни муайян ташкилотлар ходимлари, муасислари ёки аъзоларининг шахсий манфаатлари йўлида тақсимланмайдиган ва инвестиция қилмайдиган ташкилот ва биллашмалар (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнатга ҳақ тўлаш бундан мустасно). Албатта, Солиқ Кодексидаги ушбу қоида норма тариқасида эмас, юридик нормага изоҳ (аниқроғи Солиқ Кодексининг 31-моддаси 6-бандига изоҳ) тариқасида берилганлигини ҳам ҳисобга олмоқ лозим. Демак, ушбу қоида фақат солиқ муносабатларидагина таъсир кучига эга ҳолос.

Солиқ Кодексининг 31-моддасида юридик шахсларни даромад (фойда) солиғидан озод қилиш асослари белгилаб қўйилди. Бунда бевосита нодавлат нотижорат ташкилотлари назарда тутилмади. Бироқ социал корхоналар (агар корхонада ишловчиларнинг энг камида 75 фоизини мактаб ўқувчилари ёхуд ишловчиларнинг умумий сонининг камида 50 фоизини, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фаҳрийлари ташкил этган юридик шахслар – савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслардан ташқари) даромад солиғидан озод қилиндилар.

Солиқ Кодексининг 32-моддасига мувофиқ юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромади (фойдаси) қуйидаги суммага камайтирилди:

экология, саломатлик ва хайрия фондлари, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига бадаллар суммасига, бироқ солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) бир фоиздан кўп бўлмаган миқдорда;

диний ва жамоат бирлашмаларининг (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари) , хайрия фондларининг мулкида бўлган корхоналар даромадидан (фойдасидан) шу бирлашмалар ва фондларнинг уставида

белгиланган фаолиятни амалга ошириш йўналтириладиган ажратмалар суммасига;

ишловчилари умумий сонининг уч фоизидан кўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи суммаси қуйидаги тарзда: белгиланган нормадан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига даромад (фойда) солиғи бир фоиз камайтирилади.

Солиқ Кодексининг 71-моддасига кўра ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахслар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланиш бундан мустасно) қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинадилар.

Солиқ Кодексининг 92-моддасида белгиланишича нотижорат ташкилотларининг мол-мулкига мол-мулк солиғи солинмайди. Бироқ нотижорат ташкилотларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда бевосита фойдаланадиган мол-мулки бундан мустасно.

Айни вақтда “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Қизил ярим ой жамияти “Нуроний” жамғармаси корхоналарининг мол-мулкига, бўшатиб олинаётган маблағлардан ўзларининг уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун фойдаланиш шарти билан мол-мулк солиғи солинмайди.

Ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахсларнинг мол-мулкига, (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти бундан мустасно) ҳам мол-мулк солиғи солинмайди.

Нотижорат ташкилотлари ўзлари фойдаланаётган ер участкалари учун ер солиғи тўламайдилар, бироқ агар улар ер участкаларидан тадбиркорлик мақсадларида фойдалансалар бундан мустасно (Солиқ Кодексининг 102-моддаси). “Соғлом авлод учун” халқаро жамияти, “Нуроний” жамғармаси бўшатиб олинаётган (тежаб қолинаётган) маблағларидан ўзларининг уставда белгиланган вазифаларини бажариш шарти билан ер солиғи тўлашдан озод қилинадилар.

Юқоридаги тоифадаги нотижорат ташкилотлари Солиқ Кодексининг 119-моддасига кўра сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашдан ҳам озод қилинадилар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики қонун чиқарувчи нодавлат нотижорат ташкилотларини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлиги учун бериладиган имтиёзлар ва енгилликларни қисқартириб, камайтириб бориш сиёсатини қўлламоқда. Бундай сиёсат деярли барча МДХ мамлакатларида ҳам олиб борилмоқда деб айтиш мумкин.

Бироқ бундан давлат нотижорат ташкилотларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига тўсиқлар қўймоқда деган умумлашма хулоса чиқариш мумкин эмас.

Энг аввало шуни таъкидлаш ўринлики давлат нотижорат ташкилотларини тадбиркорлик-хўжалик фаолияти билан шуғулланишга нисбатан ўзининг аниқ ва қатъий белгиланган, концептуал жиҳатдан асосланган қарашларига ва нуқтаи назарига эга эмас. Шу сабабли ҳам амалий сиёсатда қатъийлик, изчиллик йўқ; гоҳида чекловчи чоралар, гоҳида эса рағбатлантирувчи чоралар белгиловчи норматив ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Ҳолбуки тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш иқтисодий тизимда стратегик мақсад бўлгани ҳолда амалда муайян соҳаларда бундан чекинишларга йўл қўйилмоқда.

Албатта, агар амалиёт тажрибасига назар солсак нотижорат ташкилотларининг тадбиркорлик-хўжалик фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳар доим ҳам ўзининг кутилган самарасини бермади. Бундан баъзи муттаҳам ва ноинсоф шахслар солиқдан қочиш учун ниқоб сифатида фойдаландилар. Афсуски уларнинг нопок қилмишлари учун жамиятда реал ижтимоий вазифаларни бажаришга мақсад қилиб қўйган бошқа нотижорат ташкилотлари жавоб беришига тўғри келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг 2005 йил январида бўлиб ўтган қўшимча мажлисида қилган маърузасида принципиал муҳим устувор вазифалардан бири – бу солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш деб таъкидлаган эди. Ижтимоий соҳада ҳам, иқтисодий соҳада олдинда турган устувор вазифаларнинг барчаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ. 1997 йилда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Солиқ Кодекси иқтисодий ислоҳотлар соҳасида бугунги куннинг янги ва устувор вазифалари талабларига жавоб бермайди. Фақат сўнгги икки йил давомида Солиқ Кодекси ва солиқ қонунчилигига икки юздан ортиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани ҳам

шундан далолат беради. Уларнинг кўпчилиги нотижорат ташкилотларини устав фаолияти ва тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортишга таълуқли. Солиқ бўйича бундай нобарқарорлик нотижорат ташкилотлари фаолиятини ҳар иккала йўналишга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Тадбиркорлик фаолияти билан ёхуд ижтимоий фаолият билан шуғулланувчиларни солиққа тортиш соҳасида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу борада бошқа давлатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, балки биринчи галда, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим. Шундай солиқ тизими яратилмоғи лозимки ҳар бир солиқ тўловчи, у ҳох жисмоний, ҳох юридик шахс бўлсин, солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларни яширишга уринмасдан, аксинча ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интиلسин. Бугунги ҳаётнинг ўзи солиқлар адресли бўлишини тақазо этмоқда. Солиқ тўловчи нима учун ва қанча солиқ тўлаши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмоғи лозим Юртбошимизнинг фикрича амалдаги солиқ қонунчилигини танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиб, шу асосда уни янада соддалаштириш, солиқларни унификация қилиш, солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ бошқарувини такомиллаштириш ва эркинлаштиришни назарда тутадиган янги таҳрирдаги Солиқ Кодексини тайёрлаш зарур¹.

Солиқ тизимини ислоҳ қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг устав бўйича фаолиятини белгиловчи муайян мезонлар ишлаб чиқилиши лозим. Ижтимоий фаолият ғоят кенг кўламли ва серқирра фаолият ҳисобланади. Кўп ҳолларда ижтимоий фаолият мулкӣ-хўжалик фаолияти билан узвий, уйғунлашиб кетади. Мулкӣ хўжалик фаолияти билан тадбиркорлик ўртасида айнийлик жиҳатлари тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Баъзан эса бир хил фаолиятни ижтимоий фаолият ёки тадбиркорлик фаолияти деб ҳисоблаш унга қайси томондан ёндашувга боғлиқ бўлади. Цивилист олим Т.Туребеков бу ўрнида қизиқ бир мисолни келтирган эди: Қорақолпоғистон Каратэ Федерациясининг айрим секциялари мижозларга ҳақ эвазига хизмат кўрсатади – ёшларга каратэни ўргатади ва бундан даромад олади. Айни вақтда ушбу фаолият унинг устав мақсади

¹ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир. Халқ сўзи. 2005 йил 29 январь.

ҳисобланади; унинг таъсис ҳужжатларида асосий фаолият йўналиши республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш деб кўрсатилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин деб кўрсатади Т.Туребеков. бунда жамоат бирлашмасини устав фаолияти бир вақтнинг ўзида ҳам ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади, бунда иш бажариш, хизмат кўрсатиш ва ҳатто товар сотиш орқали фойда (даромад) олинади¹.

О.П. Кашковскийни фикрича юридик адабиётларда жамоат бирлашмалари ва бошқа нотижорат ташкилотлари асосий (устав) фаолияти ва унга қўшимча фаолияти (тадбиркорлик фаолияти) ни белгилашдаги қийинчиликларга ва уларнинг оптимал (оқилона) нисбати масаласига кам эътибор берилади. Бир неча муаллифгина бунга диққатини қаратган холос. Бунда нотижорат ташкилотлари ва нотижорат ташкилотлари ўртасидаги фарқ улар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга қанча молиявий маблағлар, саъи-ҳаракат сарфлаётгани, бу соҳада фойдаланишга жалб этилган мол-мулк ҳажми ва ижтимоий фойдали фаолиятга қанча молиявий маблағлар, саъи-ҳаракатлар ва мол-мулк сарфланаётгани ва уларнинг ҳажми ўртасидаги нисбат, фарқ, тафовутларга мезон сифатида белгиловчи аҳамиятга эга бўлмоғи лозим. Бундай ҳолатда юридик шахсининг асосий фаолияти унинг барча фаолияти сарф-ҳаражатларини 50 фоизидан ортиғига тўғри келадиган фаолият деб ҳисоблаш мумкин². Бироқ В.А.Рахмиловчининг фикрича бундай белгилар ва мезонлар нотижорат ташкилотларини тижорат ташкилотларидан ажратиш, фарқлашда ноаниқ ва қўлланишга яроқсиздир, чунки нотижорат ташкилотлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш даврларининг мунтазам ва доимий эмаслиги бунга сабаб бўлади³.

Таниқли цивилист олим проф. Е.Суханов ассоциациялар (иттифоқлар, уюшмалар) каби нотижорат юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш масалаларини таҳлил этар экан бундай фаолият ҳажмлари бўйича чеклашларга риоя қилиш амалий назорати ғоятда қийинчилиги тўғрисида хулосага

¹ Қаранг: Туребеков Т. Общественные объединения как субъект гражданского права. Автореферат. Кандидатской диссертации. /Т. 2002г., стр.20.

² Қаранг: О.П.Кашковский. О Критерии разграничения коммерческих и некоммерческих организаций. //Ж. Юрист. 2000г.-№5, стр.15

³ Қаранг: В.А.Рахмилович. Комментарий к Гражданскому Кодексу РФ. (Част первая), Под. ред. О.Х.Садикова. –М.: Контракт., 1997г., стр.122.

келади. Бундан ташқари ассоциациялар (иттифоқлар, уюшмалар) нинг ташкил этиш мақсадлари бўйича фаолияти (устав фаолияти) билан уларнинг бошқа турдаги фаолияти ўртасидаги пропорция (нисбат) масаласини ўрганар экан, муҳтарам профессор бунда ноустав фаолияти ҳажмлари бўйича чеклашларнинг ҳам ниҳоятда шартли эканлигини кўрсатади. Нима учун нотижорат ташкилотини сақлаш ҳаражатлари унинг йиллик ҳаражатлари суммасининг 20-30 фоизини ташкил этиши керак, нега 40 фоиз ёки 15 фоиз эмас ва бунда улар қанча суммани ташкил этади деб сўроқ қўяди проф. Е.Суханов¹.

Масалани ечишга Т.Туребеков жиддий ва оқилона ёндошган деб айтиш мумкин. У илмий адабиётларда ҳам, қонунчиликда ҳам нотижорат ташкилотлари устав фаолияти ва тадбиркорлик фаолиятини фарқлашни ягона мезонлари йўқлигини бевосита амалиётда ўз ифодасини топаётганлигини кўрсатади. Т.Туребеков фикрича Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 31-моддаси 6-бандидаги нотижорат ташкилотлар ўз тадбиркорлик фаолиятидан даромад солиғини тўлаши тўғрисидаги норма амалда ишлаётгани йўқ. Нотижорат ташкилотларини, шу жумладан жамоат бирлашмаларини устав фаолияти ва тадбиркорлик фаолиятини аниқ фарқлаш мезонлари мавжуд бўлмаган ҳолда солиқларни қандай қилиб ҳажмини аниқлаш ва ундириш мумкин? Иккинчи муаммо Т.Туребековнинг фикрича нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ лаёқати характери билан боғлиқ. Тижорат ташкилотлари универсал ҳуқуқ лаёқатига эга. “Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасида кўрсатилишича, тадбиркорлик фаолияти субъектлари – юридик шахсларнинг муасислари таъсис ҳужжатларида фақатгина асосий фаолият турларинигина санаб кўрсатишга ҳақли, тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари қонунларда бевосита таъқиқлаб қўйилмаган ва таъсис ҳужжатларида фаолият тури сифатида кўрсатилмаган ҳар қандай фаолият билан қонунларда белгиланган тартибда шуғулланишга ҳақли. Нотижорат ташкилотлари эса махсус ҳуқуқ лаёқатига эга. Бошқача айтганда, ФК нинг 4-моддасига кўра улар ўзларининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолият мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўладилар. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати унинг

¹ Қаранг: Е.А.Суханов. Акционерное общества и другие юридические лица в новом гражданском законодательстве // Хозяйство и право. – 1997г.-№1.стр.98

устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Қонунчиликда – деб ёзади Т.Туребеков – махсус ҳуқуқ лаёқати тушунчасидан асослантирилган истиснолар мавжуд. Ишлаб чиқариш ва бошқа тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг аниқ асослантирилган чегаралари йўқ, махсус ҳуқуқ лаёқати тушунчаси мавжуд эмас. Бунда вужудга келган муаммоларни ҳал этиш учун қонун чиқарувчи куйидаги икки ечимдан бирини қабул қилиш лозим. Биринчи: давлат солиқ сиёсатининг таъсир кучини ва фойдасини кўзлаб нотижорат ташкилотларини, шу жумладан жамоат бирлашмаларини устав фаолияти ва тадбиркорлик фаолиятини аниқ фарқлаш зарур (реал ҳаётда нотижорат ташкилотлари бевосита ўзлари томонидан ёки улар ҳузурида турли хўжалик юритувчи субъектлар – кичик корхоналар, МЧЖ лар ва ш.к. ташкил этиш орқали тадбиркорлик-хўжалик фаолиятини амалга оширадилар). Бунда қонун чиқарувчи тадбиркорлик сифатида қараладиган фаолиятнинг турларини аниқ рўйхатини ўзида мужассамлаштирувчи норматив ҳужжатни ишлаб чиқармоғи ва тасдиқламоғи талаб этилади. Жумладан, тегишли идоралар (масалан, Солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги) тадбиркорлик деб ҳисобланиши мумкин бўлган фаолият турларини ўрганиб чиқиши ва ушбу фаолият турларидан ундириладиган солиқлар ставкалари, ҳажмлари, чегирмалар ва ш.к. тўғрисида ўз мулоҳазаларини ва таклифларини ишлаб чиқармоғи лозим. Фикримизча, бу энг мақбул ечим сифатида қаралиши мумкин. Ёки бўлмаса солиқ қонунчилигида нотижорат ташкилотларини, жамоат бирлашмаларини тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги фактларни мавжуд эмас деб ҳисоблаб, унинг ўрнига уларни уставда назарда тутилган хўжалик фаолияти сифатида баҳолаш ва хотиржамлик билан бундай фаолиятни солиқлардан озод қилиш мумкин¹.

Фикримизча, бу соҳадаги муаммоларни ҳал этиш учун ҳозирги изланишлар даражасининг ўзи кифоя эмас. Масала нафақат цивилистлар, балки иқтисодчилар, социологлар, сиёсатшунослар томонидан ҳар тарафлама ва чуқур ўрганишга сазовор. Тадбиркорлик ва нотадбиркорлик фаолияти ўртасидаги фарқларни белгилаш мезонларини қотиб қолган догма сифатида қараш мумкин эмас. Ҳар бир мезон муайян вазиятда қўлланилади. Бунинг устига фан-техника тараққиёти, ижтимоий ривожланиш инсон

¹ Қаранг: Туребеков Т. Общественные объединение как субъект гражданского права. Автореферат кандидатской диссертации. /Т. 2002г., стр.22.

фаолиятининг турли янгидан янги қирраларини очиб бермоқда. Уларнинг бутун мазмун-моҳияти дарҳол намоён бўлмайди. Шу сабабли ҳам тадбиркорлик ва нотадбиркорлик фаолияти мезонлари фақат муайян давр учунгина тўғри келиши мумкин.

Бутун жамият ва давлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий фойдали фаолиятини бир маромда ва мунтазам амалга оширишидан манфаатдор. Агарда давлат ва жамият манфаатдор экан, демак нодавлат нотижорат ташкилотларини тадбиркорлик фаолияти билан ҳам, устав фаолияти билан ҳам шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилиши ва улар қонунларда мустаҳкамланиши лозим. Нотижорат ташкилотлари учун белгиланган айрим имтиёз ва енгилликлардан айрим ноинсоф кимсаларнинг фойдаланиши бунга асло тўсиқ бўлмаслиги керак. Айни вақтда имтиёз ва енгилликларни суистеъмол қилиш ёки бойиш мақсадида фойдаланиш ҳолатларига чек қўйиш йўллари излаш лозим. Агар кучли жамоат назорати йўлга қўйилса, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг, молиявий ҳисоботларининг шаффофлиги таъминланса юқорида кўрсатилган салбий омиллар таъсири камайтирилиши ва ҳатто бартараф этилиши мумкин.

Бироқ ҳозирги ҳолатда нотижорат ташкилотларини тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришнинг асосий омили солиқ қонунчилигига бориб тақалади. Солиқ тизимини эркинлаштириш орқали бир талай муаммоларни ҳал этиш мумкин. Арзимаган, номигагина имтиёз ва енгилликлар нотижорат ташкилотларини нафақат тадбиркорлик фаолиятига ундайди, балки ундан чўчитади. Енгиллик ва имтиёзлар салмоқли, реал ва юридик таъминланган бўлиши талаб этилади.

Нотижорат ташкилотларининг тадбиркорлик-хўжалик фаолиятини эркинлаштиришнинг бошқа бир жиҳати улар фаолиятининг мулкӣ асослари билан боғлиқ.

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг V бўлими нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятининг иқтисодӣ асосларига бағишланган. Унда нодавлат нотижорат ташкилоти мол-мулкнинг таркиби, уни шакллантириш манбалари, фаолиятининг турлари, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишнинг ҳуқуқӣ асослари ва бундай ташкилотга солиқ солиш тўғрисидаги нормалар ўз ифодасини топган.

Бинолар, иншоотлар, турар-жойлар, ускуналар, инвентар пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулки бўлиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулки қонун билан кўриқланади. Нодавлат нотижорат ташкилоти ўз мажбуриятлари юзасидан қонунларга мувофиқ ундириш қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради (Қонуннинг 28-моддаси). Ҳақиқатдан ҳам қонун нодавлат нотижорат ташкилотларига мол-мулкларга эга бўлиш учун жуда кенг имкониятлар беради. Бироқ амалда кўпроқ нодавлат нотижорат ташкилотлари кўчмас мол-мулкка эга бўлиш ҳоллари кам учрайди. Улар кўпроқ республикага қарашли ёхуд муниципал мулкка қарашли биноларни ижарага оладилар. Бунда ижара тижорат ташкилотларига берилган ижара эмас, балки ўзига хос социал ижара деб айтиш мумкин. Бошқача айтганда ижара ҳақи рамзий ёхуд унча катта бўлмаган миқдорларда белгиланади. Қолган мол-мулклар мебель, турли инвентарлар, ташкилий техника анжомлари ва жиҳозлари, баъзи ҳолларда енгил машиналардан иборат. Кенг тарқалган нотижорат ташкилотларини орасида хусусий турар жойлар мулкдорлари ширкатлари мулкрий-моддий базаси мустаҳкам деб айтиш мумкин. Бу уларнинг ҳуқуқий ҳолати ва устав фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқдир. Қисқа қилиб айтганда ҳозирча амалда бўлган нотижорат ташкилотларининг аксарият қисми фаолият юритиш учун зарур бўлган мол-мулкнинг энг минимал даражасига эга ҳолос. Бундай аҳвол улар фаолиятини самарали ташкил этишга тўсқинлик қилмоқда.

Қонунда нодавлат нотижорат ташкилотларини мол-мулкни шакллантириш манбалари кўрсатилган. Унга кўра нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулкни шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- кириш ва аъзолик бадаллари, агар улар уставда назарда тутилган бўлса;
- муасислардан, қатнашчилардан (аъзолардан) бир маротаба ва мунтазам равишда келадиган тушумлар;
- ихтиёрий мулкрий бадаллар ва эҳсонлар;
- тадбиркорлик фаолиятдан олинган, фақат устав мақсадлари учун ишлатиладиган даромадлар (фойда);

- қонунларда таъқиқланмаган бошқа тушумлар (масалан, мол-мулкани ижарага бериш, қимматли қоғозлардан олинадиган диведентлар ва ҳ.к.).

Кириш ва аъзолик бадаллари жамоат бирлашмалари (сиёсий партиялар, ногиронлар жамиятлари, касаба уюшмалари ва шу каби аъзоликка асосланган нотижорат ташкилотлари) учун доимий манба сифатида қаралади. Кўп ҳолларда аъзолик бадалларини мунтазам равишда тўлаб туриш нотижорат ташкилотига аъзолик шарти ҳисобланади. Агар аъзо узрсиз сабабларга кўра аъзолик бадалларини бир қанча муддат тўламаса у аъзоликдан чиқарилиши мумкин. Баъзи нотижорат ташкилотига эса аъзолик бадали ҳам суд орқали ундирилиши мумкин. Масалан, хусусий уй-жой мулкдорларининг катта кўпчилик қисми ширкатни тузишга ёқлаб овоз берса, ширкат ташкил этилган уйда ўз квартирасига хусусий мулк асосида эга бўлган мулкдор ҳам, гарчи у йиғилишда қатнашмаган ёки ширкат тузилишига қарши овоз берган бўлса ҳам, барибир хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига мажбурий аъзо ҳисобланади ва аъзолик мажбуриятларини ўз вақтида ва тегишли равишда бажаришга мажбур. Агарда у аъзолик бадалларини ихтиёрий равишда тўламаса, у ҳолда суд тартибида бадаллар мажбурий ундирилиб олинади. Бироқ бошқа жамоат бирлашмаларида аъзолик бадалларини тўлаш ихтиёрий ҳисобланади. Фикримизча, агар нотижорат ташкилотининг аъзоси аъзолик бадалларини тўлашни ваъда қилиб тўламаса ёхуд нотижорат ташкилотига аъзоликдан муайян манфаат кўрган бўлса, аъзолик бадаллари суд тартибида ундириб олишниши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Қонунга бундай кўшимча киритилиш аъзолар маъсулиятини янада оширган бўлур эди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини бошланғич капитали (старт капитали) муасисларда, қатнашчилардан (аъзолардан) биринчи бор ташкил этилганда бериладиган тушумлардан вужудга келади. Масалан, 1996 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикаси ёшларининг “Камолот” жамғармаси тузилганда қуйидагилар таъсисчи бўлган эдилар:

- Ўзбекистон ёшлар иттифоқи;
- Халқ таълими вазирлиги;
- Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси;
- Ўзбекистон “Бизнес фонд” бошқаруви;
- Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси;

- Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши;
- Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази;
- “Соғлом авлод учун” халқаро ҳайрия жамғармаси;
- Республика “Маҳалла” ҳайрия жамғармаси.

Ушбу таъсисчиларнинг ҳар бири “Камолот” жамғармаси учун унинг низом жамғармасига бир неча юз минг сўмдан то бир неча ўн миллион сўмгача маблағ киритганлар. Бундан ташқари “Камолот” жамғармаси республика бошқаруви, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги бўлими учун бинолар ажратиб берилган.

Албатта, агар нотижорат ташкилоти тадбиркорлик билан шуғулланмаса ёхуд муасислар ўз ёрдамани мунтазам бериб турмасалар, у ҳолда дастлабки капитал тезда тамом бўлади.

Бу ўринда шуни айтиш керакки нотижорат ташкилотлари муасисларни нотижорат ташкилоти олдидаги маъсулияти ҳам чуқур ва мустаҳкам юридик асосларга эга эмас. Тижорат шаклидаги кўпчилик юридик шахсларда таъсисчилар ўртасида таъсис шартномаси тузилади. Таъсис шартномасида тарафларнинг (муасисларнинг) ташкил этилаётган юридик устав фондини шакллантиришдаги улуши ҳажми, уни киритиш тартиби аниқ белгилаб қўйилади. Бундай таъсис шартномасининг мавжудлиги муасислар маъсулиятини кучайтиради ва мабодо ўз мажбуриятини ихтиёрий бажармаган тақдирда уни суд орқали мажбурий ижро эттириш учун юридик асос вазифасини ўтайди.

ФК нинг 43-моддасида таъсис шартномасининг мазмуни белгилаб қўйилган. Унга кўра тарафлар таъсис шартномасида муасис сифатида юридик шахс ташкил этиш мажбуриятини оладилар, уни ташкил этиш соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз мол-мулкларини бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш шартномаларини белгилайдилар. Шартномада фойда ва зарарларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш, юридик шахс фаолиятини бошқариш, муасисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартлари ва тартиби ҳам белгилаб қўйилади. Таъсис шартномасига муасисларнинг келишувига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Шуни қайд этиш лозимки ФК нинг 43-моддаси умумий таъсир кучига эга норма ҳисобланади. У бир пайтнинг ўзида ҳам тиждоратчи юридик шахслар, ҳам нотижорат юридик шахсларига нисбатан таълуқлидир. “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Қонун,

“Маъсулияти чекланган ва қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунда таъсис шартномаларини тижоратчи юридик шахслар фаолиятини ташкил этишдаги ўрни ва роли очиб берилган. Бироқ, “Жамоат юирлашмалари тўғрисида”ги Қонун, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунда нотижорат ташкилотини ташкил этишда таъсис шартномаси тўғрисида норма мавжуд эмас. Масалан, нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар рўйхатида (“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддаси) таъсис шартномалари умуман назарда тутилмаган. Бу эса ФК нинг 43-моддаси талабларига зид ҳисобланади деб айтиш мумкин.

Нотижорат ташкилотининг муасислари, қатнашчилари, аъзолари ўзлари томонидан ташкил этилаётган нотижорат ташкилот доимий ва мунтазам фаолият кўрсатиши шартлигини англаб етган ҳолда муасис бўлмоқлари лозим. Агар нотижорат ташкилоти қўшимча даромад манбаларига эга бўлмаса, тадбиркорлик фаолияти билан самарали шуғуллана олмаса у ҳолда таъсисчиларни доимий ёрдамига муҳтож бўлади. Одатда нотижорат ташкилотини бошланғич капитали унинг фақат устав фаолияти учун мўлжалланади. Демак, таъсисчилар нотижорат ташкилотини тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун қўшимча молиявий чоралар кўриши лозим бўлади. Нотижорат ташкилотини моддий-мулкий негизи асосан тасисчиларга боғлиқ бўлар экан, у ҳолда муайян юридик ҳужжатларда, аниқроғи тасис шартномасида таъсисчининг ушбу мажбуриятини мазмуни, уни ижро этиш тартиби ва усуллари, ушбу мажбурият ижро этилмаганида ёхуд лозим даражада ижро этилмаганида тасисчига кўриладиган чоралар (бурчни натура шаклида бажаришга мажбур этиш, неустойка белгилаш, муасислар сафидан чиқариш ва етказилган зарарларни қоплаш ва ҳ.к.) белгилаб қўйилмоғи мақсадга мувофиқ бўлур эди. Фикримизча бу ҳақида “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунга 22¹-модда. Нодавлат нотижорат ташкилоти тузиш тўғрисидаги таъсис шартномаси ҳақида норма киритиш лозим. Бундай норма киритилмагунча ва амалда қўлланилмагунча нодавлат нотижорат ташкилоти таъсисчи муасисларни ўзларни муасис сифатидаги мажбуриятларини, айниқса, нотижорат ташкилотларини доимий ва мунтазам равишда молиявий таъминлаб туриш, уларни тадбиркорлик фаолиятини йўлга

қўйишига кўмак бериш мажбуриятларига қатъий риоя қилиш масаласи ҳал бўлмайди.

Нотижорат ташкилотларини мулкӣ-моддий негизини вужудга келтириш масаласи уларга бериладиган мол-мулк ҳажми билан ҳам боғлиқ. Қонунда нотижорат ташкилотлари устав фондини минимал миқдори белгилаб қўйилмаган. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддаси 1-боби 5-қисмида нотижорат ташкилотининг уставида пул маблағларини ва бошқа мол-мулкни шакллантириш манбалари, нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда унинг таркибий бўлинмаларини мол-мулкни бошқариш соҳасидаги ҳуқуқлари кўрсатилиши шартлиги белгилаб қўйилган. Умуман ушбу қонунда нотижорат ташкилотларининг устав фонди тўғрисида ҳеч қандай кўрсатма йўқ.

Бундай фарқли равишда тижорат ташкилотлари таъсис ҳужжатларида устав фонди, унинг ҳажми, иштирокчилар томонидан ўз улушларини киритиш тартиб ва усуллари, устав фондини шакллантирмаслик (муайян муддат ичида) оқибатлари албатта белгилаб қўйилиши шарт.

Бундан ташқари муайян тижорат ташкилотларида устав фондининг минимал миқдорлари белгилаб қўйилган. Масалан:

- очик акциядорлик жамиятларида АЖ нинг устав фонди 50 минг АҚШ доллари қийматидан кам бўлмаслиги лозим;
- ёпиқ турдаги АЖ да устав фонди 200 минимал иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги талаб этилади;
- маъсулияти чекланган жамиятларда устав фонди 50 минимал иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

Шунингдек, қонунларда суғурта ташкилотлари, тижорат банклари, чет эл инвестицияси иштирокидаги қўшма корхона, улгуржи савдо ташкилотлари учун жуда катта миқдорларда устав капиталининг минимуми белгиланган.

Албатта, тижорат ташкилотларида устав капитали тижорат фаолияти билан боғлиқ бир қанча муҳим вазифаларни, жумладан:

- тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишини таъминлаш;
- кредитлар манфаатини таъминаш;
- тадбиркорлик субъекти томонидан хўжалик шартномалари бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ижросини таъминлашни амалга оширади.

Бироқ нотижорат ташкилотларида, агар у тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланса, устав капитали худди юқоридаги вазибаларни бажаради. Ҳатто нотижорат ташкилоти тадбиркорлик билан шуғулланмаган тақдирда ҳам, устав капитали (фонди) учун мажбурият топилади: у устав фаолиятини амалга оширишини мулкӣ-молиявий негизи бўлиб хизмат қилади.

Қонун чиқарувчи нотижорат ташкилотлари шаклланишида устав фонди шаклланишини шарт қилиб қўймаганлигини муайян маънода изоҳлаш мумкин: нотижорат ташкилоти тузишда устав фондидини шакллантириш мажбуриятини таъсисчилар зиммасига юклаш уларни нотижорат фаолияти билан шуғулланиш иштиёқини сўндириш мумкин. Кейин, бошқа бир омилни ҳам ҳисобга олиш лозим: нотижорат ташкилоти муасислари доираси кенг, унинг тартиби тижорат ташкилот каби ҳар доим ҳам барқарор бўлиши талаб этилмайди. Бугун А нинг маблағи ва ҳошии бор эди, нотижорат ташкилотига муасис бўлди, эртага у иқтисодий қийинчиликларни кечиргани сабабли нотижорат фаолиятига ҳомийликдан четлашди, бироқ унинг ўрнига Б келди ва нотижорат ташкилотига молиявий кўмак бера бошлади. Ушбу жараён турли вариантларда ва турли шаклларда давом этиши ва рўй бериши мумкин. Лекин ушбу схема нотижорат ташкилотини молиявий маблағлар билан таъминлашга муайян даражада яхшироқ хизмат қиладиган схема. Ҳозирча бундан яхшироғи (гарчи кўнгил тўларлик даражада яхши деб айтиб бўлмаса ҳам) ишлаб чиқилмаган.

Бироқ юқоридаги фикр-мулоҳазалар фақат зоҳиран мантиқи асосли кўринишда холос. Тижорат ташкилотларининг устав капитали юридик конструкциясини нотижорат ташкилотлари учун мослаштирган ҳолда имплантация қилиш имкониятининг мавжудлиги юқоридаги схемадан воз кечишга имкон бериши мумкин.

Қонун чиқарувчи нотижорат ташкилотларида устав капиталини шакллантириши шартлигини, муасислар зиммасига ушбу мажбурият юкланишини, муасислар нотижорат фаолияти устав капиталини тўлиқ тугатишни кутиб ўтирмасдан уни қайта тикланувчи ва ҳатто ўсиб кўпаювчи капиталга айтлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш лозим. Айни вақтда муасислар доирасини кенгайтириб ва ҳатто янгилаб бориш имконияти ҳам таъминланиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Нотижорат ташкилотлари мол-мулкни вужудга келиш манбаларидан бири – бу турли фуқаролар ва юридик шахслар томонидан нотижорат ташкилотига беғараз ва беминнат бериладиган ёрдамлар ҳисобланади. Ушбу ёрдамлар ўзининг юридик табиати бўйича қўйидаги турларга бўлинади:

- ҳадя;
- хайр-эҳсон;
- мол-мулкни текин фойдаланиш учун бериш.

ФК нинг 502-моддасига кўра ҳадя қўйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

- текинга мол-мулк ёки пул маблағларини мулк қилиб бериш;
- қарздан воз кечиш, яъни мулкий мажбуриятлардан озод қилиш;
- учинчи шахсларга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш.

ФК нинг 502-моддаси 2-қисмига кўра ашё ёки ҳуқуқ муқобил берилганида ёки бўлмаса муқобил мажбурият мавжуд бўлганида ҳадя мавжуд бўлмайди. демак, ҳадя ҳеч қандай шартсиз, беғараз бўлмоғи лозим.

Умумфойдали мақсадларда қилинган ҳадя хайр-эҳсон ҳисобланади. Хайр-эҳсон қилувчи мол-мулкни фуқарога хайр-эҳсон қилганида маълум бир мақсадда фойдаланишни шарт қилиб қўйиши лозим, юридик шахсларга хайр-эҳсон қилганда эса юридик шахсга (нотижорат ташкилотига) бундай шарт қўйиши мумкин.

Ҳадя муносабатлари ФК нинг 502-510-моддалари билан, хайр-эҳсон эса ФК нинг 511-моддаси билан тартибга солинади.

Нотижорат ташкилоти ўзига ҳадя қилинган мол-мулкдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда фойдаланишга ҳақли. Ҳадя қилувчи бунга нисбатан ҳеч қандай эътироз билдира олмайди. Бироқ хайр-эҳсон предметдан нотижорат ташкилоти тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда фойдаланишда бундай эмас. Хайр-эҳсон фақат умумфойдали мақсадни назарда тутаяди, ушбу мақсадни эса хайр-эҳсон қилувчи белгилайди. Масалан, "Техник инвест" қўшма корхонаси "Нуробод" меҳрибонлик уйига "Дамас" русумли автомобиль совға қилади. Қўшма корхона директори буйруғида совғани мақсади: "Меҳрибонлик уйлари болаларига хизмат қилиш учун" деб кўрсатилган. Бироқ меҳрибонлик уйи директори автомобилни хўжалик ишлари бўйича директор муовинига беради "хўжалик ишларида фойдаланиш

учун". Ушбу автомобилдан экспедиторлар озиқ-овқат маҳсулотлари, бошқа товарларни ташиш учун фойдаланишган. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари туман прокурорига шикоят билан мурожаат қилишиб, автомобилдан мақсадга номувофик фойдаланаётганини билдиришган. Меҳрибонлик уйи директори шикоятни асоссиз деб ҳисобланиши, машинадан фақат меҳрибонлик уйи эҳтиёжлари учун фойдаланилаётганини маълум қилган. Ҳайр-эҳсон қилувчи – кўшма корхона маъмурияти машинадан болалар уйи хўжалик мақсадлари учун фойдаланишга эътирози йўқлигини айтиб, бироқ ундан биринчи галда болаларни турли эҳтиёжларини қаноатлантиришда фойдаланиш шартлигини билдирган. Туман прокурори автомобилдан мақсадли фойдаланиш тўғрисидаги талаб бузилган деб ҳисоблаб, меҳрибонлик уйи маъмурияти эндиликда ушбу машинадан болаларга хизмат қилиш зарурати бўлса, ушбу заруратга, агар бундай эҳтиёж бўлмасагина истисно тариқасида хўжалик мақсадларида фойдаланиш мумкин деб кўрсатган.

ФК нинг 511-моддаси 5-қисмига кўра аниқ мақсадда фойдаланишга мўлжалланган ҳайр-эҳсонни қабул қилиб олаётган юридик шахс ҳайр-эҳсон қилинган мулкдан фойдаланиш бўйича амалга ошириладиган операцияларнинг алоҳида рўйхатини юритиш лозим. Бунда ҳайр-эҳсондан фойдаланувчи учун кенг имкониятлар вужудга келади. Ҳайр-эҳсондан фақат умумфойдали мақсадларда фойдаланиши ундан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланишини истисно этади деган фикр-мулоҳазалар тўғри эмас. Аслини олганда нотижорат ташкилотларини тадбиркорлик фаолияти охир оқибатда унинг устав мақсадлари учун хизмат қилади. Нотижорат ташкилотининг устав мақсадлари эса умумфойдали мақсадларни доирасига киритиш ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Бироқ шунга қарамай, амалиётда ҳар хил низолар келиб чиқмаслиги учун нотижорат юридик шахсларига қилинган ҳайр-эҳсон предметидан фойдаланиш бўйича операциялар рўйхатида албатта қуйидаги нормани белгилаб қўйиш мақсадга мувофикдир: "ушбу ҳайр-эҳсон предметидан нотижорат ташкилоти томонидан амалга ошириладиган хўжалик-тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш ва ундан олинган фойда (даромад) ларни умумфойдали мақсадларда сарфлашга йўл қўйилади".

Агар нотижорат ташкилотига ҳайр-эҳсон қилинган мол-мулкдан ҳайр-эҳсон қилувчи кўрсатган мақсадда фойдаланиш

вазият ўзгарганлиги туфайли мумкин бўлмай қолса, мулкдан бошқа мақсадларда фойдаланишга фақат хайр-эҳсон қилувчининг розилиги билангина йўл қўйилади. Агар хайр-эҳсон қилган фуқаро вафот этган ёхуд юридик шахс тугатилган бўлса у ҳолда хайр-эҳсон предметидан фойдаланиш мақсадини фақат суд белгилаши мумкин. Масалан, қариялар уйига тадбиркорлик субъекти хайр-эҳсон сифатида енгил машина совға қилган. Бироқ бензин таъминоти бўйича қийинчиликлар сабабли хайр-эҳсон олувчи ундан мақсадли фойдаланишни амалга ошираолмаган. Шундан кейин, қариялар уйи маъмурияти хайр-эҳсон қилувчига хайр-эҳсон предметидан фойдаланиш асослари ва мақсадини ўзгартириши тўғрисида илтимос билан мурожаат қилган. Хайр-эҳсон қилувчининг розилиги билан енгил автомобил сотилиб, унинг пулига электронасос харид қилинган. Электронасосдан қариялар уйига туташ адирликларга сув чиқариб, боғлар яратиш, экинзорлар яратиш мақсади белгиланган.

Умуман олганда нотижорат ташкилотлари ўзлари тадбиркорлик билан шуғулланиб, ўзини ўзи маблағ билан таъминлашни ўрганмагунча аъзолари, иштирокчилари, муасисларини аъзолик бадаллари, даврий ёрдамлари ва хайрия маблағлари ҳисобига устав фаолиятини тўлақонли йўлга қўйиш қийин.

Нотижорат ташкилотларини устав фондлари, уларни шакллантириш манбалари, муасисларни ўз мулкрий-молиявий мажбуриятларини амалга оширишни таъминлашнинг ҳуқуқий механизми мавжуд эмаслиги бугунги кунда жиддий муаммо бўлиб турибди.

Нотижорат ташкилотларининг мулкрий асосларини заифлиги уларни тадбиркорлик субъектлари учун ниҳоятда зарур бўлган маркетинг хизмати, юридик хизмат ва бошқа ташкилий тузилмаларга эга бўлиш имкониятини йўққа чиқаради.

Нотижорат ташкилотини ривожланган ва мустаҳкам моддий базаси ва ташкилий инфратузилмалари йўқлиги сабабли бозорда рақобат ва конъюктурага бардош бериш лаёқати заиф бўлади, бу эса уларни юксак технологиялар, товарлар, ишлар, хизматлар бозорида эмас, балки оддий, малака талаб этмайдиган товардар, ишлар, хизматлар бозорида фаолият юритишига олиб келмоқда.

Нотижорат ташкилотларини тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш бошланғич босқичларида юқоридаги ташкилий-хуқуқий муаммолар ҳал этилиши талаб этилади.

III БОБ. ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ВА ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ

3.1. § Давлатга интеллектуаллар керакми?

Интеллектуаллар кетиб қолишин олдини олишнинг ижтимоий-ҳуқуқий ечимлари

XX аср дунё қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. XXI асрда бундай ўзгаришлар изчиллик билан давом этиб, мўжизалар асри бўлиши кутилмоқда. Ушбу ўзгаришлар сабабкори, манбаси – илм-фан, инсон илмий салоҳияти ҳисобланади.

Мадомики илм-фан шундай беқиёс қудратга эга экан, илм-фан билан шуғулланувчи кишилар тоифаси-олимлар, интеллектуаллар жамиятда алоҳида мавқега сазовор бўлишга ҳақли деб айтсак янглишмаймиз. Бироқ олимларга, билимдонларга нисбатан дунёни барча мамлакатларида бир хилда диққат эътибор мавжуд деб бўлмайди. Бу эса ўз мамлакатида қадр, обрў-эътибор топмаган олимни бошқа жойдан муносиб мавқе излашига олиб келади. Ушбу муаммо турлича номланса, изоҳланса ҳам (ақл ўғирлаш, олимлар қочиши, билимдонлар арази, олимларни оғдириб олиш, олимлар оғмачилиги) унинг моҳияти битта: олимлар илм-фан билан шуғулланишга, муносиб ҳаёт кечиришга зарур шарт-шароитларни яратиб берувчи мамлакатларга томон интилишади. Бошқача айтганда бу ишчи кучларининг миграциясини бир кўриниши холос. Яхши шароитлар мавжуд мамлакатларга кўчиш – бу табиий миграция жараёни ҳисобланади. Бироқ бу муаммо ўз олимларидан жудо бўлаётган мамлакат учун ачинарли вазиятларни келтириб чиқаришини унутмаслигимиз лозим. Энг аввало мамлакат энг сархил, юқори даражада ривожланган аҳоли қатлаמידан маҳрум бўлади. Ўз даврида француз олими Паскаль агар Франциядан 300 та интеллектуал кетиб қолса у жоҳиллар ва телбалар мамлакатига айланади деб кўрсатган эди. Ҳақиқатдан ҳам интеллектуаллар-олимлар мамлакат учун қуйидагича аҳамиятга эга деб айтиш мумкин:

- биринчидан, улар меҳнати натижасида ижодий фаолият маҳсули бўлган фан, адабиёт, саноат асарлари яратилади, зиёли инженер-техник ходимлар эса ихтиролар, саноат намуналарини, фойдали моделларини яратадилар. Ушбу интеллектуал мулк объектлари иқтисодиёт соҳасида самарали ўзгаришларни вужудга келтиради, тараққиётга туртки беради;

- иккинчидан олимлар муҳити авлодлар ўртасидаги доимий ворисликни таъминлайди, яъни устоз-шогирд анъаналари асосида янги олимлар авлодини тарбиялаб етиштиради;

- учинчидан, олимларнинг катта қисми таълим муассасаларида (олий ўқув юртлирида) фаолият юритади ва юқори малакали кадрларни тайёрлаб етиштиради;

- тўртинчидан, олимлар ўзларининг юриш-туриш, хулқ атвори, амал қиладиган кадриятлари билан теварак атрофга намунали ибрат таъсири кўрсатади;

- ва ниҳоят бешинчидан олимлар қатлами сиёсий тизим, демократия даражаси ва фуқаролик жамияти институтционал тузилмаларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади (интеллектуаллар юксак мавқега эга бўлган жамиятда нодемократик бошқарув бўла олмайди ёки аксинча).

Ақл оғмачилиги (утечка мозгов) бугунги кунда ривожланаётган мамлакатларгина эмас, ҳатто Европа мамлакатлари учун ҳам ўта долзарб глобал муаммога айланганини қайд этмоқ лозим. Дунё мамлакатлари шартли равишда олимлар тайёрлаб етказиб, берувчи мамлакатлар (донор мамлакатлар) ва улардан фойдаланувчи мамлакатлар (рекрут-ёлловчи мамлакатлар)га бўлинади. Ушбу бўлиниш шартлилиги шундаки, масалан, Фарбий Европа мамлакатлари агар Осиё ва Африка мамлакатлари учун рекрут-мамлакат бўлсалар, АҚШ учун донор-мамлакат бўлиб хисобланадилар. Мутлоқ маънодаги "ақл ўғирлаш" рекрут-мамлакатлари бўлиб АҚШ, Канада хисобланадилар, яъни ушбу мамлакатлар учун ақл оғмачилиги (олимларни кетиб қолиши) муаммо сифатида мавжуд эмас.

Хўш, ақл оғмачилиги Ўзбекистон учун муаммо сифатида мавжудми деган савол туғилади. Совет тузуми даврида ақл оғмачилиги "темир эшиклар ва деворлар" мавжудлиги сабали мавжуд бўлмаган. Олимлар хохлайдими, хохламайдими СССР дан чиқиб кетиш имкониятига эга бўлмаганлар. Бироқ мамлакат ичида бундай муаммо мавжуд бўлган. Табиий фанлар ва техника соҳасидаги энг иқтидорли олимлар ўз миллий республикаси бағрида ишлай олмаганлар. Улар ҳарбий илмий марказларда фаолият кўрсатганлар. Ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси илмий-техник салоҳиёти даражасини бирмунча пасайтирганлигини эътироф этиш лозим.

Совет Иттфоқи парчалангандан кейин вужудга келган мустақил давлатларнинг барчаси бозор муносабатлари тизимини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Иқтисодий туб ўзгаришлар МДХ давлатлари илмий техникавий потенциалига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Илмий-тадқиқотлар учун ажратилаётган маблағлар кескин қисқартирилди, баъзи йўналишлар бўйича эса ҳатто тўхтатиб қўйилди. Баъзи давлатлар ҳатто илм-фанини фанлар Академияси орқали ташкил этиш тизимидан ҳам воз кечдилар. Ушбу ҳолатлар иқтидорли ёшларни илм-фан билан шуғулланиш имкониятларини жуда ҳам торайтириб юборади. Илм-фан кишилари илгаргидай жамиятда юксак мавқега, обрў-эътиборга эга бўлмай қолди. Бинобарин олимлик рутбаси ёшлар учун ўз жозибасини йўқотди. Мавжуд илмий-тадқиқот муассасаларининг кичик ва ўрта бўғин авлоди илмий фаолиятдан кетишга мажбур бўлди. Улар бозор тизими талабларига мослашиш учун ҳаракат қилдилар: баъзилари тижорат, баъзилари оддий техник персонал фаолиятларига ўзларини урдилар. Илмий тадқиқот муассасаларида мавжуд шароитларга мослаша олмаган ходимлар, шунингдек, илм-фанга ўзини фидо қилган ходимларгина қолди холос. Илм-фаннинг муайян йўналишларида муҳим ва салмоқли натижаларга эришган ўта иқтидорли олимлар Европа ва АҚШга ўз нигоҳларини қаратдилар ва уларнинг кўпчилиги ўз ватанларидан кетишга мажбур бўлдилар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики ақл оғмачилиги (билимдонлар кетиб қолиши) икки хил шаклда намоён бўлади:

- олимларни ижодий фаолият соҳасидан ижодий фаолият билан боғлиқ бўлмаган соҳаларга, айниқса тижорат соҳасига ўтиб кетиши (мутахассис О.Жаренова маълумотларига кўра Россияда мавжуд илмий потенциалнинг 30 фоизидан, баъзи минтақаларда эса 50 фоиздан кўпи илмий тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюрolari лабораторияларидан тижорат-тадбиркорлик соҳасига ва давлат аппаратига ўтиб кетган)¹;

- олимларнинг ташқи миграцияси орқали ўз ватанларидан ривожланган мамлакатларга доимий яшаш учун кетиб қолиш (АҚШ миллий илмий фонди маълумотларига кўра ўтган асрнинг 90 йилларида жаҳон миқёсида обрўга эга бўлган математикларнинг 70-80 фоизи, назариётчи физикларнинг 50 фоизидан кўпи Россиядан АҚШга кетиб қолган, умуман табиий фанлар соҳасида

¹ Қаранг: О.Жаренова "Утечка умов" – факты, аценки, перспективи//

мамлакат мутахасис олимларнинг ярмидан кўпи МДХ мамлакатларини тарк этганлар).¹

Шу ўринда савол туғилади: ушбу ўрта статистик маълумотлар Ўзбекистон учун ҳам таълуқлими?

Ушбу саволга қисман таълуқли деб айтиш мумкин. Маълумки ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб мамлакатимизда илмий техника потенциали гуркираб ривожланди. Алкалоидлар кимёси, эхтимолликлар назарияси бўйича ўзбек олимлари мактаби дунё томонидан тан олинди. Археология, фалсафа, ҳуқуқ тарихи соҳаларида Ўзбекистон олимлари иттифоқ миқёсида етакчи ўринларни эгаллаган эдилар. Мамлакат мустақиллигига эришгандан кейин илм-фан соҳасини бозор стихиясидан ҳимоя қилиш бўйича муайян чора-тадбирлар кўрилди. Илмий-тадқиқот муасасаларини йириклаштириш, муҳим йўналишларга диққат-эътиборни жалб этиш орқали илмий техник потенциалини сақлаб қолишга уринилди. Эхтимол ушбу чоралар ҳар доим ҳам кутилган самарани бермагандир, бироқ Ўзбекистонда илмий салоҳиятнинг ўзаги ўтиш даври тўфонлари силсиласига бардош берди дея оламиз.

Маълумки таълим жараёни билан илмий жараён узвий боғлиқ. Таълим тизими ўзининг энг юксак ва етук кадрларини илмий-техник тизим учун етказиб беради. 90 йиллар ўрталаридан бошлаб мамлакатимизда таълим тизими ташкилий ҳуқуқий ислоҳ қилина бошланди. Энг иқтидорли ёшларни ривожланган мамлакатларда ўқитиш фаолият бўйича "Умид" жамғармаси иш бошлади. Ўтиш даври қийинчиликларига қарамасдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан давлат валюта рурсурсларидан салмоқли маблағлар худди шу мақсадлар учун сарфлана бошлади. Бироқ ушбу йўналиш бўйича таълим олган ёшларнинг озчилик ташкил этган қисми ўз ватанига қайтиб келмаганлигини ҳам тан олиш лозим. Демак, ақл оғмачилиги каби глобал муаммодан Ўзбекистон ҳам четда эмас эканлиги худди шунда илк маротаба сезилди. Қайта ташкил этилган "Истеъдод" жамғармаси хорижда таълим олган ёшларни мамлакатимизга қайтиб келиб самарали фаолият юритишини таъминлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чоралар тизимини ишлаб чиқди. Бунда қатор юридик воситалар – кафиллик, ёш талаба билан контрактда махсус шартлар белгилаб қўйиш назарда тутилган.

¹ Обзор российских газет. 16.11.2004. 13:45. BBC Russian. Com. Ўша манба

Мамлакатимизда илм-фанни маблағ билан таъминлаш тизими ҳам тубдан ўзгарди. Илгарилари давлат илмий тадқиқот муасасига смета асосида маблағ ажратилар эди. Ушбу маблағлар ҳажми билан илмий-тадқиқот муасаси фаолияти натижалари ўртасида юзаки боғланиш мавжуд эди холос. Илмий ходим – олим ёлланма ишчидан фарқи йўқ эди. Маош тўлаш тизими ишбай-вақтбай тизимининг дурагайдан иборат бўлиб, ўзига хос боқимандалик муҳитини вужудга келтирар эди. Илм-фанни бошқариш ҳам кўп поғонали тизмга асосланиб (фан ва техника давлат қўмитаси – фанлар Академияси – илмий-тадқиқот муасасалари ва х.к.) фан учун ажратилган маблағларнинг маълум қисми бошқарув харажатларига ишлатилар эди.

Ўзбекистон илмий-техник салоҳиятини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2002 йил 28 февралда Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан "Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида" Фармон¹ чиқарилди. Фармонга кўра бюджет маблағларини эълон қилинган танлов натижаларига кўра грант шартномалари асосида бериш тартиби жорий этилди. Ўз мазмунига кўра танлов иштирокчилар ўртасида мусобақани, рақобатни англатади. Танлов оммавий характерга эга бўлиб унда деярли хоҳлаган шахслар қатнашиши мумкин. Танлов ошкора ўтказилади, унинг шартлари ҳаммага маълум қилинади. Танлов энг яхши натижага эришишни шарт қилиб қўяди. Танлов ташкилотчиси билан танлов ғолиби ўртасида шартнома-контракт тузилади ва бунда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ-равшан белгилаб қўйилади. Шартнома ижтимоий муносабатларда шундай тартиб, барқарорлик ва ҳамжихатликни таъминлайди, ҳатто энг қаттиқ маъмурий воситалар орқали ҳам бунга эришиш мумкин эмас.

Бироқ давлат грантлари кўпроқ фундаментал характерга эга бўлган тадқиқотларни молиялаштиради. Амалий аҳамиятга эга бўлган тадқиқотлар эса унинг натижаларидан баҳраманд бўладиган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маблағлар билан таъминланиши лозим. Бу бозор тизимининг муҳим қондаси. Дунёдаги энг йирик транснационал компаниялар, бошқа шаклдаги йирик корхоналар ўзларининг лабораторияларига, илмий тузилмаларига эга бўлиб, доимий равишда янги техника ва

¹ Халқ сўзи. 2002 йил 1 март.

технологияларни ишлаб чиқарадилар ва жорий этадилар. Бироқ мамлакатимизда фаолият юритувчи хўжалик субъектларининг камдан ками hozирги шароитда ўз илмий тузилмаларига эга бўлишлари мумкин, демак ижодий фикрловчи инженер-техник ходимлар ўз фаолиятини қўллаш шарт-шароитлари мавжуд эмас.

Бугунги кунда деярли барча МДХ мамлакатларида олимларни кетиб қолишини олдини олиш тизими ишлаб чиқилмаган. Аксинча, билим соҳибларини хорижга оғиб кетиши объектив шарт-шароитлар мавжудлигини таасуф билан тан олишимиз лозим. Бундай омиллар қуйидагиларда яққол намоён бўлади:

- илм-фанни самарали молиялаштириш тизими йўлга қўйилмаганида;

- ижодкор илмий ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳажмлари нисбатан пастлигида, бунда ҳақ миқдори ўртача иш ҳақи миқдори ёки ундан паст бўлиб олимларга нафақат муносиб турмуш тарзини таъминлашга, ҳатто ўз билим даражасини сақлаб қолиши учун шарт шароитларга эга бўлиш (китоблар ва бошқа илмий адабиётлар сотиб олиш, интернетдан фойдаланиш, илмий симпозиумларда қатнашиш ва х.к.) имконини ҳам бермайди;

- жамиятда олимлар мавқе ҳам пасайиб бормоқда. Агар илгари илмий даражага эга бўлиш кўпчилик талабалар орзуси бўлган бўлса, эндиликда кўпчилик тижорат билан шуғулланишни афзал кўради;

- олимлар меҳнати натижаларини рўёбга чиқарадиган интеллектуал мулк бозорини шаклланмаганлиги;

- замонавий жиҳозланган лабараториялар, асбоб ускуналар етишмаслиги, илмий асарларни нашр этиш имкониятлари чекланганлиги;

- илмий даражалар ва илмий унвонлар беришдаги бюрократик тартиб, сансанорликлар мавжудлиги;

- илмий муасасалар, илм-фанни ташкил этишда ўзини ўзи бошқариш, демократик тартибга изчиллик билан риоя қилинмаслиги; ўзига хос автократияга имкон берадиган менталитет анъаналарини сақлаб қолганлиги (бу эса иқтидорли, қобилиятли ёш олимларни кекса профессурага қарамлигига олиб келади);

- ҳаммуаллифликка мажбурлаш, ўзгалар асарларини ва ғояларини ўзлаштириш (плагиаторлик) ҳолатларига қарши самарали муҳофаза, айниқса суд орқали ҳимоя қилиш анъаналарини ва тартибини қатъий шаклланмаганлиги.

Юқоридаги ҳолатлар мажмуи иқтидорли қобилиятли илмий ходимларни ё ватанидан чиқиб кетиб Россия ёки АҚШдан иш излашга ёйинки илмидан воз кечиб ўзини тижоратга уришга мажбур қилади.

Олимлар кетиб қолишини кучайтирувчи кўшимча омиллар ҳам вужудга келганлигини унутмаслигимиз лозим. Гап шундаки Ўзбекистон Республикаси очиқ давлат. У ўз фуқароларига мамлакатга эркин кириш ва чиқиш, мамлакат ичида эркин кўчиб юриш ҳуқуқини кафолатлайди. Бунинг устига ҳозирги таълим ислоҳатлари натижасида ёшларнинг катта кўпчилиги нафақат рус, балки инглиз, япон, немис, француз тилларида ҳам эркин гаплашишлари мумкин. демак чет элда ишлаш учун тил тўсиқлари ҳам йўқолиб бормоқда. Ушбу ҳолатларни ҳам унутмаслигимиз лозим.

Мамлакатимизда таълим жараёнига жами давлат бюджети маблағларини салмоқли қисми сарфланаётгани тўғрисида оғзимизни тўлдириб гапирамиз. Унинг пировард мақсади юқори малакали мутахасислар тайёрлашга қаратилган. Бироқ агар ушбу мутахасислар учун ўзимизда етарли шароитлар яратиб берилмаса, таълимга сарфланган пуллар қумга сингиб кетган сувдай самарасиз кетади. Охир оқибатда Ўзбекистон Россия учун, Европа мамлакатлари учун, АҚШ, Канада учун ўз давлат бюджети хисобидан илмий ходимлар, мутахасислар тайёрлаб берувчи мамлакатга айланиб қолади. Албатта ўзбекистонлик мутахасисларнинг чет элларда қадрланиши ижобий ҳолат, улар чет элларда ишлаган вақтда Ўзбекистонга, қариндош уруғларига чет валютаси маблағларини трансферт қиладилар. Бироқ бу таълим ислоҳатларидан биз кутган асосий натижа эмаску!

Илгариги "Умид", ҳозирги "Истеъдод" жамғармаси орқали хорижда таълим олиб келган ёшлардан фойдаланиш тартибини ҳам жиддий ўзгартиришлик лозим. Ҳозирда кўп ҳолларда уларга кичик чиновник, клерк лавозимлари берилмоқда. Холбуки бундай лавозимлар алоҳида юқори малака талаб этмайди, кундалик қоғозбозлик, бюрократик характерга эга фаолият хисобланади. Майда амалдорлик, югуртаклик фаолияти мутахасис ҳафсаласини пир қилади, у хорижда олган билимларини, тажрибани, малакани қўллай олмайди, унинг юксак орзулари бошлиқларни калтабинлиги, лоқайдлиги, нописанд-менсимаслиги ва ҳатто ўз курсисини олиб кўйишидан, рақобатдан кўрқиб ғараз ниятда

тўқиган фитналари тўрига урилиб чил-чил синади. Бундай мутахасислар учун уларнинг интеллектуал салоҳиятига мос келадиган, ижодий ёндашув талаб этадиган, иқтисодиётнинг муайян соҳаси, ижтимоий ёхуд маданий тармоқларни ривожлантириш стратегияси, концепцияси белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатларига эга бўлган, мустақил қарорлар қабул, уларни изчиллик билан амалга ошириш ҳуқуқини ва у билан боғлиқ маъсулиятни берувчи вазифалар ва лавозимлар берилиши лозим. Бошқача айтганда хорижда таълим олган мутахасислар номенклатураси жорий этилиши бу номенклатура Президентнинг доимий диққат эътиборида бўлиши ва асосий кадрлар резервига айланиши лозим. Бундай мутахасисларга маъсул давлат лавозимларини ишониб топшириш вақти келди. Бугунги кунда ислохотларга тўсқинликлар ўрта бўғиндаги амалдорлар билан боғлиқ эканлиги барчага кундай равшан. Модомики шундай экан хорижда таълим олган, бугунги кунда кичик лавозимда ишлаётган, муайян муддатни ўтагач яна хорижга кетиб қолишни кўнглига туғиб қўйган ходимлардан самарали фойдаланиб, уларни оммавий равишда ўрта бошқарув бўғинига тайинлаш лозим.

Замон шиддат ва шиттоб билан кетмоқда. Иқтисодий инфратузилма ҳам интеллектуал салоҳиятларга мослашмоқда, пахта териб, мол боқиб, ғишт териб тирикчилик қилиш замонлари ўтиб кетди. XXI аср – интеллектуаллар асри, ахборотлар асри. Бугун информацион – коммуникациялар технологиялари бозори ўз ҳажмлари, миқёслари қийматлари бўйича хом ашёлар бозори ҳажмлари, миқёслари ва қийматидан ошиб кетди. Ахборот – коммуникация технологияларини (АКТ) иқтисодий ўсиши АҚШ иқтисодиётида 1990-2003 йиллар давомида 30 фоиздан ошди ва чакана савдодан кейин иккинчи ўринга чиқди. АҚШда ахборот технологиялари бозори бир йилда 400 миллиард долларни ташкил этади (ёки дунё миқёсидаги ҳажмини 40 фоизини). Бу АҚШ ялпи миллий маҳсулотини 5 фоизини демакдир. Дунё бозоридаги ушбу ўзгаришларни барча давлатлар ўз иқтисодий сиёсатида ҳисобга олишга уринмоқдалар, Россияда ахборот технологиялари бўйича 2003 йилда 6 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилди (у ялпи миллий маҳсулотни 1,4 фоизини ташкил этади). 2010 йилда бу кўрсаткич 40 миллиард долларга етиши мўлжалланмоқда, шундан 10 миллиард доллар экспорт қилиниши лозим.¹ Мамлакат

¹ Қаранг: Компьютеры и связь. // Труд-7. 25 ноябрь 2004 й.

интеллектуал салоҳиятига таяниш ўз вақтида хом ашё ва минерал ресурсларга эга бўлмаган Японияни иқтисодий қудратли давлатга айлантirdи. Бугунги кунда Ҳиндистон электрон саноати мамлакат иқтисодиётида етакчи тармоққа айланди ва барқарор валюта ресурслари манбасига айланди. Компьютер дастурчилар ватани бўлган Силикон водийсида (АҚШ) меҳнат қилаётганларнинг кўпчилигини Ҳиндистонлик ёшлар эканлиги ҳам бежиз эмас.

Худди шу сабабли интеллектуал салоҳияти қудратли бўлган мамлакатгина дунё бозорида шафқатсиз рақобат муҳитида ўз ўрнига эга бўлади, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожиди барқарорлик бўлади деган қатъий хулосага келиш мумкин. Интеллектуал салоҳият эса нафақат таълим жараёни орқали, балки олимлар, билимдонларни кетиб қолишини олдини олиш чоралари орқали ҳам таъминланади. Худди шу сабабли дунёнинг жуда мамлакатларида ақл оғмачилиги ёхуд билимдонлар кетиб қолиши (интеллектуаллар арази) муаммоси бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Евроньюснинг хисобига кўра (2004 йил 18 июнь) Европа ҳамжамияти 2002 йилда Лиссабонда ушбу муаммо бўйича махсус дастур қабул қилинди. Ушбу дастурни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин.

Биринчи қисмда Европа мамлакатларида фаолият юритаётган олимларни океан ортига (АҚШ ва Канадага) кетиб қолишини олдини олиш. Бунга кўра 2004 йилдан бошлаб Европа давлатлари миллий маҳсулот қийматининг 3 фоизи миқдорида илм-фанга харажатлар сарфланмоғи лозим. Ушбу маблағлар ҳажми (агар шу вақтга қадар илм-фанга маблағлар сарфлаш янги маҳсулот қийматининг аранг бир фоизини ташкил этганини хисобга олсак) олимлар моддий ҳаёт шароитларини кескин яхшилашга имкон беради.

Дастурнинг иккинчи қисми бошқа мамлакатлардан олимларни оғдириб олиш чораларига бағишланган. Европанинг 33 та давлатида махсус марказлар фаолият юритишади. Ушбу марказнинг асосий вазифаси кўчиб келиш истагини билдирган олимларга зарур маълумотлар бериш, уларни иш билан таъминлаш, виза олиш, турар жой билан таъминлаш, оила аъзоларини нормал яшаш учун шарт шароитлар вужудга келтириш хисобланади¹.

Интернетда олимлар учун барча маълумотларни ўзида мужассамлаштирувчи бепул портал-сайтлар очилган. Дастурдан

¹ Қаранг: Евроньюс. 2004 й. 18 июл. 22:40.

кўзланган асосий мақсад 2010 йилда Европани илм-фан ривожини белгиловчи интеллектуаллар маконига айлантириш ҳисобланади.

Олимларни кетиб қолишини олдини олиш чоралари-тадбирлари кейинги вақтларда Россияда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Фан ва давлат илмий-техник сиёсати тўғрисида Қонун қабул қилиниб, унда давлатнинг бюджет харажатларини энг камида 4 фоизини илм-фанга сарфлаш бўйича мажбурияти белгилаб кўйилди (бирок афсуски ҳукуматлар ушбу нормага деярли риоя қилмайдилар, авваллари илм-фанга 2 фоиздан кўпроқ маблағ ажратилган бўлса, баъзи даврларда бу кўрсаткич 1,74 фоизгача тушиб кетган). Энг асосийси шундан иборатки мамлакатда интеллектуал мулк бозори мавжуд ва илмий тадқиқот муассаслари ушбу бозорда фаол қатнашиш имконига эгадилар. Айни вақтда давлат секин-аста, бирок собитқадамлик ва изчиллик билан илмий ходимлар иш ҳақини ошириш, улар учун муайян ижтимоий кафолатлар белгилаш ва уларни рўёбга чиқариш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқмоқда ва амалга оширмоқда.

Россияда технополислар қуриш дастури мавжуд. Технополисларда қулай ва имтиёзли солиқ ва божхона тартиби жорий этилади. Жумладан ягона социал солиқ ставкалари 14 фоизга қадар камайтиралади.²

Айни вақтда Россия МДХ мамлакатларидан иқтидорли ёшларни ўзига жалб қилиш чораларини ҳам кўрмоқда. Улар давлат бюджети ҳисобидан таълим олиш, Россия фуқаролигини қабул қилиш имкониятлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида ҳам олимлар кетиб қолишини олдини олиш учун комплекс дастур ишлаб чиқилмоғи лозим. Дастур Президент тақдимиغا кўра Олий Мажлиснинг ҳар иккала Палаталарида муҳокама қилиниб, қабул қилинмоғи мақсадга мувофиқдир. Дастурни бундай тартибда қабул қилиш уни қонун орқали тасдиқлаш имконини беради ва унга қонун каби олий юридик куч беради.

Дастурда олимлар, илмий ходимлар ҳуқуқий мақомини белгиловчи қатор қонунлар ишлаб чиқиш назарда тутилиши, ушбу қонунлар концепциялари ва тамойиллари ўз мужассамини топиши шарт. Булар жумласига "Давлат илмий техник сиёсати асослари тўғрисидаги қонун", "Илмий ходимлар ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонун", "Илмий-тадқиқот муассасалари тўғрисидаги

² Россия давлат телевиденияси «Вести». 2005 й. 23:10.

қонун", "Иновация фаолияти тўғрисида қонун" киритилиши мумкин. Ушбу қонунлар мазмунида илм-фанга давлат ғамхўрлигининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, олимларнинг моддий-маиший шароитлари яхшилаш тадбирлари, уларни ижтимоий ҳимояси кафолатлари назарда тутилиши лозим. Илмий тадқиқотларни амалга ошириш бўйича давлат грантларига танлов ўтказиш тартиби соддалаштириш, транспарентлик асослари кучайтириши лозим. Энг асосийси грант-контрактлар соф фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларга айланиши лозим (ҳозирча афсуски грант-контрактлари меҳнат-ҳуқуқий контрактлар сифатида тузилмоқда, маблағлар вазирлик-илмий тадқиқот ёки таълим муасаси тизими орқали ўтиб келади ва бу маблағларни грант олувчи илмий ходимларни тўлиқ тасарруф қилиш имконияти мавжуд эмас).

Илм-фанга нисбатан давлат ғамхўрлиги кучайтирилар экан, илмий ходимлар маъсулияти ҳам оширилмоғи лозим. Акс ҳолда ушбу соҳага қобилиятсиз, иқтидорсиз бироқ бошлиқлар билан муомила санъатини яхши ўзлаштирган, фанга фойдаси тегмайдиган, бироқ ўзгалар ижодий фаолияти натижаларини ўзлаштиришга тайёр уддабуронлар яна қайтиб келиши мумкин (совет даврида илмий фаолият натижаларига юзаки формал талаблар асосида баҳо берилганда бундай уддабуроналр-боқимандалар анчагина эди).

Мамлакат учун мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим тизими ҳам муайян ўзгаришларга дучор бўлиши лозим. Ҳозирги вақтда тест орқали энг юқори балл олган талабалар давлат грантлари асосида бепул ўқишади. Бироқ афсуски энг юқори балл олишда тасодифийликни ҳам, ҳар хил суистеъмолликларни ҳам истисно этиб бўлмайди. Шу сабабли ҳам ривожланган мамлакатлардаги каби давлат грантлари фақат аъло ўқийдиган талабаларга берилиш лозим. Бошқача айтганда давлат грантлари ҳар семестр натижалари бўйича қайта тақсимланиши лозим. Ана шунда адолат ва оқилоналик таъминланади.

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг энг ўртасида жойлашган. Ўзбекистон Миллий Университети (собиқ Ўрта Осиё Давлат Университети – САГУ) ўз вақтида кўшни республикалар учун ҳам кадрлар ўчоғи бўлган. Бугунги кунда ҳам кўшни давлатларнинг иқтидорли ёшларига таълим даргоҳлари эшигини катта очиб қўйиши лозим. Ушбу соҳага давлат маблағлари

квотасини белгилаш керак. Умуман олганда олимлар кетиб қолишни олдини олишга қаратилган барча дастурларда (юқорида Европа ҳамжамияти ва Россия дастурлари келтирилди) ҳар бир давлат нафақат ўз мутахасисларини сақлаб қолиш, балки бошқа мамлакатлардан зарур мутахасисларни, интеллектуалларни жалб этиш чора-тадбирларини назарда тутадилар. Ўзбекистон Республикаси ҳам худди шундай анъанага содиқ қолмоғи лозим. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролиги тўғрисидаги Қонунда илм-фанда юксак натижаларга эришган шахсларга нисбатан беш йиллик ўтrockлик цензисиз Ўзбекистон фуқаролигин бериш имконияти назарда тутилган. Ушбу талаб анча юмшатилиши ва иқтидорли интеллектуалларга нисбатан ҳам жорий этилиши лозим. Умуман олганда ушбу тартиб махсус қонун орқали батафсил тартибга солинмоғи, содда ва қулай механизм яратилмоғи мақсадга мувофиқдир.

Илм-фан соҳасида Давлат мукофотлари қайта таъсис этилмоғи лозим. Ҳар йилда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги махсус кенгаш тамонидан илм-фанда энг юксак натижаларга эришган олимларга Давлат мукофотлари берилмоғи лозим. Фанлар Академияси ҳам ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмоғи, илм-фанни бошқаришда демократик тамойилларга қатъий амал қилиниши керак.

Шуни унутмаслик керакки, илм-фанга давлат маблағларини кўпайтириш, олимлар, интеллектуал салоҳият эгалари жамиятда юксак мавқега кўтариш ўртамиёна фан, ўртамиёна олимлар ҳузур-халовати учун бўлмаслиги шарт. Табиий ва аниқ фанлар соҳасида олимлар жаҳон илм-фани даражасида юришлари лозим. Бу эса олимлик маъсулияти шаклланган бўлишин тақазо этади.

Ўз-ўзидан равшанки Ўзбекистонда фаннинг барча йўналишларида интеллектуал иқтидорли олимлар учун энг замонавий асосларда жиҳозланган лабараториялар яратилиб берилиш мумкин эмас. Мамлакатимизда бунга имкон бўлмаса муайян соҳалар йўналишдаги мутахасисларни тегишли шароитлар билан таъминлай оладиган давлатларда ишлаши, малака оширишини давлат ғамхўрлиги ва назорати остида ташкил этиш керак бўлади.

Илм-фанга, интеллектуалларга нисбатан алоҳида ғамхўрлик албатта ўзининг иқтисодий ва ижтимоий самарасини бериши табиий. Энг аввало фан билан ишлаб чиқариш ўртасида мунтазам

боғланиш вужудга келади. Олимлар қулай ва арзон энергия манбаларини ўзлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшишилари мумкин. Шамол энергияси ва қуёш энергиясидан фойдаланиш, пахтачиликда ва чорвачиликда селекция ютуқларини жорий этиш, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш технологияларидан кичик ва ўрта бизнесда фойдаланиш бўйича жуда катта резерв имкониятлар бор. Келгусида Тошкентда ва бошқа минтақаларда технополислар куриш тўғрисида ўйлаб кўриш лозим.

Илм-фанни ривожлантиришнинг яна бир йўналиши – бу хусусий илмий-тадқиқот муасасалари вужудга келтириш билан боғлиқ. Бундай тузилмалар амалий фан соҳасида ташкил этилиши мумкин. Хусусий илмий марказлар тижорат субъекти сифатида, нотижорат субъект сифатида фаолият юритишга ҳақли. Қонунларда улар ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилиши лозим.

Илм-фан ва тадбиркорлик фаолияти ўртасидаги боғланиш ўз-ўзидан интеллектуал мулкдорлар қатламини вужудга келтиради. Интеллектуал мулкдорлар мавжудлиги эса доимий фаолият кўрсатадиган интеллектуал мулк бозори вужудга келишини тақозо қилади. Бу Ўзбекистон Республикасини ривожланган мамлакатлар сафига қўшиши табиий.

Албатта бугунги реал воқелик муҳитида юқоридаги мулохазалар ўзига хос утопия (хаёлий орзу) бўлиб кўриниши мумкин. Бироқ шуни унутмаслик лозимки барча тараққий этган давлатлар бевосита ёки бавосита илм-фанга ва интеллектуалларга ғамхўрлик қилишлар сабабли шу даражага эришганлар ва то бундай ғамхўрлик давом этар экан ўз мавқеларини сақлаб қоладилар.

Мамлакатимизда таълим жараёнига, илм-фанга ва интеллектуалларга ғамхўрлик мамлакатимиздан олимлар кетиб қолишини олдини олувчи асосий чорадир. Бугун бу соҳада қатъий ҳаракат қилиш фурсати етди. Эртага кеч бўлиши мумкин.

3.2.§ Бозор тизими шароитида илмий тадқиқотларни ташкил этиш, унинг натижаларини баҳолаш ва ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг баъзи муаммолари

Юридик фанлар умумий ҳолатини аниқлашда илмий асарлар, илмий ишланмаларга нисбатан муаллифларнинг, яъни олимларнинг ҳуқуқлари қай даражада таъминланади, рўёбга чиқарилади, ҳуқуқий муҳофаза қилинади деган масала муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки илмий асарлар ижодий фаолият натижаси, интеллектуал мулк объекти ҳисобланади. Бинобарин олимларимиз томонидан яратилган илмий асарлар ҳам ўзига хос товар, мол-мулк деб айтиш мумкин. Шу сабабли ҳам ҳар бир олим ўзи яратган илмий ишланма- га нисбатан ҳам мулкӣ, ҳам шахсий ҳуқуқларга эга бўлади.

Энг аввало олимларимизнинг мулкӣ ҳуқуқлари қай даражада амалга оширилмоқда деган савол туғилади. Илмий ишлар кўпроқ диссертация, монография, илмий мақола, дарслик сифатида, шаклида амалга оширилади. Мутлоқ кўпчилик ҳолларда улар олимларнинг ташаббускорлиги асосида бажарилади. Бунинг моҳияти шуки, бундаги сарф-харажатлар тўлиқ муаллиф зиммасига тушади. Диссертациялар ҳам (агар кундузги аспирантурани ва докторантурани ҳисобга олмаса) ташаббус асосида иш сифатида қаралади. Албатта бу ташаббускорлик замирида ҳар доим фанга, илмга чанқоқлик, фидоилик ётавермайди. Баъзи тадқиқотчилар келгусида, амал пиллапояларидан кўтарилишга мадад берувчи омил сифатида, келусидаги қора кунларда ёхуд пенсияга чиққанда эрмак сифатида ёхуд хатто шунчаки “мода” сифатида тадқиқотчилар сафига киради. Уларни нияти мақсадлари қандай бўлмасин, улар ҳар қандай ҳолда ҳам танбех ёки қоралашларга сазовор эмас. Ҳар ҳолда улар тадқиқотлари муайян маънода фанни ҳам бойитади, баъзи ҳолларда уларнинг қиёфасини ижобий томонга ўзгартиради. Ҳозирги илмий таҳлил, илмий билиш усулларини ўзлаштириш ҳеч кимга зарар келтирмаган. Шу сабабли ҳам ташаббускорлик асосида илмий тадқиқотларни амалга ошириш тўлиқ сақланиб қолиши лозим.

Айни вақтда давлат томонидан илмий тадқиқотларни молиялаштириш, айниқса ҳуқуқ фанлари соҳасида жонланганини қайд этиш лозим. Давлат грантлари асосида илмий тадқиқотларни амалга ошириш тизими жорий этилиши айни муддао бўлди. Бироқ

бу соҳада қатор муаммолар мавжуд. Энг аввало, давлат грантлари бўйича контрактлар меҳнат шартномаси сифтида расмийлаштирилмоқда. Бунинг маъноси шуки, тадқиқотчи олим билан давлат ўртасида воситачилар бор. Энг асосий воситачи – бу иш берувчи. Иш берувчи нимани хоҳласа, қанча ҳақ тўлашни белгиласа – ўша ўзгармасдан қолади. Масалан, муайян лойиҳа бўйича 1,5 миллион сўм ажратилган. Тадқиқотчига иш ҳақи фонди сифатида реал 300-350 минг сўм етиб келади. Ойига 30 минг сўмдан. Қолгани қани деган савол туғилади. Қолгани маъмурий аппарат ихтиёрида. Хўш бундан қутулиш мумкинми? Иш берувчи ташкилот раҳбари олимлар учун жонкуяр бўлганда ҳам, барибир у бюрократик аппаратни ўзгартира олмайди, аппарат барибир билганини қилади. Ушбу ахволни ўзгартириш учун албатта меҳнат контракти фуқаролик ҳуқуқий шартнома билан алмаштирилиши лозим. Меҳнат шартномасида тарафлар ўртасида тўла тенглик йўқ. Маблағларни тақсимлаш иш берувчи ихтиёрида. Ажойиб породоксал ҳолат вужудга келади: олим ғолиб чиқиб грант олади, бироқ унинг самарасини ташкилот кўради (иш берувчи сифатида). Агар фуқаролик ҳуқуқий шартнома тузилса, у ҳолда олимнинг ҳуқуқлари доираси жиддий кенгайди, тарафларнинг реал ҳуқуқий тенглиги мавжуд бўлади. Энг асосийси эса, олим ўз шартномавий мажбуриятларини ижроси учун тўлиқ ҳажмда жавобгар бўлади.

Илмий тадқиқотларни ташкил этишнинг яна бир муаммоси бу фундаментал фан ва амалий фанлар ўртасидаги нисбатни тўғри белгилаш ҳисобланади. Баъзан бундай бўлиниш нафақат ҳуқуқ тармоғлари ўртасида (масалан, давлат ва ҳуқуқ назарияси ўз моҳиятига кўра фундаментал фан, криминалистика эса амалий фан ҳисобланади.) балки бир ҳуқуқ тармоғининг ичида ҳам рўй бериши мумкин. Масалан, фуқаролик ҳуқуқида соф фундаментал ҳарактерга эга бўлган ҳуқуқий йўналишлар ҳам шунингдек амалий аҳамиятга эга йўналишлар ҳам мавжуд. Шу сабабли ҳам давлат илм фан ва фан техника йўналишларини мутасадди идоралари фундаментал фанларга асло эътиборларини камайтармасликлари лозим.

Илмий тадқиқот ишлари натижаларини баҳолаш масалари ҳам узил кесил ўз ечимини топган эмас. Агар натижа амалий аҳамиятга эга бўлса, у ҳолда тадқиқот натижаси иқтисодий самара, техник қулайлик ва шу кабилар билан баҳоланади. Бироқ ижтимоий фанлар бўйича натижани баҳолаш ўзига хос мураккабликларга эга,

бу борада хозирча асосан илмий янгилик, амалий ахамият мезонлари асосида белгиланмоқда. Агар юридик фанлар бўйича олганимизда амалий ахамият мезони бу биринчи галда қуйидагича изоҳланади:

А) Қонунларни норматив хужжатларни такомиллаштириш учун ахамиятга эга эканлиги;

Б) Тегишли илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги;

В) Таълим жараёнида фойдаланиш мумкинлиги;

Г) Суд амалиётида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида ёки шу кабиларда фойдаланиш мумкинлиги.

Илмий янгилик мезони эса анча мавхум характерга эга. Бу энг аввало тадқиқотчи томонидан амалга оширилган илмий ишнинг ижодийлик характери билан боғлиқ. Ушбу ижодийлик нафақат олинган натижани, балки қўйилган муаммони тадқиқ этиш усулларини ёхуд тадқиқотни амалга ошириш жараёнини янгилиги ўзига хослиги, уникал, такрорланмаслиги бошқа шунга ўхшаш тадқиқотлардан муайян даражада фарқ қилиши билан ажралиб туради. Шунингдек давлат грантлари бўйича илмий лойихалар танловига тақдим этилганида уни баҳолаш мезонлари мавжуд. Қолган холларда, айниқса ташаббус асосида амалга оширилган илмий ишларда баҳолаш тизими ҳам, мезонлари ҳам, баҳолаш субъектлари ҳам мавжуд эмас.

Юридик фанлар бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этишни мувофиқлаштириш, уни натижаларни баҳолаш ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқ манфаатларини муҳофаза этишни кучайтириш учун нодавлат нотижорат ташкилоти - Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқ фанлар Академиясини ташкил этиш тўғрисида ўйлаб кўриш вақти келди. Ҳуқуқ фанлар Академияси мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида, илмий ташкилотлар ва бошқа тузилмаларда илмий изланишлар олиб бораётган ҳуқуқшунос олимларни бирлаштирувчи ижодий жамоат бирлашмаси бўлган бўлур эди. Ҳуқуқ фанлар Академияси ҳуқуқшунослик ва давлатшунослик фанлари ривожига нотекисликни бартараф этган бўлур эди. Ҳақиқатдан ҳам юриспруденция негизида ётувчи жиноят ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи шунингдек умумназарий ва тарихий ҳуқуқий

тадқиқотлар жонланган холда солиқ, божхона, маъмурий, молия, тадбиркорлик, банк ҳуқуқи, хужалик процесси ва шу каби сохаларда на олимлар тайёрлаш, на тадқиқотларни амалга оширишда силжишлар бўлмади. Уш- бу сохаларда кадрлар ва илмий тадқиқотларни ташкил этиш ўз мақсадли йўналишига эга эмас. Аспирантурага, докторантурага жой ажратишда ушбу сохаларни ривожлантиришга алохида эътибор бериш лозим. Бироқ хозирги амалдаги мезонлар бўйича қайси соха бўйича фан доктори бўлмаса ушбу муассада ўша соха бўйича аспирантура ва докторантурага ўрин берилмайди. Бу эса муайян сохаларни орқада қолишига олиб келувчи тўсиқдир. Аспирантурага докторантурага ўрин ажратишда энг аввало тадқиқотчининг ўзига, унинг салоҳиятига ишонмоқ керак.

Расмий хужжатлар (қонунлар, қарорлар, хал қилув қарорлари, ажримлар ва ш.к.), шунингдек уларнинг расмий таржималари ҳам ижодий фаолият натижасидир. Жуда кўп холларда ушбу расмий хужжатлар ўз шаклига кўра илмий асар талабларига мувофиқ бўлади. Улар ўзларининг муайян муаллифларига ҳам эга. Бироқ ўз ҳуқуқий табиати бўйича расмий хужжат барча томонидан ҳеч қандай чеклашларсиз фойдаланишда бўлмоғи лозим. Шу сабабли ҳам улар муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлиши мақсадга мувофиқ эмас.

Расмий хужжатлар, рамзлар ва белгилар то ваколатли давлат идораси томонидан тасдиқлангунга қадар ижодий фаолият натижаси сифатида муаллифлик ҳуқуқи таъсири доирасида бўлади. Ушбу хол ФКнинг 1045-м.да белгилаб қўйилган. Расмий хужжат, рамз ёки белгининг лойихасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи лойихани яратган (ишлаб чиққан) шахсга тегишли бўлади.

Расмий хужжатлар, рамзлар ёки белгиларнинг лойихаларини ишлаб чиққан шахслар, башарти бундай лойихани ишлаб чиқиш тўғрисида топшириқ берган орган томонидан таъқиқланмаган бўлса, ўзлари яратган лойихаларни эълон қилишга ҳақлидирлар. Лойихани эълон қилишда уни ишлаб чиққан шахслар ўз исмларини кўрса- тишга ҳақлидирлар. Ваколатли давлат орган расмий хужжат тайёрлаш учун лойихадан, башарти, лойиха уни ишлаб чиққан шахс томонидан эълон қилинган ёки тегишли органга юборилган бўлса, мазкур шахснинг розилигисиз фойдаланиш мумкин. Ушбу нормани ҳуқуқшунос олимлар доимо ёдда тутмоқлари лозим. Агар олим бирор қонунга ўзгартириш ёки қўшичалар киритиш ёхуд

расмий хужжат қабул қилиш тўғрисида таклиф билан мурожаат этса, унинг таклифи асосида норматив акт қабул қилинса, муаллиф кейинчалик ўзини розилиги сўралмаганлигини важ қилиб, эътироз билдира олмайди. Аслида ваколатли давлат органи муаллифнинг эрки-иродасига зид ҳеч қандай ҳаракат содир этмаган. Агар муаллиф кейинги босқичларда ҳам ўзи билан ҳисоблашишларини хоҳласа, у ҳолда ўз мурожаат-таклифига тегишли писанда киритиб қўйиши лозим.

Лойиха асосида расмий хужжатлар, рамзлар ва белгилар тайёрлаш чоғида расмий хужжат, рамз ёки белги тайёрлаётган органнинг хоҳишига кўра лойихага қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиши мумкин. Демак, бунда муаллиф ФКнинг 1054-м.да назарда тутилган асар дахлсизлигига нисбатан ҳуқуқлардан фойдалана олмайди. Ваколатли орган лойихани маъқуллаганидан кейин лойихадан уни иш-лаб чиққан шахснинг исми шарифини кўрсатмаган ҳолда фойдаланиши мумкин (ФКнинг 1045-м.).

Хорижий мамлакатларда, айниқса АҚШда қонунларни ёки ўзгартиришларни унинг лойихалари муаллифлари ёки таклиф киритган сенаторлар ёки конгрессменлар номлари билан аташ кенг тарқалган. Масалан, Тафта-Хартли қонуни, Жексон тузатиши номлари билан машҳур хорижий давлат қонунлари ҳаммамизга таниш. Афсуски ушбу тажриба бизнинг ҳаётимизга асло сингмади, бирор марта бўлсин қўлланмади. Албатта, расмий хужжатларда, баённомаларда муаллиф номи кўрсатилмайди. қонунни шахс номи билан аташ – бу энг аввало оммавий ахборот воситалари ходимлари, асосан журналистларга тегишли бўлган имтиёзли ҳуқуқ. Бирор журналистнинг “енгил қўли билан” қонунга шахс номини қўйиш кенг оммалашиб кетиши хорижда кенг учрайди. Ушбу ҳолатни икки ижобий жихати мавжуд:

- биринчидан, лойиха муаллифи хизмати жамият томонидан оммавий эътироф этилади, бу унга ўзига хос ижтимоий мавқе, обрў-этибор келтиради (агар қонун ёки норматив хужжат ижобий жихатдан баҳоланса, албатта) ;

- иккинчидан, агар қонун ёки норматив хужжат кенг жамоатчилик томонидан салбий баҳоланса, у ҳолда муаллиф номи истехзо, киноя, танқидий мулоҳазалар объектига айлантирилиши мумкин, бу эса кимни ким эканлигини кўрсатувчи ўзига хос мезон бўлган бўлур эди.

Охир-оқибатда бу қонун чиқарувчиларни маъсулиятини ошириб, уларни Олий Мажлис номи орқасига яшириниб иш кўриши тарти- бини бир оз бўлсада заифлаштирган, қонун чиқариш жараёнини тўсиб турган парда орқасига гоҳ-гоҳида мўралашга имкон берган бўлур эди.

Илмий асарлар, илмий ишлар натижаларини ҳуқуқий муҳофаза қилишда ҳам муайян муаммолар мавжуд. Бу муаммо энг аввало плагиаторлик кўринишидаги ҳуқуқбузарликларни учраб туриши билан боғлиқ. Илмий асарлар умумий қоида бўйича муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланади. Муаллифлик ҳуқуқи эса илмий асарнинг шаклини кўриқлайди. Асар илмий мазмуни эса ҳуқуқий муҳофазадан деярли четда. Шу сабабли ҳам кўчирмачи айнан, сўзма-сўз кўчирмайди, балки ғояни ўзлаштиради, ўзлаштирганда ҳам ўз сўзлари билан ўзлаштиради. Бундай ҳолатда муаллифлик ҳуқуқи асосида уни жавобгарликка тортиш масаласи жуда мураккаб ҳисобланади. Бироқ, илмий асар номзодлик ёки докторлик диссертацияси кўринишида бўлса, ғоявий ўғирилик натижасиз қолмайди. Маълумки диссертацияларга муайян талаблар қўйилади, энг аввало мазмун бўйича. Бу ҳолда плагиатор (мазмун, ғоя ўғриси) диссертацияга қўйилган талабни бузгани сабабли яроқсиз, сифатсиз илмий асар яратган бўлади ва охир-оқибатда у ўз ўзининг кутилган натижасига эриша олмайди (яъни кутилган илмий даражани ола олмайди), демак ўз жазосини олади. Бунинг учун эса илмий жамоатчилик, ихтисослашган Илмий кенгашлар, ОАК экспертлари объектив, холис ва ғоявий плагиаторликка нисбатан мурасасиз муносабатда бўлиш лозим.

Кўчирмачилик (плагиаторлик)ка нисбатан асосан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шакллари қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 149-моддасида муаллифликни ўзлаштириш, ҳаммуаллифлик мажбур этиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бироқ у амалда қўллангани тўғрисида ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Бинобарин, у деярли “мудроқ ҳолдаги норма” ҳисобланади. Амалиётда эса уни ишлаши, қўлланиши учун асос бўлувчи фактлар мавжудлигини ҳеч ким инкор этмайди. Асосий масала, илмий асарлар муаллифлари ҳуқуқларига нисбатан нописандлик билан қараш, муносабатда бўлиш стереотипларидан воз кечиш керак.

Илмий муасасаларда, ўқув юртларида майда плагиаторлик ҳоллари кўп кўп учрайди. Бунда фуқаролик ҳуқуқий

жавобгарликни қўллаш анчайин малол келади. Шу сабабли ҳам кўп холларда “май-да плагиаторлик” ахлоқий қарашлардан бошқа оқибат келтириб чи- қармайди. Баъзи холларда хатто у ҳам шунчаки ғийбат гаплар сифатида қабул қилинади. Фикримизча, майда плагиаторлик, агар хизмат топшириғини бажаришда содир бўлса, у холда интизомий жазога сазовор бўлмоғи лозим. Мана шунда плагиаторликни илдизига болта урилади, чунки ўз вақтида жазоланган майда плагиаторлик келгусида йирик, хавфли плагиаторликни олдини олади.

3.3.§ Интеллектуал мулк объектлари билан савдо-сотиқни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўтган XX асрдан бошланган ва доимий, узлуксиз тус олган илмий-техника инқилоби нафақат инсон турмуши, балки у киришадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Бундай ўзгаришларни асосан савдо-сотиқ муносабатларига нисбатан олганда уч хил туркумга бўлиб кўрсатиш мумкин:

-биринчидан, илмий-техника тараққиёти аввал мавжуд бўлмаган, инсон билмаган янгидан-янги товарларни савдо муомиласига киритди;

-иккинчидан, савдони ташкил этиш, олди-сотдини амалга оширишнинг осон ва қулай, ишончлилигини таъминловчи техник воситаларини ишлаб чиқиш ва қўллашни таъминлади (масалан, электрон воситалардан фойдаланган холда савдо қилиш);

-учинчидан, савдо муомиласида интеллектуал мулк объектлари билан савдо қилиш қоидалари мавжуд бўлишини тақазо қилди.

Худди шу учинчи хусусият фуқаролик ҳуқуқининг анъанвий олди-сотди шартномаси конструкциясини жиддий қайта кўриб чиқишни, интеллектуал мулк объектлари савдосини унга мослаштиришни талаб қилди.

Энг аввало шуни таъкидлаш лозимки, интеллектуал мулк объектларини қуйидаги хусусиятларига кўра уларга анъанавий олди-сотди шартномасини қўллаш истисно этилади:

-биринчидан, интеллектуал мулк объектлари кўп холларда ғоявий-идеал кўринишда бўлади, бинобарин улардан бир вақтнинг ўзида номуайян доирадаги шахслар фойдалана олади, уларни одатдаги ашё каби сотувчи харидорга топшириши мумкин эмас.

-иккинчидан, интеллектуал мулк объектларига нисбатан мулк ҳуқуқи эмас, балки мутлоқ ҳуқуқ амал қилади. Мутлоқ ҳуқуқ ва мулк ҳуқуқи муайян ўхшашликларга эга бўлса ҳам, бироқ ваколатлар хажми, мазмуни, турлари бўйича тафовутларга ҳам эга.

Худди шу сабабли ҳам интеллектуал мулк объектларини олди-сотди шартномаси предмети сифатида бўлиши тўғрисида фақат нисбий маънода гапириш мумкин. Интеллектуал мулк объектлари савдосига нисбатан ФКнинг 29-боби, айниқса унинг биринчи параграфи қоидаларини (олди-сотди шартномаси умумий қоидалари) қўллаш мумкинми деган савол туғилади. ФКнинг 386-м.

2-қ.да қимматбаҳо қоғозлар ва валюта қимматликларини олди-сотдисига олди-сотдининг умумий қоидаларини қўллаш мумкинлиги тўғрисида кўрсатма мавжуд, бироқ унда интеллектуал мулк объектлари эслатилмаган.

ФКнинг 386-м. 4-қ.да олди-сотдининг умумий қоидалари мулккий ҳуқуқларни сотишга нисбатан ҳам қўлланилади, агарда ушбу ҳуқуқлар мазмуни ёки мохиятидан бошқача хол келиб чиқмаса деб белгилаб қўйилган. Албатта, мутлоқ ҳуқуқ ўз мазмунига кўра мулккий ҳуқуқ ҳисобланади, яъни ҳуқуқ эгасининг муайян объектга нисбатан мулккий моддий манфаатларини ўзида мужассамлантиради ва мустаҳкамлайди. Шу сабабли ҳам мутлоқ ҳуқуқларни ҳақ эвазига бир субъектдан бошқа субъектга ўтказиш муайян маънода савдо-сотикнинг умумий конструкцияси асосида амалга оширилади деб айтиш мумкин. Бироқ барибир бу том маънодаги олди-сотди бўла олмайди, шу сабабли қонунчиликда интеллектуал мулк биржаси бўлиши истесно этилиши тўғрисида писанда мавжуд. Бироқ, муаллифлик ҳуқуқи объектлари (расмлар, хайкалчалар, антиквариат буюмлари ва ш.к.) Лондондаги Сотби аукционида садо-сотикнинг асосий предмети эканлигини унутмаслигимиз лозим. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1057-м.да ҳам муаллифлик ҳуқуқи объектига нисбатан мутлоқ ҳуқуққа эга бўлган шахс очик савдода тузилган шартнома орқали асардан файдаланиш борасидаги барча ҳуқуқарни ўзга шахсга бериши мумкинлиги назарда тутилган.

ФКнинг 1035-м.да мутлоқ ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш асослари белгилаб қўйилган. Ҳуқуқ эгаси мутлоқ ҳуқуқни шартнома асосида бошқа шахсларга ўтказиши мумкин. Агар шартнома ҳақ бараварига тузилган бўлса, унинг ҳуқуқий табиати қандай бўлади деган савол туғилади. Бундай шартномага олди-сотди шартномаси сифатида қаралиши мумкинми? Адабиётларда ушбу саволга аниқ равшан жавоб йўқ. Бироқ анъанавий олди-сотди шартномаси констирукциясини ушбу ҳолатга нисбатан мослаштириш мумкин. Бундай ҳолда интеллектуал мулк олди-сотди шартномасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: интеллектуал мулк олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (мутлоқ ҳуқуқ эгаси-сотувчи) ўзига тегишли мутлоқ ҳуқуқни бошқа шахс-сотиб олувчига тўлиқ равишда ўтказиш мажбуриятини олади, сотиб олувчи эса бунинг учун келишган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади. Ўз-ўзидан равшанки бундай шартнома ёзма

равишда тузилиши шарт. Агар бунда патент билан гувоҳлантирилган мутлоқ ҳуқуқ (саноат мулк объектларига нисбатан) олди-сотди предмети бўлса, у патент идорасида давлат рўйхатидан ўтиши лозим, ақс холда ҳақиқий хисобланмайди (ФКнинг 1088-м.). Баъзан мутлоқ ҳуқуқни ҳақ эвазига тўлиқ ўтказиш (сотиш) ва мутлоқ ҳуқуқни қисман ўтказиш (лицензия шартномалари) фарқланмайди. Бу ғоят кўпол хато деб хисоблаш мумкин. Ҳатто мутлоқ лицензия шартномаси ҳам лицензиар интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади, бироқ лицензиатдан бошқа шахсларга лицензия бера олмайди. Демак, бунда том маънодаги олди-сотди рўй бермайди.

Мутлоқ ҳуқуқлар олди-сотдисида сотувчи мутлоқ ҳуқуқни амалга ошириш бўйича барча техник хужжатлар, ахборот-маълумотларни сотиб олувчига топширади, айна вақтда сотувчи мутлоқ ҳуқуқни учинчи шахслар ҳуқуқларидан (лицензия асосида олган ҳуқуқлардан) ҳам озод қилиб топшириш лозим, демак, ФКнинг 393-м. мантиқан олганда тўла амал қилади. Ушбу шартномада сотувчи зиммасига яна бир мажбурият юкланади: У интеллектуал мулк объектдан бундан кейин ўзи ҳеч қандай фойдаланишга уринмаслиги, учинчи шахсларга ҳам объектдан фойдаланишга имкон берувчи ҳеч қандай хужжат ахборотлар бермаслиги шарт. Ушбу мажбурият шартномада ўз ифодасини топиши лозим бўлган муҳим шарт хисобланади, чунки гарчи мутлоқ ҳуқуқни сотувчи сотиб олувчига ўтказса ҳам объектга доир билим-ахборотларни ўз хотирасидан ўчириб ташлай олмайди, демак ушбу объектдан фойдаланиш бўйича деярли барча имкониятлар унда амалда сақланиб қолади.

2. Интеллектуал мулк объектларини савдо-сотикда бўлиш масаласи маданий қароқчилик ва товарларни қалбакилаштиришга қарши кураш масаласи билан узвий равишда боғлиқ. Одатда интеллектуал мулк объекти асосида товарлар ишлаб чиқарилади, ишлар бажарилади ва хизматлар кўрсатилади. Бинобарин ғоявий объект чексиз нусхалардаги моддий предметлар - компьютер дастурлари, компакт дисклар, аудиовизуал ёзувлар, янги техника кўринишидаги товарларга айланади. Бироқ шуни унутмаслик керакки, бунда интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлоқ ҳуқуқ, товарларга нисбатан мулк ҳуқуқи таъсири сақланиб қолади. Масалан, адабий асарга нисбатан муаллифнинг мутлоқ ҳуқуқ амал қилса, ушбу асар китоб шаклда нашр этилганда уни сотиб олган

шахс мулк ҳуқуқига эга бўлади ва шу асосда ундан фойдаланади. ФКнинг 1038-моддасида белгиланганидек, интеллектуал фаолият натижасига нисбатан ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлоқ ҳуқуқ бундай натижа ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи объектларга нисбатан, мулк ҳуқуқидан қатъий назар мавжуд бўлади.

Бироқ шуни унутмаслик лозимки, интеллектуал мулк объектларини товар нусхаларига мулк ҳуқуқини олган шахс зиммасига муайян мажбуриятлар ҳам юкланади:

а) товар мулкдори товарни тижорат мақсадларида кўпайтириб тарқатишга ҳақли эмас;

б) товардан фойдаланиш жараёнида муаллифлар шахсий ҳуқуқларига риоя қилиш лозим;

в) асар дахсизлигига риоя қилган ҳолда унинг мазмунига ўзгартириш ва кўшимчалар киритилмаслиги шарт.

Айни вақтда интеллектуал товарлар билан савдо қилиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Ҳозирги вақтда ушбу соҳада муайян тартиб ўрнатишга эҳтиёж сезилмоқда. Гап энг аввало интеллектуал товарлар бўйича улгуржи ва чакана савдони ташкил этиш тўғрисида бормоқда. Маданий қароқчилик ва товарларни сохталаштириш айнан худди шу нуқталарда ўзининг якунига етади. Агар улгуржи ва чакана савдо субъектлари мутлоқ ҳуқуқларни бузиш асосида тайёрланган товарларни сотиб олмасалар ва реализация қилмасалар маданий қароқчиликка деярли чек қўйилган бўлур эди. Бироқ шуни эътироф этиш лозим, маданий қароқчилик товарларини ишлаб чиқарувчи ўз товарини анча арзон нархларда сотади, чунки у мутлоқ ҳуқуқ эгасидан лицензия олмаган, бинобарин унинг ҳаражатлари анча кам, улгуржи ва чакана савдо субъектлари ҳам бундай савдо-сотикдан анча катта фойда кўрадилар. Гарчи ғайри қонуний фаолият билан шуғулланаётганликларини билсалар ҳам, бунга парво қилмайдилар. МДХ мамлакатларида маданий қароқчиликка қарши курашишнинг ҳозирча қонуний асослари шакллантирилмоқда, унга қарши курашишнинг ташкилий - ҳуқуқий шакллари ишлаб чиқилмаган. Ҳозирча Россияда бу борада айрим тадбирлар ўтказилмоқда. Интеллектуал товарлар билан палаткаларда ва кўчма савдо дўконларида савдо қилиш таъқиқланади. Машҳур Горбушка бозори ёпилди. Интеллектуал товарлар турғун савдо шахобчаларида сотилганда иқтисодий жиноятларга қарши кураш олиб борувчи

полиция, солиқ идоралари, савдо устидан давлат назорат органлари, антимонопол органлари улар фаолиятини доимий назорат қилиб бориш имконига эга бўлдилар.

Мамлакатимиз қонунчилигида очик қолган, хал этилмаган масалаларидан бири - бу маданий қароқчилик асосида тайёрланган товарлар, шунингдек сохталаштирилган товарлар (ўзганинг фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товар келиб чиққан жой номига бўлган ҳуқуқдан ғайриқонуний фойдаланиш асосида тайёрланган товарлар) ни ўз шахсий истеъмол мақсадлари учун сотиб олган истеъмолчи ҳуқуқлари тўғрисидаги масаладир. Фуқаролик Кодексининг 1040-м. мазмунига кўра, "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги қонуннинг 13-моддаси, Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари; товар келиб чиқиш жойи номи тўғрисидаги қонуннинг 26, 28-моддаси мазмунига, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонуннинг 46, 61-моддалари мазмунига кўра бундай товарлар ҳуқуқбузарлик маҳсули ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексининг 9-м.га кўра бундай товарларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва олиб чиқиш таъқиқланиши мумкин.

Бироқ ушбу нормаларда асосий эътибор бошқа томонга қаратилган, уларда товарларни тижорат, фойда олиш мақсадида тайёрлаш, сотиш, сақлаш ва бошқача тарзда фуқаролик муомиласига киритиш тўғрисида сўз боради. Истеъмолчи эса товардан фақат ўз шахсий мақсадларида, уй хўжалигида фойдаланади холос. Худди шу сабабли ҳам Бутун Жаҳон Савдо Ташкилотининг Интеллектуал мулкнинг савдо сотик жиҳатлари бўйича Битимининг 60-моддасида БСТ аъзолари юқоридаги товарларга нисбатан юридик санкцияларни қўллашда истесно этилишлари мумкин, агарда бундай товарлар нотижорат мақсадларда кам миқдорларда йўловчилар шахсий багажларида бўлса ёхуд кичик партияларда юборилаётган бўлса деб кўрсатилади.

Яна шуни ҳам унутмаслик лозимки, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг 7-моддасида истеъмолчи мутахасис эмас деган тамойил мустаҳкамланган. Демак, истеъмолчи товарлар маданий қароқчилик орқали тайёрланганлигини билмайди, у бундан хабардор эмас, бозорлардаги товарлар қандай тайёрланган ва олиб келганлигини, қонуний ёки ғайри қонуний сотилаётганлигини текшириш бурчи

унинг зиммасига юкланиши мумкин эмас. Хаттоки товар ғайри қонуний эканлиги ҳам, истеъмолчига ушбу товарни сотиб олганлиги (агарда бу қасддан эканлиги исботлаб берилмаса) учун ҳуқуқбузар мақомини бермайди. Фуқаролик Кодексининг 229-моддасига кўра истеъмолчи бундай ҳолда инсофли эгалловчи мақомига эга бўлади. Демак, маданий қароқчилик ёки сохталаштириш маҳсули бўлган товар истеъмолчидан олиб қўйилиши, мусодара қилиниши, йўқ қилиб юборилиши мумкин эмас. Юқоридаги чоралар қўлланиши мумкин, агарда маданий қароқчилик орқали ёки товарларни сохталаштириш йўли билан ҳуқуқбузарлик содир этиб тижорат мақсадларида бундай товарларни тайёрлаган, сотган шахс томонидан истеъмолчига етказилган зарарлар қопланган тақдирдагина.

Юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики, интеллектуал товарлар билан савдо қилишнинг ҳуқуқий асослари жиддий такомиллаштиришга муҳтож. Бу ўринда энг аввало истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича нормалар аниқ-равшан белгилаб қўйилиши шарт. Бозорларга маданий қароқчилик товарлари кириб келишида у айбдор эмас. Бинобарин айб жавобгарликнинг асосий шарти экан, истеъмолчи ўз шахсий истеъмоли мақсадларида ғайри қонуний тайёрланган товарларни сотиб олгани учун айбдор эмас. Энг асосийси интеллектуал товарлар савдоси соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир бўлишини олдини олиш чораларини кўриш ҳисобланади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	
I БОБ. ХЎЖАЛИК (ТАДБИРКОРЛИК) ҲУҚУҚИ ФАНИНИНГ МИЛЛИЙ ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ	
1.1. § Иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлашда ҳуқуқ фанларининг вазибалари	
1.2. § Иқтисодиёни ҳуқуқий тартибга солишнинг Конституциявий тамойиллари	
1.3. § Иқтисодий ислоҳотлар ҳуқуқий асослари ривожининг янги босқичи	
1.4. § Давлат бош ислоҳотчи	
1.5. § Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантиришда етакчи ҳуқуқий манба	
II БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ	
2.1. § Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини вужудга келиши ва ривожланишининг асосий босқичлари	
2.2. § Қонунлар – иқтисодиёт ривожига тўсиқларини бартараф этувчи омил сифатида	
2.3. § Замонавий раҳбар ваколати, маҳорати ва маъсулиятининг ахлоқий ва ҳуқуқий мезонлари	
2.4. § Бозор муносабатларини ҳуқуқий таъминлашда хусусий ҳуқуқнинг ўрни ва аҳамияти	
2.5. § Тадбиркорларнинг фуқаролик жамиятида фаоллигини оширишнинг ҳуқуқий муаммолари	
2.6. § Ижтимоий бойлик ва миллий бойлик ўртасидаги нисбат	
2.7. § Тадбиркорнинг бемалол ва хотиржам ишлаши учун яратилган юридик кафолатлар	
2.8. § Нодавлат ноижорат ташкилотлари хўжалик-тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари	
III БОБ. ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ВА ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ	
3.1. § Давлатга интеллектуаллар керакми? Интеллектуаллар кетиб қолишин олдини олишнинг ижтимоий-ҳуқуқий ечимлари	
3.2. § Бозор тизими шароитида илмий тадқиқотларни ташкил этиш, унинг натижаларини баҳолаш ва ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг баъзи муаммолари	
3.3. § Интеллектуал мулк объектлари билан савдо-сотиқни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари	
ХУЛОСА	
ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	